

A photograph of a modern, multi-story building with a prominent entrance canopy. The canopy is supported by four blue columns and has a sign that reads "ERGASH OTA" in large blue letters, with "HOTEL" and "MARKAZI" in smaller letters below it. The building has a light-colored facade with dark horizontal bands and several windows. A set of stairs leads up to the entrance. The sky is clear blue, and there are some green leaves visible in the top left corner.

ERGASH OTA
HOTEL MARKAZI

ERGASH OTA
HOTEL MARKAZI

«ЭРГАШ ОТА» МУЪЖИЗАСИ

**«ЭРГАШ ОТА»
МҮЪЖИЗАСИ**

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-мағбаа
ижодий уйи
2016

Сайид, Ҳалим.

«Эргаш ота» мўъжизаси/ Ҳ.Сайид. — Тўлдирилган учинчи нашри. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. — 224 б.

Ушбу рисолада мустақил Ўзбекистоннинг илк хусусий тиббий марказларидан бирида амалга оширилган ибратли ишлар хусусида ҳикоя қилинади.

УЎК 821.512.133(092)

КБК 51.1 (5Ў)

ISBN 978-9943-03-904-9

© Ҳалим САИИД
© Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2016

МУҚАДДИМА

КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ!

Юртимиз истиқлолга эришгач мисли кўрилмаган хайрли ишлар амалга оширилди. Озодлик кишиларни фикрлашга чорлади, тафаккурини кенгайтирди. Халқимиз тинчликда эркин, фаровон яшаш лаззатини тўйди, узоқ умр кўриш орзуси янги шароитларда қайта шаклланди. Бунинг учун эса ўз соғлиғи ҳақида қайғуриш, оила аъзоларининг саломатлигига ҳеч қачон бепарқ бўлмаслик кераклигини англаб етдик. Аслида ҳам фаровонлик деганда, биринчи галда, соғлиқ, ташеҳатлик назарда тутилади. Тани соғлом кишигина фаровонликдан тўла-тўқис баҳраманд бўлади.

Инсонлар онгидаги ана шундай юксалишлар яна бир ҳақиқатни қайта кашф этди: хасталик хуружидан сўнг харажат сарфлаб, елиб-югуриб, даволангандан кўра КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ!

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган «Эргаш ота» тиббий марказида, хусусан, шифо маскани бош врачлари, олий тоифали шифокор, фахрий профессор Бердиқул Эргашев қўлида жуда оғир беморлар ҳам даво топаётди. Биз бу ҳақда батафсил тўхталиш билан бирга, унинг бугунги фаолияти айнан «Касалликнинг олдини олган афзал» ғояси асосида ташкил этилаётганини таъкидлашни истардик.

Бу жараён тиббиётда — профилактика деб аталади. Юқумли ва шунга ўхшаш хасталиклардан бошқа касалликлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаслиги, балки босқичма-босқич инсон организмни «забт» этиши кўпчиликка сир эмас. Хасталиклар тарихидан бохабар инсон ўзидаги салбий ўзгаришларни сезади, хусусан, бирор бир касалликнинг илк нишонларини пайқайди.

Буюк сиймолардан бири таъкидлаганидек, хасталиклар оқибатида ҳаётинг сўнишига қисқа фурсат қолганда эмас, аксинча, касалликка йўлиқишдан уч йил аввал даволанишни бошлаш керак.

Бердиқул ЭРГАШЕВ:

КАСАЛЛИКЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ ВА УЛАРНИ ҚАНДАЙ ДАВОЛАГАН МАЪҚУЛ?

Ёхуд нафақат шифо берадиган, балки ёшартирадиган муолажа

Юқоридаги саволга олий тоифали шифокор, фажрий профессор Бердиқул Эргашев жавобни беради, сиз эса унинг фикр-мулоҳазаларини шошмасдан, қайта-қайта ўқиб, уқиб, мушоҳада қилиб, хулоса чиқаришингиз лозим бўлади.

— Мен сўзимни аллома Жалюлиддин Румийнинг қуйидаги фикри билан бошламоқчиман:

«Беш нарсадан аввал беш нарсанинг қадрини бил: касал бўлмасдан аввал соғлик қадрини, қаримасдан аввал ёшлик қадрини, қарамликдан аввал озодлик қадрини, қашшоқликдан аввал бойлик қадрини, ўлимдан аввал тириклик қадрини».

Минг афеуски, олтидан қиммат бу давоийларга хануз кўпчилигимиз амал қилмаймиз.

Ўзимизга, соғлиғимизга ўз вақтида эътибор бермаймиз, танамиз ҳориб-толгунча югуриб-елаемиз, оқибатда касаллик орттираемиз, оғир кунларни бошимиздан ўтказамиз.

Шундагина ҳар бир инсон учун саломатликдан кўра муҳимроқ вазифа йўқлигига иқрор бўламиз. Айримларимиз хасталикдан сақланиш, соғлиғимизни асраш ва мустаҳкамлаш учун кучайрат, маблағ ва вақтимизни аямаймиз. Ҳар хил муолажа усуллари, спорт ва бадантарбия машқлари билан шуғулланамиз, Оллоҳ яратиб қўйган турли-туман шифобахш неъматлар истеъмолидан, тез-тез шифокор ва табиблар қабулида бўлиб, улардан маслаҳат ва тавсиялар олиб туришдан эринмаймиз. Булар бежиз эмас. Ҳаёт тотли, соғ-саломат умргузаронлик қилиш унданда ширин. Бахтли-саодатли яшаши учун эса инсонга, аввало, соғлиқ керак. Энг ширин лаззат саломатликдир. Бирор жойимиз оғриб турганда, касаллик мунтазам безовта қилганда ҳеч нарса татимаслиги бунинг тасдиғидир.

Касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари кўп бўлса-да, аслида барчаси фақат бир моҳиятга бориб тақалади. Оллоҳ-таоло бандаларини вақт-вақти билан, баъзиларни эса бир умрга турли хасталиклар, аъзоларни майиб-мажруҳлиги ёки носоғломлиги билан имтиҳон қилиб туради. Айниқса, ўзи суйган бандаларига дард ва хасталик, оғриқ ва беморлик ташвишлари билан синайди.

Одатда қачонки касаллик «эшик қоқиб» келса, шундагина унинг шифосини излашга киришамиз, муолажа йўлларини ахтарамиз, шифокорларга, халқ табобатига мурожаат қиламиз. Эл орасидаги айрим тажрибаларни ҳам назардан қочирмаймиз. Касалимиз аниқланиб, нима шифо бағишлани маълум бўлгач, даволанишга киришамиз. Касаллиكنи билиб-билмай турли сабабларга боғлаш подонлик бўлганидек, дард келганда даволанмаслик жаҳолатдир. Даволанишнинг эса усуллари кўп. Биров нажотни замонавий тиббиётдан ахтарса, кимдир халқ табобатига мурожаат қилади. Ҳатто кимларнингдир муолажа тажрибасига суяниб иш кўрадиганлар ҳам учрайди. Биз буларнинг бири афзал, бошқаси яроқсиз, дея ҳукм чиқаришдан йироқмиз. Танлаш ихтиёри эса, беморнинг ўзида қолади.

Айримларга халқ табобатидан сўз очсангиз бурнини жийиради, руҳиятимизга, табиатимиз ва иқлимимизга мос даволаш усулларини подонларча инкор қилади. Лекин масалага чуқурроқ назар ташланса, гап улар ўйлаганидек у ёки бу усулнинг афзаллиги ёки номақбуллигида эмас, балки даволанишнинг самаралироқ, арзонроқ ва безарар йўлини танлай билишда эканлиги ойдинлашади.

Хўш, касаллик қандай пайдо бўлади?

Бу саволни эшитганда киши беихтиёр унга жавоб тона олмай ўйланиб қолиши табиий. Энг аввало, бу саволга ДАРҶНИ БЕРУВЧИ ҲАМ, ОЛУВЧИ ҲАМ ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ деган,

миллий қадриятларимизга мос қисқа ва аниқ жавоб берилса тўғри бўлади. Дунёда ҳеч бир ҳодиса сабабсиз рўй бермаслиги аён ҳақиқат. Шу маънода Яратувчининг ўзи касалликларга шифо излашга буюргани боис ҳар бир хасталикнинг келиб чиқиш омиллари ўрганилади, даволаш чора-тадбирлари қўлланилади. Бунинг учун, энг аввало, касаллик сабабларига аниқлик киритиш лозим бўлади.

Улуғ ҳаким, тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино ёзишича, киши мизожки тўрт хил: биринчиси — қуруқ иссиқ, иккинчиси — хўл иссиқ, учинчиси — қуруқ совуқ, тўртинчиси — хўл совуқ бўлади. Яна инсон вужудида тўрт хил суюқ модда мавжуд: биринчиси — сафро, иккинчиси — савдо, учинчиси — балғам, тўртинчиси — қон. Бундан ташқари, танада қамалиб, тиқилиб қолгач, зарар етказадиган унсурлар ўнтадир: кўпирган қон, қўзвалган маний (шаҳват уруғи), бавл (пешоб), катта ҳожат, қориндаги дам, қусқу, аксани ташқарига чиқармаслик, уйқу, очлик, ташналик эҳтиёжини қондирмаслик. Агар мана шу ўнта унсурнинг бирортаси танада ушланиб, тугилиб қолса, вужуд эҳтиёжи қондирилмаса, албатта, улар бирор-бир дардни, касалликни келтириб чиқаради.

Инсон танаси шунақа мукаммал яратилганки, ички аъзоларимиз фаолиятини кузатган киши ҳайратга тушмай қолмайди. Инсоннинг еган таоми овиз бўшлиғи ва томоқ орқали ўтиб, тўғри

ошқозонга тушади. Ошқозон ва 12 бармоқли ичак таомни эзиб, унга зарур моддаларни қўшиб ҳазмга тайёрлайди, кейин таомнинг тилшини ичакка ўтказиб беради. Ичак ҳам ўзига зарур моддаларни сингдиради ва қолган чиқитини ташқарига чиқариб юборади.

Ошқозон ва 12 бармоқли ичакда қолган соф қувватли сув меъда билан жигар орасидаги «масориқа» деб аталувчи меъда томирлари орқали жигарга ўтади ва қонга айланади. Қайнаганда устига чиққан кўпиги сафро, ён-атрофга чиққан қасмоқлари балғам, остига тушган қуйқумлари савдо, ана шу аралашманинг мусаффо, тоза қисми қонга айланади.

Қон инсоннинг умри давомида жигардан юракка, ундан ўпкага ўтиб, ўпкага кирган соф ҳаводан тўйиниб тозаланади ва яна юрак томирлари орқали бутун баданга бир меъёрда тарқалиб, ҳамма аъзоларнинг ҳужайраларини озиқлантириб, жонлантириб туради.

Сафро жигарга бириккан маҳсус ўт халтачада, савдо қора талокда бўлади, балғамнинг ўрни ўпкада, қоннинг ўрни танадаги барча қон томирларидадир. Агар бирор тук тагига, бирор ҳужайрага қон етмай қолса, унга зарар етади ва ҳужайра ҳалок бўлади. Мана шу тўрт суюқ модда белгиланган жойда турса, тана ҳамиша соғлом бўлади. Агар уларнинг фаолияти меъёри бузилиб, ортиб ё камайиб кетса, иллат — касаллик пайдо бўлади.

Демак, ҳар қандай касаллик — дарднинг аввали емак-ичмакнинг тартибсизлигига боғлиқ.

Шуни яхши билиб олиш керакки, овқатланиш тартибига риоя қилган киши умр бўйи касалликка чалинмаслиги мумкин.

Сафро — қуруқ иссиқ, савдо — қуруқ совуқ бўлади. Қон — ҳўл иссиқ, балғам — ҳўл совуқ бўлади. Касаллик кўпроқ шу моддаларнинг инсон танасида кўпайиб ёки озайиб кетиши оқибатида пайдо бўлади. Агар шифокор бемор мизожини аниқламасдан, танасидаги ҳар бир модданинг озайгани ёки кўпайгани билан қизиқмасдан уни даволамоқчи бўлса, кутилган натижага эриша олмайди. Шунинг учун одам ўз танасини доимо бўшатиб-тозалаб туришга алоҳида эътибор бериши керак. Абу Али ибн Синонинг ёзишича, инсон тўрт хилтга асосан тўртга тозаланишдан ўтади, яъни одам терни, сийдикни, нажасни ва манийни (шаҳват уруғи) мунтазам чиқариб, бўшалиб турса, Яратгanning амри билан доимо соғ юриши мумкин.

Ҳозик табиблар кишининг мизожини аниқлашга доир фикрларни ёзиб қолдирганлар.

Кўришиб турибдики, бемор дардини даволашдан олдин унинг мизожи, танасидаги оғриқлар нимадан дарак бераётгани аниқлаб олинса, мукамал даволашга имконияти тувилади.

Агар танадаги тўрт модда: сафро, савдо, балғам ва қоннинг бири бошқасидан кўпайиб кетгани боис хасталик юзага келган бўлса, даволашнинг бирдан-бир йўли ортиқча моддани танадан турли воситалар ёрдамида ҳайдаб чиқаришдир. Бунинг учун қайси модданинг кўпайиб

кетганига қараб ва бемор мизожини эътиборда тутиб, хуқна (клизма) қилинади, сурги гиёҳлари берилади, қустирилади ёки қон олинади.

Узоқ йиллик кузатишлар, турли тиббий моддаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, инсоннинг хасталикка чалинишига асосан беш омил сабаб бўлади. Булар: тана аъзоларининг шамоллаши, овқатланиш, уйқу меъёрининг бузилиши, камҳаракатлилиқ, соғлиқ заволи бўлган ароқ ичиш, тамаки чекиш каби зарарли иллатлар ҳамда асаб тузилишининг бузилишидир.

Яна бошқа омиллари ҳам бор. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида, шунингдек, академиклар Юрий Лисицин ва Владимир Коморов тадқиқотларида инсон соғлиғи 55 фоиз ҳолатларда унинг турмуш тарзига, 18 фоиз ирсиятга, 17 фоиз атроф-муҳитга ва 10 фоиз соғлиқни сақлаш ишларининг қандай ташкил этилгани каби омилларга боғлиқ экан.

Дунёда ҳамма нарсанинг сабаби бўлганидек, Оллоҳ таоло касалликларга даво сифатида турли нсъматларини ёки муолажа усулларини яратиб қўйган.

Танамиз шундай мураккаб ва ҳайратланарлики, қайси аъзо камқувват бўлса, ўша аъзо миядан келган назлани қабул қилаверади. Миядан оқиб келувчи назла меъда, томоқ, пешона, қовоқ, юз чуқурчалари, бурун, ўпка, ичак, ҳатто, жигарга ҳам келиб тушиши мумкин. Агар ана шу суюқлик (назла) бурунга қуйилса тумов ҳосил бўлади. Агар томоққа қуйилса бодомсимон безни шамоллатиб, йирингли шиш (ангина) чиқаради. Бордию ўпкага қуйилса, ўпка,

нафас йўллари шамоллашини пайдо қилади, ҳатто, нафас сиқилишига олиб келиши мумкин. Назла меъдага келиб тушганда ошқозон касаллигини пайдо қилади. Мабодо ошқозон кучли бўлса, назлани ўзида сақлаб қолмай бошқа аъзоларга ўтказиб юборади. Агар ичакка ўтказса ич сурилади, жигарга ўтказса уни касаллантиради. Агар назланинг пешонага оқиб келаётган суви чиқиб кетиб, қуюғи жойида қолса, кўз қорачиғини ўраб олиши, оқибатда бемор кўр бўлиб қолиши мумкин.

Йигирма тўрт йиллик тажрибамиз шуни кўрсатдики, жисмоний ҳаракат вақтида мушакларнинг ишлаши, баданда қон айланиши, нафас олиш, тер чиқариш тизимлари ва танадаги биотоклар таъсирининг сусайиши ҳамда кексаёйиш жараёнининг асосий сабаблари танада модда алмашинуви натижасида ҳосил бўладиган чиқиндилар ҳужайра ва ҳужайра оралиқларида, қон томирларда, пешоб, ўт ва бошқа йўлларда йиғилиб қолишидандир. Бунинг оддини олиш учун танамизни тозалашга эътибор беришимиз, аввало, овқатланишни оқилона таъкил этишимиз, тўғри нафас олишни ўрганишимиз, вақт-вақти билан танани тозалаш муолажасини ўтказиб туришимиз керак.

Биз таъкидлаб ўтадиган асосий муолажа парҳез (айримларимиз буни очлик деб ҳам атаёмиз) табиий гиёҳлар ёрдамида танадаги касалликларнинг асл сабабларига таъсир қилувчи, бадандаги ҳар бир ҳужайра ва тўқималарни касаллик тугдирувчи асоратлардан тозаловчи ва

алалоқибат, дардан фориғ қилувчи даволаш усулидир. Бу усул хасталикларни даволабгина қолмайди, шу билан бирга, касалликнинг, барвақт кексайишнинг олдини ҳам олади, дори-дармонларсиз, жарроҳлик муолажаларисиз туман бойлигимиз бўлмиш соғлиғимизни сақлашда катта фойда беради. Парҳез даврида бемор ўзини вақтинча овқатдан тияди. Бемор овқат истеъмол қилмаса ҳам оч қолмайди. Чунки у ички жамғармаси, ва албатта, бериладиган табиий гиёҳлардан қувват олиб яшашга ўтади. Зеро, бундай турма ирсий имконият барча тирик жониворларда ҳам мавжуд. Шу боис уч-тўрт кунлик муолажа жараёнида мизож очликни сезмайди. Табиийки, даволаниш чоғида бемор 20—25



Ҳар кунни бир кеса мал-ҳамни бош шифокорнинг ўзи қўли билан ичиради.

фоиз вазнини йўқотади ва бу ҳаёти учун зарарсиз йўқотиндир. Яъни бемор табиий гиёҳлар, олма шарбати ва ўзининг ички имкониятлари ҳисобига яшайди. Шу билан касаллик турдирувчи омиллар ҳам тағ томири билан йўқолиб, бемор вужуди покланади. Шу тариқа инсон касаллик белгила-

ридан эмас, балки уни келтириб чиқарган асосий сабаблардан ҳам халос бўлади.

«Очлик» сўзи етишмовчиликлар сабабли қадимдан одамлар онгига салбий маънода ўрнашиб қолгани учун ҳам қулоққа хунук эшитилади. Даволаниш жараёнида йўқотилган инсон вазнининг асосий қисми эса танада йиғилиб қоладиган ортиқча ёғ, ўлик ҳужайралар, тузлар, модда алмашинуви жараёнида ҳосил бўлган чиқиндилар, зарарли ҳаво, сув, истеъмол қилинган дори-дармон ва овқатларнинг зарарли қолдиқларидир.

Муолажа пайтида нотўғри овқатланишимиз ва кам ҳаракатлилик оқибатида танамизда пайдо бўлган касалликлар уларни келтириб чиқарган сабаблари билан бирга бартараф бўлади. Ташқи экологик муҳитнинг ифлосланиши, кўплаб дори-дармонлар қабул қилишимиз сабабли, шунингдек, зарарли одатлар, яъни спиртли ичимликлар истеъмоли, чекиш оқибатида танада тўпланиб қоладиган кимёвий зарарли моддалар муолажа пайтида ҳуқна (клизма) ёрдамида, танамизнинг чиқарув аъзолари орқали чиқариб ташланади. Тана кераксиз чиқиндилардан халос бўлгач, тери ёшаради, ранги тиниқлашади, ҳужайралар таркиби яхшиланади. Кўзлар равшанлашиб, қарашлар ифодалироқ бўлади, одам ёшаради. Ташқи қиёфадаги бу ёшариш ички аъзоларда ҳам юз беради, уни ўзингиз ҳам ҳис қиласиз. Буни кўп

йиллик иш тажрибамизда минглаб беморларда кузатганмиз, ўзларининг иқдорларини эшитганмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, даволанишдан аввал бемор бу муолажа моҳиятини англаб етиши ва унга руҳан тайёр бўлиши даркор. Зотан, танамиздаги тўқималар хужайралардан ташкил топган. Ҳар бир тирик хужайра модда алмашинуви ҳисобига яшайди. Даволаниш давомида одам ўзини вақтинча овқатдан тияди. Бу даврда бемор танасида кечадиган барча ҳаётий жараёнлар энди ҳар бир хужайра, тўқима, аъзолардаги чўкиндилар, ўлик хужайра ва ёғ жамғармалари ҳисобидан давом этади. Бемор онгида шаклланган бундай маълумотлар, фикр, тушунчалар унда касалликлардан фориғ бўлишига ишонч уйғотади, руҳида сабр-тоқат, ирода-матонат, бардош ҳосил қилади.

Шифокор Бердиқул Эргашевнинг кўп йиллик тажрибасидан келиб чиқиб айтган юқоридаги фикр-мулоҳазаси моҳиятини чуқур англашимиз, яқинларимизга тушунтиришимиз лозимки, улар бизни руҳан касалликдан фориғ бўлишга ҳозирлайди. Бердиқул Эргашев буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг, аввало, инсон жисмини эмас, балки онгини даволаш керак, деган фикрини ҳар бир шифоталабга тушунтиргач, шундан кейин муолажага киришади.

МАРКАЗДА ҚАНДАЙ ХАСТАЛИКЛАР ДАВОЛАНАДИ?

— Шифохонамизда ички касалликлар — оғиз бўшлиғидан тортиб тўғри ичаккача 7 метрдан 9, ҳатто 12 метргача бўлган аъзоларда учрайдиган хасталикларни, хусусан, жигар ва ўт касалликларидан: сурункали гепатит, сурункали холецистит, холангит, тошли холецистит, тошсиз холецистит, ўт қоши операция йўли билан олиб ташлангач келиб чиқадиган хасталик (яъни, «пост-холецисто гектомический синдром»), ўт йўли қоплаши, ўт халтаси қийшайиши ва сурункали панкреатит; қандли диабет хасталиги (инсулин қабул қилмаган бўлса), ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак касалликларидан: ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг яллиғланиши ва яра хасталикларидан: катта ва кичик демпинг синдром, сурункали энтероколит, сурункали қабзият, сурункали ич кетиши; шунингдек, анемия, Верльгоффа касаллиги, сурункали простатит, Гиршпрун а ва Рейно хасталиклари; буйрак ва сийдик йўли касалликларидан: сурункали пиелонефрит, иккала буйрак туз, тош, қум хасталиги, буйраклар кистаси, сийдик йўли ва қовуқларда тош, қум, туз тўда бўлиши; бўғин касалликларидан: ревматоид, полиартрит (гормонал дорилар қабул қилмаган бўлса), семизлик билан боғлиқ хасталикларнинг олдини олиш ва даволаш; ўсмалярни профилактик йўл билан олдини олиш ва даволаш; гинекологик хасталиклардан: сур эндометрит, аднексит, бачадондаги миома, тухум-

донлар кистаси; тери касалликлари; бўйин, кўкрак, бел қисмлари остеохондрози, диск чурраси; гижжа хасталиklarини даволаймиз, — дейди бош шифокор Бердиқул Эргашев.

ШИФОКОР

ва унинг нега ушбу даволаш усулини танлагани хусусида

Бош шифокор Бердиқул Эргашев Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Уйвони қишловида 1967 йилда оддий меҳнаткаш оиласида дунёга келган. Оиладан тўққизинчи фарзанд. Надарибузруквори Жўрақул ота болалар камолоти йўлида заҳмат чекиб, бироқ фарзандларининг бу кунларини кўролмай 1990 йилда вафот этган. Меҳрибон онаси эса шириндан шакар набиралари бағрида қариллик гаптини сурмоқда.

Бердиқул 1974 йили илк бора мактаб остонасига қадам қўйиб, 1984 йилда таълим муассасасини олтин медаль ва намунали хулқ билан якунлаган. Икки йил тиббиёт институтига кириш учун тайёргарлик кўрган. 1986 йилдан Самарқанд давлат тиббиёт институтида таҳсил оли бoshлайди. 1991 йили институтни битириб, Каттақўрғон шаҳрида икки йил интернаурани ўташ жараёнида жарроҳликка ихтисослаша бошлайди. Устозлар ёнида туриб, турли жарроҳлик жараёнини кузатиб, ўрганиб, ўзи ҳам амалиёт ўтади. Лекин унга бир фикр ҳеч тинчлик бермади. Унинг илмий ёки дўхтирона атамаларини оддий сўзларга айлантириб айтадиган бўлсак, дейлик, ичакда яра мавжуд, унинг икки томонидан бир оз ичаклар билан қўшиб яра кесиб танланди ва ичаклар яна уланди.

Тана ярадан халос бўлди! Савол: ярани келтириб чиқарган сабаб(лар) бартараф этилдими? Йўқ! Негаки жарроҳлик амалиёти ўтказилган аксарият беморларда яна бошқа хасталикларни кузатган ёш жарроҳ уларнинг давосини шарқ табобати илмидан қидирди. Ибн Сино ва бошқа алломалар ишларига мурожаат қилди. Илмини ошириш учун, ҳатто, Чин мамлакатига бориб, шарқ табобати бўйича малакасини оширди. Машаққатдан кўрқмади, айниқса, замонавий тиббиёт «касалик кеч аниқланди», «энди иложи йўқ» дея уйига қайтарилган овир касалларнинг ўзи ва яқинларининг розилиги билан уларни даволашга тутинди. Кечаю кундуз улар ёнида бўлиб, сўзлари, ўз қўли билан тайёрлаган гиёҳлари, яратган малҳамидан бериб, ижобий натижаларни қўлга киритди.

Юртбошимиз фармонига кўра мустақилликнинг илк йилларида тиббий масканлар ташкил этишга ижозат берилгач, у 1993 йилдан «Эргаш ота» хусусий тиббиёт марказини ташкил қилди. Ўтган йигирма икки йилдан буён бу шифохонада қанчадан-қанча беморлар ўз дардига даво топди. Даво топган ёши улуглар фарзанду набираларини дуо қилиш учун оилаларга, ишлаш лаёқатини йўқотганлар билагида куч тўшлаб касбу корига, ўқишдан сўнган болалар заковати тиниқлашиб мактабларига чиқдилар.

Бу фурсатда марказдаги хизматни, иш тартибини ривожланган давлатлар даражасига кўтариш мақсадида Б.Эргашев Германия, Австрия ва Франциянинг қатор шаҳарларида тажриба орттириб келди. Хорижнинг энг сўнгги русумдаги тиббий тапхис қўядиган замонавий техник воситаларини, саломат-

ликка фойда берадиган турли тренажёрларни келтириб, шифо масканидаги шароитни янада яхшилаш устида фаолият кўрсатмоқда.

Турмуш ўртоғи Наргиза Файзанова ҳаётда ҳам, ишда ҳам унга ҳамроҳ. Беш нафар фарзандлари бор.

«Элга хизмат — олий ҳиммат!» Бердиқул Эргашевнинг асосий шиоридир.

ШИФОХОНА

Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббий фаолиятни амалга ошириш учун берилган 1839-00 рақамли лицензия асосида иш юритмоқда.

Китоб муқовасида кўриб турганингиз — «Эргаш ота» хусусий тиббиёт марказининг биргина биноси. Яна бир неча бинолардан ташқари катта ташхис марказига ҳам асос солинди (у ҳақда кейинроқ тўхталамиз).

Ўз фаолиятининг илк йилларида тиббиёт марказида ҳали зарур шарт-шароитлар йўқ эди, овир хасталикка чалинган беморларга бор имкониятдан келиб чиқиб хизмат кўрсатиларди.

— Ўша пайтлар, — дейди марказда даволанганлардан бири, — ҳожатхона кўчада, ётоқхона эса Каттақўрғон шаҳридаги эски клуб биносида эди. Бугун Каттақўрғон туманининг Қозоқовул қишлоғида, дарёнинг бўйида жойлашган шифохонада барча қулайликлар муҳайё этилганини кўриб, очиб, беҳад хурсанд бўлдим.

Дарҳақиқат, арчазор билан ўралган марказ Самарқанд шаҳридан Каттақўрғон шаҳрига Пастдарғом тумани орқали берадиган йўл ёқасида, катта анҳор бўйида Каттақўрғон туманининг Қозоқовул масканида жойлашган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Серия: А № 006891

ЛИЦЕНЗИЯ

№ 1839-00

Тиббий фаолиятни амалга ошириш учун

“ERGASH-OTA” xususiy tibbiyot markaziga лицензия битимида кўрсатилган тур, ихтисослик ва ҳажм бўйича тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилди.

Почта манзили: Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Қозоқовул кишлоғида.

СТИР: 202890644

Лицензия берилган сана 23.04.2013 йил

Реестр бўйича

тартиб рақами: 5817

Лицензиянинг амал қилиш муддати 23.04.2018 йил

Ваколатли шахс



(ИМЗО)

А.В.Алимов

М.У.

Изоҳ: - лицензияни амал қилиш муддати тугатилганда ёки бекор қилинганда мажбур лицензиянинг асл нусхаси 10кун ичида лицензияловчи органга қайтарилиши шарт;
- фаолият давомида таркибда гўёҳванд ва психотроп моддалар бўлган дори воситаларини ишлаш ҳўда тўтилган тақдирда, ушбу фаолият тури учун алоҳида лицензия олиниши шарт;
- мажбур лицензия лицензия шартномаси билан ҳақиқийдир.

Лицензияни қалбақлаштириш Қонунига мувофиқ таъқиб қилинади.

Баъзи беморлар бу жойга илк қадам қўйганда атрофдаги бу гўзалликка эътибор бермайди, тўғрироғи ҳис қилмайди. Чунки унинг кўзига бу дунё тор кўри-

ниб қолган, хаёли «касалимдан халос бўлармиканман» деган ўй билан банд бўлади.

Муолажанинг биринчи ҳафтасида унинг ҳид билиш хусусияти тикланади, дунёнинг муаттар бўйларини ҳис қила бошлайди. Арчалардан таралаётган антиқа хушбўйликларни нега келганимда ҳис қилмадим, дея ўйлайди. Бироқ, у ҳид билиш қобилиятининг тиклангани — шифо топа бошлаётганидан далолат эканлигини ҳа деганда ҳам тушунавермайди.

Бир ҳафталик муолажадан кейин, бош шифокорнинг дам олиш куниди бериладиган ярим коса парҳез таомни егач, бу овқатдан минг чандон антиқаларини истеъмол қилиб юрган инсон ҳам «воҳ» деб юборади: «Нақадар мазали, лаззатли таом!» Аслида у оддий мастава бўлади. Лекин бемор юқоридаги каби соғлиғи, организмидаги таъм билиш хусусияти қайтадан тикланаётгани ҳақида кам ўйлайди.

Муолажаларнинг сўнгги кунларида у атрофга қараб, гўзал манзараларни кашф этади. Хушбўй арча дарахтлари орасидан ўтиб анҳор бўйига келади, сокин оқаётган сувга ошуфта бўлади, қир-адирларда кўринаётган дову дарахт, иморатларга боқади. У кўзларига нур қайтаётганини билармикан?


Ва ниҳоят, ўзини енгил сезиб, соғайган ва ҳатто, ёшарган ҳис эгиб, қадрдонлари — оиласи, ака-ука, опа-сингил, жуфти ҳалоли, бола-чақаси қошига шошаётган, уйига етиб эса, улар даврасида шукроналик билан дастурхон атрофида ўтирган, яъни ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлаётган инсонни ҳеч кузатганмисиз? Камина кўн кузатган!!! Бироқ, уни сўз билан таърифлашга қаламим ожиз...

Аммо ҳаётнинг бу лаззатларини даволанишга РУ-ХАН ТАЙЁР, шунингдек, САБРли, БАРДОШли, МА-ТОНАТли инсонларгина туя олади. Негаки, малҳам ичилгач у беморни безовта қилади (ахир, ички аъзолардаги захарли моддалар осонгина чиқиб кетмайди-да). Айниқса, бир жойи овриса, унинг сабабини аниқлаб даволанишга эмас, «Димедрол» ва шу каби вақтинча овриқни қолдиришга мўлжалланган дориларга ружу қўйган инсонларга бу фикрларни алоҳида таъкидлашни истардик.

Китобимизда мустаҳкам ирода ва яхши фазилатларга эгаллиги туфайли овир хасталиклардан ҳам соғайиб кетган инсонларнинг эътирофларини келтирдик.

Улардан бири Матлуба АБИДОВА (1952 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Бўка туманида яшайди) сўзларига эътибор бериш:

— Менинг оилам жудоликка учради — 32 яшар ўғлим овир жигар хасталигидан вафот этди. Шундан кейин 20 — 25 кун умуман овқат ея олмадим. Фақат музлатгичдан муздай сув ичаман. Кейин овқат ейишни бошлаганимда икки кўксимнинг орасида қаттиқ овриқ пайдо бўлди. Ўзимча дори ичаман, «оҳ-воҳ» дейман. Опа-сингилларим тиббиёт ходимлари. 25 сентябрь куни мени академик Воҳидов номидаги илмий текшириш марказига олиб боришди. Эндоскопия қилишди, зонг ютқизишди. Қизилўнгачимнинг ошқозонга яқин жойида яра пайдо бўлган экан. Бу рак тўқималари экан. Ўша куни ярамдан анализ олиниб, дарҳол чиқазиб беришди. Анализда рак эканли-



ги маълум бўлибди. Онкологлар: агар узоқ умр кўришни истасангиз операция қилдиринг, дейишди.

Мана, қўлимда Тошкент вилояти онкология маркази мутахассиси У.У.Ақбаровнинг хулосаси. Келинг, ўқиб бера қолай: «плоскоклеточный рак с/з пищевода с участками ороговения» (17.09.07). Кейин А.Воҳидов номидаги Республика ихтисослашган жарроҳлик маркази компьютер томографияси лабораториясида ҳам қайта текширувдан ўтдим. Қатор расмийлар имзо чеккан хулоса: «КТ — картина невыраженного утолщение пищевода в области средней трети...» (17.09.07). Ундан сўнг Республика онкология марказида профессор Кротовнинг айтгани ҳам шу бўлди — қизилўнғачдаги ярани олиб ташлаш керак... Бу дунёга сизмай қолдим... Ўзимдан ўтганини ёлғиз ўзим ва худо билади. Бола-чақаларим атрофимда парвона, дардимни олай дейди, лекин...

Оллоҳга беадад шукрки, кичкина қизим кимдандир «Эргаш ота» мўъжизаси» номли китобни топибди. Китобни ўқиб, Каттақўрғон туманидаги марказга борсам, дардимдан халос бўларман, деган умидда бу томон шошилдик. Укахоним касалимни кўриб, ўша куниёқ қабул қилдилар. Шу укамни қўллари теккандан кейин ўзимни шунақа енгил сездим... Энди кетмайман, шу ерда даволанаман, дедим. Малҳамнинг 12-кунида ҳаётимда унутилмас воқеа юз берди. Унгача ярачам қачон қотаркан, деб юардим. Ҳамшира қизларимиз кўриб, холажон сиздан рақ пардаси тушибди, дедилар. Йиғлаб юбордим. Дўхтир укамнинг олдига бордим. «Онахон, буни умр дафтارينгизга ёзиб кўйинг, бу рақ пардалари бўлади», деди. Оллоҳга шукр қилдим. Қадр кечаси бир печа аёллар ўтириб, шу укахонимни дуо қилдик.

18 кундан сўнг, яъни 12 октябрь куни Тошкентга бориб келиш учун врачдан рухсат сўрадим. Яқинларим тўғри «МДС-СЕРВИС»га олиб боришди. Мутахассислар хулосасидан яна дунёга сизмай кетдим, лекин энди олдингидек камга эмас, қувончга ботдим: «КТ — картина хронического бронхита. Инфильтративных изменений не отмечается. Врач М.П.Чечерин». Орадан уч кун ўтиб, Тошкент шаҳар онкология диспансерига бордик. Ренгенодиагностика бўлими врач И.А.Турсунқуловнинг хулосаси шундай бўлди: «Рентген признаки хронического бронхита. Органических изменений в пищеводе и желудке не выявлено».

Бу кимларга оддий ҳолатдек туюлар, лекин мен учун Бердиқулжоннинг сеҳрли малҳами сабаб, худонинг бир мўъжизаси эди. Тувишган укам битта эди, иккита бўлди. Қийматли укам Бердиқулжон болаларининг камолини кўрсин! Марказдаги ҳамшираю ходимларнинг ширин муомаласини шаҳарлардаги шифохоналарда ҳам кам кўрганман. Уларнинг ҳам омадини берсин.

МАЛҲАМНИНГ СИРИ НИМАДА?

Бу савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Унга берилган жавобни эшитган кишининг кўнглида, барибир, бу малҳамда яна қандайдир сир бордек туюлаверади. Негаки, малҳам истеъмол қилинган, кишини ҳайратда қолдирадиган натижалар рўй бера бошлайди.

— Малҳам таркибида 32 та компонент мавжуд, — дейди Б.Эргашев. — Уларнинг бари табиий гиёҳлар. Бу шифобахш гиёҳларнинг аксарияти ўлкамизда ўсади. Йўқларини хориждан оламиз. Бобомиз Эргаш отанинг ўғитлари, тажрибалари асосида у киши беморларни да-

волаганда ишлатган малҳам таркибини такомиллаш-
тирдик: малҳамга янги компонентлар қўшилди. Энди
унинг инсон ички аъзоларидаги куборларни, қурумла-
рини тозалайдиган, ҳатто, ўсма хасталиklarини профи-
лактик йўл билан олдини олиш, даволашда фойда бе-
радиган хусусиятлари ортди. Малҳамнинг асосий хусу-
сияти шундаки, у жигар, ўт қоши, буйрак, сийдик йўлла-
рини барча захарли моддалардан тозалайди. Улар то-
залангач, кўнгина касалликларни келтириб чиқаради-
ган ОМИЛЛАР баргараф этилади.

Ушбу масканда шифо топган Хайринисодан назмий
дил изҳори:

Дард вужудим эзганда,
Ҳаловатим бузганда,
Дунёлар ҳам тор келди,
Соғлиқ қадрин сезганда.
Қайда нажот бор дедим,
Бир давога зор эдим.
Умид қилдим, Худодан
Гар нолисам ор дедим.

Излаганга толе ёр,
«Эргаш ота» — маскан бор,
Бунда сабр-матонат,
Ошнолари бўлмас хор.

Шифои комил бўлди,
Қуним кетмас бесамар,
Осмон асли ойдинмас
Билдим бешамс, беқамар.

Замзамга етгунимча,
Ичиб турай малҳамни,
Эски бод, иллатлардан,
Фориф этсин танамни!

ЖИГАР — ЛАБОРАТОРИЯ

— Инсоннинг жигари — лаборатория, — дейди бош шифокор. — Жигар киши истеъмол қиладиган озиқ-овқатлар таркибидаги заҳарли моддаларни ўзида сақлаб, тозалаб (филтрлаб), фойдали моддаларни озуқа сифатида қон томирларига узатади. Шунингдек, ўт суюқлигини ишлаб чиқиб, тана ҳароратини 36,7 даражада сақлайди ва жами 18 хил вазифани бажаради.

Жигар сақлаб қоладиган заҳарли моддани тиббиёт тилида холестерин, дейишади. Бу модда, асосан, меъридан ортиқ ёвли, хамирли овқатлар таркибида истеъмол қилинади. Табиийки, уларни жигар ўзида сақлаб қолади. Лекин овқатланиш меъёри бузилганда, яъни жигар кўп миқдордаги холестерин моддасини кўтаролмай қолгач, заҳар қонга ўтади. Қон, ўз навбатида, томирлар бўйлаб ҳаракатланаркан, холестерин моддаси томирларнинг деворларига ўтириб қолади ва оқибатда томирлар торайиб, қоннинг бир меъёрда ҳаракатланишига путур етади, яъни қон барча аъзоларга бир зайлда етиб бормади. Бу ҳодисанинг асосий аъзо — юракка қанчалик салбий таъсир кўрсатишини энди тасаввур қилаверинг. Қонни аъзоларга етказиб бериш юрак — «мотор»га оғирлик қилади, юрак зўриқиб ишлай бошлайди. Натижада қон босими кўтарилади, гипертония, юрак билан боғлиқ бошқа (ишемик) касалликлар пайдо бўлади.

Холестерин моддасининг «кирдикорлари»га ўхшаш оқибатларни киши организмда ҳар хил сабаблар билан тўпланиб қоладиган турли хил тузлар, тошлар келтириб чиқарадиган бошқа касалликлар (ўт қопидаги тошлар, буйракдаги, қовуқдаги тошлар ва тузлар, жигардаги тошлар ва ҳоказо) мисолида ҳам кўриш мумкин. Булар ҳам охир-оқибат юракка юк бўлиб тушади («почечное давление» ва ҳоказо хасталиклар ҳақида эшитгансиз).

Дарвоқе, бу каби тиббиётга доир зарур маълумотлардан Б.Эргашев томонидан мунтазам уюштириб туриладиган беморлар иштирокидаги тадбирларда баҳраманд бўлиш мумкин.

Жигар хасталиги билан оғриб, ушбу масканда шифо топиб соғайиб кетган беморлардан бири иштихонлик Ойпахта Пўлатова шундай дейди:

— Мен тортган азобларни душманимга ҳам раво кўрмасдим. Тўрт марта сариқ касали қайталанди. Жигарим қуриб қолган бўлса керак, деб ўйлардим. Каравотда шифтга термилиб миҳланиб ётардим. Ўлиб қолсам болаларимнинг аҳволи қандай кечади, деб эзилардим. Бердиқулжоннинг кўлида, ишонасизми, 80 кун даволандим. Одамзод сабрли бўлиши керак экан. Чидадим. Энди мени кўрганлар шундай оғир касалликни бошимдан кечирганимга ишонмайди.

Юқорида жигар хасталигидан шифо топган опанинг фикрларини ўқидингиз. Келинг, китобдаги қаҳрамонларимиз фикрларини (уларни муаллиф ўн йил оралигида тўплаган) касаллик турига қараб таснифлаймиз.

Биринчи бўлим

**ЖИГАР
ХАСТАЛИКЛАРИ**

«УЧ-ТҮРТ КУНЛИК УМРИ ҚОЛГАН ДЕЙИШГАНДИ»

Маҳкамтош ҚОДИРОВА (Самарқанд вилояти Нарпай тумани, Салавот ота қишлоғидан):

— Сурункали гепатит, жигар циррози ташхиси билан туман касалхонасида уч ой даволандим. Аҳволим энгиллашмади. Кейин Самарқанд вилоят касалхонасида бир ой даволандим. У ерда ошқозонимда ҳам яра борлигини аниқлаб, операция қилиш зарурлигини айтишди. Лекин аҳволим кундан-кунга ёмонлашиб, бора-бора оёқларимда шиш пайдо бўлди. Яна туман касалхонасида уч ой мобайнида ётдим. Кейин докторлар яқинларимга «уч-тўрт кунлик умри қолган, болаларининг олдида оёғини узатсин», деб уйга жавоб беришди (бу гапларни менга, албатта, кейин айтишди).

Шунда турмуш ўртоғим Каттақўрғондаги «Эргаш ота» шифохонасини эшитиб, мени шу ерга олиб келди. Бу фурсатда қўл-оёқларим, баданим шишиб кетган эди. Ишонмассиз, лекин 100 кун даволандим. Ҳар куни икки маҳал малҳам ичардим. Бир ҳафтада баданимдаги шишлар қайтди, ўзимни анча энгил ҳис қила бошладим. Иккинчи марта бир ойдан кейин яна келдим ва бу сафар 90 кун даволандим. Учинчи марта уч ойдан кейин, тўртинчи марта эса олти ойдан кейин 40 кун даволандим. Бу ўтган кунлар машаққатини худо билади, ўзим биламан, шифокорим Бердикул Эргашев билади.

Ҳозир бутунлай тузалиб кетганман. Фақат профилактика учун ҳар йили 10 кун малҳам ичиб кета-

ман. Ҳаётингизни асраб қолган бундай инсонга тилакларингизнинг ҳам, меҳрингизнинг ҳам чеки бўлмайди!

«СУРУНҚАЛИ ГЕПАТИТ ТАШХИСИ БИЛАН КЕЛДИМ»

Мақсуд САПАЕВ (Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл шаҳридан. 1962 йилда туғилган):

— Мен 2011 йилда гепатит хасталигига чалиндим. Касалхоналарда даволаниб чиқдим, лекин барибир ҳолсизлик мени тарк этмади. Вазним ҳам ошди. Кейин ўртоқларим мунтазам тозаланиб туришимни айтишди. Сурхондарёнинг Омонхонасига ҳам борганман.

Кунларнинг бирида «Эргаш ота» сиҳатгоҳида организмни ҳақиқий тозалашларини энгитиб қолдим. Бу ерга келиб доктор назоратида малҳам ичдим, маслаҳатига кўра бошқа муолажаларни ҳам олдим. Даволаниш жараёнида холестерин моддалари мунтазам туша бошлади. Ичимда кераксиз шлаклар тўлиб кетган экан. Ўн беш кун даволандим. Ҳам руҳан, ҳам жисман анча енгиллашиб қайтаяпман.

Энди вақти-вақти билан фақат шу ерда даволаниб туришга аҳд қилдим.

«ТАШХИС НАТИЖАСИ ЭХИНОКОКК ЭДИ»

Норбиби УМАРОВА (Навоий вилояти Навбаҳор туманида 1959 йилда туғилган. Учқудуқ шаҳрида яшайди):

— Ўзим Навбаҳор тумани шифохонасининг гинекология бўлимида ҳамшира бўлиб ишлардим. 2002 йилда негадир танамда шиш пайдо бўлиб, кўнглим

айниб турар, ногаҳон турганимда бошим ҳам айла-
ниб кетарди. Кейин тегишли аппаратларга тушгач,
врачлар эхинококк ташхисини қўйишди. Навоий
шаҳридаги касалхонада операция қилишди. Жар-
роҳлик амалиётидан кейин ҳам барибир шиш кет-
мади, юрагим безовта бўлар, қон босимим юқори эди.
Ўтирсам тутолмасдим, бир нав туриб олсам, ўтири-
шим муаммо бўларди. Юрсам товонларим зирқирар-
ди.

Шундай кунларнинг бирида қўшнимизнинг қизил-
тепалик онаси «Эргаш ота»га келиб, жигар хасталиги
бўйича саккиз йил аввал даволаниб, ҳанузгача ях-
шилигини айтиб қолди. Ишониб-ишонмай 5 май куни
келиб кўриндим. Врач ўт, жигар, буйрак хасталикля-
рини, остеохондрозим борлигини, бир ойдан кейин
келиб даволанишим мумкинлигини айтди.

Айтилган пайтдан келиб, бир ой давомида 24 та
малҳам ичдим. Биринчи кундан бошлаб энгиллик
ҳис қилдим, шишлар ҳам қайта бошлади. Биринчи
ўн кунликдан кейин косалаб зарда қайтара бошла-
дим. Ўз навбатда сийдик таҳлилинини врач назоратида
ўз кўзим билан кузата бошладим. Шу билан бирга
қора рангдаги қумлар, холестерин ёллари ҳам ўт хал-
тадан кўп миқдорда тушди. Шу зайлда ҳар олти ойда
бир марта бир ойлаб малҳам ичиб кетдим. Бешинчи
марта келганимда 10-малҳамни ичгач, 11-куни сала-
фанга ўхшаган, майда томирлари бор шилимшиқ
нарса тушди. Врачга айтганимда бу сизни қийнаб
келаётган рақ пардаси, деди. Кейинги келганимда

буйрагимдан қизғиш майда ялтироқ тошлар тушди. Лекин сийдик уч йилгача қорамтир рангда бўлиб турди, доктор ҳам буни назоратда сақлади. 2008 йилга келибгина ўз ҳолига қайтди.

Шундан буён аҳволим яхши. Шишлар, оғриқлар, безовталиклар барҳам топди. Яшаш жойимиз шароитидан келиб чиқиб, ҳар йили бир марта профилактика учун келиб кетаман. Уч нафар фарзандим бор. Шуларнинг олдига соғ-саломат қайтарганлари учун шифокоримиз ҳам доимо соғ бўлсинлар!

«ГЕПАТИТ АСОРАТЛАРИ ҚИЙНАЙ БОШЛАГАНДИ»

С. УСМОНОВА (Хатирчи туманидаги 7-мактаб директори):

— «Маърифат» газетасида чоп этилган «Олмонларни ҳайратга солган ўзбек» (2005 йил, 23 ноябрь сони) мақоласини ўқиб, қолаверса, одамлардан эшитиб, мен ҳам Каттақўрғондаги «Эргаш ота» шифо масканига даволанишга ошиқдим. Мен асли сариқ (гепатит В) касалига чалинганман. Сўнгги пайтларда мени ана шу хасталикнинг асоратлари қийнай бошлаганди. Бу дардга чалинганлар жигар мунтазам ўзини «сездириб» туришини билишади, яъни доим безовта юрасиз. Уйқуда ҳам ҳаловат бўлмайди. Қарангки, шифохонада даволаниш жараёнида бир касаллик бошқа касалликларни келтириб чиқаришига ўзим гувоҳ бўлдим. Ўт қоқи, ошқозон-ичак ҳамда буйракда хасталикларим бор экан, улардан ҳалос бўлдим. Энг асосийси, ўзимни соғлом ва енгил

сезяпман. Бу ерда беморлар шундай касалликлардан фориг этиларканки, кўриб, эшитиб ҳайратда қолдим.

«ПУЛНИ ҲАМ ТЕЖАЙСИЗ, ЛЕКИН АСОСИЙСИ НАТИЖА»

Абдурахмон НОРБОБОВЕВ (Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани, Ғозлик қишлоғидан. 1951 йилда туғилган):

— 1990 йил февраль ойида Тошкентдаги Биринчи Республика клиникасида мазкур шифохона профессори томонидан тегишли ташхис аппаратларида ва бошқа қон таҳлилларидан сурункали гепатит, сурункали холецистит, сурункали панкреатит, 3-даражали қон босими ташхиси билан 22 кун даволандим. Бироз енгил тортгандек бўлдим. Бироқ, уйга қайтгач тез кунда аҳволим яна оғирлаша бошлади. 1991 йили Россиянинг Железноводск шаҳридаги Элбрус санаторийсида бир ой даволандим. Барибир таъсири бўлмади. Ноилож 1993 йилнинг оғир дамларида Москвадаги I-Тиббиёт марказига даволанишга боришга мажбур бўлдим, у ерда бироз енгил тортдим. Ўзбекистонга келгач эса яна ўша эски ҳолга қайтдим. Шундан кейин тақдирга тан бериб, бир ётиб, гоҳ туриб, инқиллаб-синқиллаб кунларимни ўтказишда давом этдим.

2010 йилгача Тошкентнинг турли сиҳатгоҳларида беш марта даволандим. Бу орада менга ногиронлик гуруҳи ҳам беришди. Дори-дармон, жой, профессорлар консультацияси 2007 йил нархи билан жами 800000 сўм атрофида харажат бўлди.

«Эргаш ота»да даволаниб кетган танишимдан эшитиб, 2010 йил 6 июнда бу ерга келдим. Докторнинг тавсияси билан 19та малҳам ичдим. Бошланиши жуда қийин кечди. Жигардаги бутун ғуборлар, пардалар, қотиб қолган қонталаш нарсалар, ўтдаги тошлар қисмлаб туша бошлади. Ҳар куни шифокор назоратида ичимдан тушган нарсаларни текшириб бордим. Уч кундан тўққизинчи кунигача жойимдан тура олмадим. Ўнинчи куни юра бошладим. Аста-секин ўн метрдан бошлаб 500 метгача юра бошладим.

Олти ойдан кейин келишимни тайинлаб жавоб беришди. Уйга борганимда ҳам анча пайт ланж юрдим. Парҳез жараёнида тикланиб, кучга тўла бошладим. Шу даражада ўзимни яхши ҳис қилдимки, иш билан бўлиб доктор айтган олти ойни ҳам унутиб қўйибман. Бир йил деганда яна келдим. Бу гал 18та малҳамни эркин қабул қилдим. Шу даволанишдан сўнг касалимни унутгандай бўлдим. Шундан кейин профилактика учун ҳар йили бир марта 16 малҳамдан ичиб кетяпман.

Дарвоқе юқорида бошқа клиникада сарфлаган 800000 сўм маблағ ҳақида гапиргандим. Бу ерда ҳозирги қийматга (110000+19000+16000) жами 145000 сўм сарфлайсиз. Бўпти, сиз айтганча бўла қолсин — гап пулда эмас, энг асосийси НАТИЖА-да.

Мени кўргандан кейин қишлоқнинг шифога муҳтож бўлганлари шу ерга келиб даво топаяпти.

Дардманлар дардига малҳам бўлаётган Бердиқулжон укамиз ҳамиша Оллоҳнинг паноҳида бўлсин!

В ПЕЧЕНИ – КАМЕННЫЙ КАРЬЕР

Ева БАРТЛЕ (родилась в Нюрнберге, Германия):

— Я родилась в 1948 году. В Нюрнберге живу 21 год. Работаю на фирме по производству кисточек связана с химикатами.

С 2000 года начала страдать мигренью, были постоянные головные боли. Боли сопровождались приступами, вынуждена была ежемесячно вызывать «скорую». Потом добавились боли в позвоночнике - врачи обнаружили межпозвоночную грыжу, смещение позвонков в шейном, грудном и поясничном отделе. В моем страдающем теле обнаружили язвы желудка, хронические панкреатит и гипохромная анемия, в фазе ремиссии - хронический холецистит и дуоденит, в кишечнике - лямблиоз, дисбактериоз, отсутствовали бактерии, которые перерабатывают лактозу (молочные продукты), фруктозу (фрукты и овощи). Один из лучших гастрологов в Нюрнберге на специальном дорогом аппарате провел обследование - ректомоноскопию желудка, кишечника. Мне было рекомендовано ежегодно повторять это обследование, постоянно находиться под наблюдением врача, соблюдать строжайшую диету. И эти рекомендации были чуть ли не пожизненной угрозой. Жизнь моя заключалась в посещении ежемесячно узких специалистов. Многократно делали компьютерную томог-

рафию, УЗИ, кардиограмму сердца. Все это было началом хождения по мукам. Вся моя жизнь с той поры заключалась в одном — хождении между аптеками, врачами и оздоровительными лечебницами. Это был какой-то кошмар.

В марте 2009 года я позвонила своей знакомой Элия. Она по голосу догадалась, в каком я тяжелом состоянии, спросила, что со мной. Я коротко объяснила своё состояние. И она порекомендовала мне лечение голодом доктора Бердикула. Все лечения, которые я проходила у наших врачей, не дали ни малейших положительных результатов. Я продолжала болеть и страдать, поэтому ухватилась за эту идею, как за последнюю соломинку.

Получив визу, в апреле приехала в Узбекистан, начала лечение в клинике Бердикула Эргашева. В этой клинике меня приняли очень радушно. Я сразу же почувствовала себя как дома. Поразило то, что деятельность клиники отлично организована. Врач лечит чудодейственным мальхамом, лечебными травами и сокотерапией. И начав лечение, уже на пятый день впервые за многие годы у меня перестала болеть голова. После девяти лет ужасных головных болей — это было чудом! Стали выходить шлаки из моего организма — в большом количестве билирубиновые камни, холестерин. Их выход сопровождался мучительными болями. Было ощущение, что у меня в печени — каменный карьер. А на шестой день случилось чудо — доктор дал мне второе рождение. У меня сошли раковые пленки с печени, в три этапа.

В результате лечения нормализовалось давление, уменьшились судороги в ногах. У меня появились сила и желание жить. Лечение было рекомендовано провести три раза. Спустя 5 месяцев я вернулась в клинику и продолжаю лечиться, очищая свою печень от холестерина и шлака.





«КЕЛГАНИМДА ТЕРИМ СУЯГИМГА ЁПИШГАН ЭДИ»

Розия ШЕРМАТОВА дейди (Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида яшайди):

Мени Тошкентдаги 16-шаҳар касалхонасида таслирлашиб, «Жигарни чарчатиб қўйгансиз», дейишди. Даволаниш учун кўп маблағ сарфладим. Умуманроқ тонмадим. Февраль ойида «Эрга ота» деген но 9та малҳамдан кейин жигаримдан рақ қорғовил хуши. Бу ерга келган пайтимда терим

суягимга ёнинган эди. Ҳозир қад-қоматим соғлом пайтимдагидай.

«ТОШКЕНТДА, САМАРҚАНДА, ДУШАНБЕДА МЕН УЧРАМАГАН ПРОФЕССОРЛАР ҚОЛМАДИ»

Мавфират ҲУСАНОВА ҳикоя қилади (Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманидан):

— Она ҳеч қачон фарзандининг йиғисини кўрма-син... Икки ёшли қизаловимни сарвайма, дедилар. Кирмаган эшигим, ёрдам сўрамаган инсоним қолмади. Ўн йил фарзандим касали сабабли ўйин-кулгу кўнглимга сирмади. Қўлларини кўлимга қўйиб. «Аяжон дорига, овриққа, ҳаммасига чидайман. Сиз йиғламанг, яшашни истайман», дерди. Гапларига чи-долмасдим. Ўн йил олиб чошдим. Жигари касал, ўти касал, дейишарди. Тошкент, Самарқанд, Душанбенинг мен учрамаган профессори қолмади. Охири: «Бир ҳафта муҳлат. Олиб кетинг. Энди иложи йўқ», де-йишди. Ҳар қандай она буни кўтаролмайди. Қизим-ни уйга олиб келдим. Қариндошлар тўиланди. Бола ҳеч нарса емайди. Кўзи жавдираб қараб ётади. Ўт халтаси шишган. Ўлим тўшагида ётган боламнинг оғзига сув томизиб турардим. Бир ҳафта муҳлат берилган. Тўртинчи куни кечқурун хўжайиним ик-кита жўралари билан келдилару болани олиб чиқиб кетдилар. «Эрған ота» ҳақида сўраб билибдилар. Йиғ-лайман кечаю кундуз. Оғайниларининг эшигига бо-раман. Хўжайиним йўқ. Яна оғайнисининг ишхона-сига бораман, йўқ. Мендан яширинади. Олтинчи куни уйга келди-да: «Энди аяжониси, борасиз, мана бу ад-ресга, қизингизни кўрасиз». Эрталабгача сабрим чи-

дамади. Гира-шира қоронғида йўлга чиқдим. Сизга ёлғон менга чин — тўшак тортиб ётган қизгинам ўз оёғи билан юрибгина олдимга чиқди. Кўзларимга ишнолмайман. Тилим калимага келмайди. Шунча азобланиб, ўн йил кўлимда кўтариб юрдим... Худого шукр қилдим. Қизимни худо қайтариб берди. Мўъжизани мен шу даргоҳда кўрдим. Вақти келиб қизимни турмушга узатмоқчи бўлдим. «Ая, деди қизим, — аяжон, худо соғлиғимни шу киши туфайли қайтариб берибди, дўхтир иккинчи отам бўлади. Майли турмушга чиқаман, лекин иккинчи отам ҳам рози бўлсалар, деди. Бердиқул акани роса кутдик. Қуда томон келган, ҳамма келган. Дўхтир бу ердаги касаллар билан овора бўлиб, кечга қолиб бордилар. Борганларидан кейин: «Оқ фотиҳа қизим», деб розилик бердилар. Қизим «Ая, энди мен розиман», деди.

Бу чопа-чопда ўзимнинг ҳам соғлиғим ёмонлашган экан. Полиартрит. Дўхтирлар: «Бора-бора паралич бўласиз, шол бўласиз», дейишди. Бу шундай оғир касаллик эканки, ҳар уч ойда укол олардим. Қизимдан кейин ўзим ҳам «Эргаш ота»га бориб даволандим. 8 йилдан бери дори-укол олмадим. Мана қизимни узатганимга икки йил бўлган бўлса, одамлар яхши-ёмон гапларни гапиришди. «Сан ўйламай иш қиляпсан, ёшлигида кўп касал бўлган қизинг, унинг соғ юрганини кўп кўряпсан. Турмушга узатма, фарзандсиз ўтиши мумкин, туғолмай ўлади», дедилар. Ҳаммасига чидадим, лекин асабларим қақшади. Қизим 9 ой қорнида кўтарган боласини туққунча мен нечта «туғиб бўлдим». Асабийлашганимдан касалим шу йил

яна қайталанди. Яна шу ерда даволандим. Суякларим қийшайиб қолганди, ўтирсам тутолмай қолардим, мана, ўз ҳолига қайтди. Қизимнинг боласи бу йил 3 ёшга тўлди. Дўхтирларга олиб кирамиз — «Онасиниям, боласиниям, соғлом», дейишади. Мана сизларга ҳақиқат. Худонинг мўъжизасига кўплар ишонмайди. Ҳозирги кунда 3 нафар неварам бор.

Бу ерга қайнсинглим келдилар. «Цирроз печен» билан. Уч йил давомида дўхтирхоналарда даволанди. Авлодларингизда бор. Суяк суради, тузалмайди, дедилар. Беш йил бўлди даволаниб кетганига. Мана шу қайнсинглим ҳозир эркакларнинг ишини бажаряпти.

Отамнинг аденомалари бор эди. Оғриғи кучли бўларди. Одамларни танимайдиган, эсини йўқотган аҳволга тушган одамни 25 кун ётқиздик. Самарқанддан профессорларни олиб келдик. Наркозни кўтаролмайди, деб оёқдан укол урдилар, белигача карахт бўлиб қолди бобо. Операцияни очиб, профессорлар кўзи билан кўрдик, аденома тухумдай без ўз-ўзидан томирларини емириб, жуда кичиклашиб қолган экан... Қисқаси, бу ерда отам ҳам иккита касалига шифо топди... Миннатдорчилик учун сўз тополмайман, азизлар.

«БОЛАМ, ТУЗАЛИБ КЕТАРМИКАН, ДЕБ ЙИҒЛАРДИМ»

Замира ҚАРИМОВА (Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида туғилган):

— Бундан 19 йил олдин бир ярим яшар болам билан шу марказга келганман. У сурункали гепатит билан оғриганди. Кўп жойларга олиб бордим. Охири шу ерга келдим. Шифокор: «Агар болага

малҳамни ичиролсангиз қирқ кунда овқат еб тўймайдиган, чарчамайдиган қилиб бераман», дедилар. Болада гепатитдан ташқари яна бошқа касалликлар, терисида кўкимтир тошмалари бор эди. Чопиб ўйнаб кетолмасди. Бурни қонаб турарди. Овқат еса дамлаб кетарди. Аҳволи оғир эди. Ранги сап-сариқ, рангига қараб йиғлардим. Ўша пайтлар сут эмарди. Бир ойча қошиқлаб малҳам ичирдим. Дўхтирнинг олдига келиб: «Мени болам ҳам яхши бўлармикан», деб йиғлардим. «Нимага ишонмайсиз, болангизнинг жигари яхшиланяпти, мен игна билан қудуқ қазияпман-ку», дердилар. Орада ўзим ҳам даволандим, малҳам ичдим. Кўплар малҳам ичиш қийин, дейди. Боламни мажбурлаб малҳам ичирганимда ўзимам кўтариб ичиб қўярдим. Қандай ичганимни билмасдим, малҳамни таминиям ҳис қилганим йўқ. Оллоҳга шукр, иккинчи ойга ўтиб боламнинг ранги тоза бўлди, бурун қонашлари тўхтади, ранг-рўйидаги кўкаришлар аста-аста кета бошлади. Ўзим ҳам ишона бошладим. Учинчи ойга келиб — 75та малҳамни ичгандан кейин дўхтирга: «Сал нарида менинг онам турарди, 54 ёшида жигар циррозидан ўлиб кетдилар. Ўн уч яшар синглим ҳам ўлиб кетди жигар циррозидан. Эртароқ эшитганимда, балким онам, синглим тирик қолармиди», деб йиғладим. Дўхтир: аввали худо, бу масканга ҳам ризқи қўшилган келади, дедилар. Ҳақиқатан, мана, қайнонам яқинда жигар циррози билан оламдан ўтдилар. Олиб келолмадим бу ерга. Худо ризқларини қўшмаган экан. Бундан бир йил олдин ўзимнинг теримда кўкаришлар пайдо

бўлгандан кейин хўжайиним «Менга етади шунча ўлим, сен болаларим бошига соғ бўл», деб бу ерга олиб келдилар. Худога шукр, даво тонаяпман. Лекин кўнлар келиб, «Бешта малҳам ичдим, бўлди, ўнта малҳам ичдим, бўлди», деб тез кетиб қолади. Малҳамнинг зиёни йўқ. Унинг шарофати билан болам бағримда, худога шукр. Дўхтиримизга раҳмат. Қанчадан қанча гўдакларни оналарининг, оналарни болаларининг бағрига қайтардилар. Ҳақиқатан, игна билан қудуқ қазидилар.

Бердиқул Эргашев изоҳи: Замирахон гўё афсонани ҳикоя қилгандек туюлади айримларга. Бироқ бу аччиқ ҳақиқат. Рустамжон 1994 йил туғилган бўлса-да, 95-йили, бир ёшлар атрофида, ҳали она сутидан баҳраманд бўлаётган пайтида биз уни қабул қилганмиз. Оллоҳнинг каромати билан 90 кун малҳам ичди. Оқ қон—рак хасталигидан 90 кун даволанди. Кейинги 10 йил давомида бирор марта йўталгани йўқ, касал бўлгани йўқ, деярти онаси. Мактабда шунчалар яхши ўқийдики, мияси компьютер, дейишади. Ўқитувчиси тушунтирган мавзунини тез ўзлаштириб оларкан.

«САККИЗОЁҚҚА ЎХШАГАН ЎСИМТАЛАР ТУШДИ»

Гулшод ҚУРБОНОВА (1969 йил 27 майда Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Чоркалон қишлоғида туғилган):

— Оилалиман, уч нафар фарзандим бор. 2006 йили март ойида ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Вилоят шифо масканидаги врачларга учрадим. Улар мени тиббий кўриқдан ўтказиб, вилоят онкология даво-

лаш масканига жўнатишди. Мени УЗИ аппаратида ва врачлар кўригидан ўтказишди. Аниқланишича, жигаримда ўсимта бор экан ва улар ўша ерда даволанишимни тавсия қилишди. Бу касаллигимни ҳеч кимга айтмасликка қарор қилдим, негаки, бу дардни бедаво дейдилар, оила аъзоларим азият чекишларини хоҳламадим. Уйда аҳволим кундан-кунга ёмонлашиб бораверди. Овқатдан ҳам қолдим, кўнглим узлуксиз айнийдиган бўлди. Бора-бора бошимни ёстиқдан кўтаришга мажолим қолмади, ётиб қолдим.

Шундай кунларнинг бирида «Эргаш ота»да даволаниб кетган Шаҳоб жияним мендан хабар олгани келди. Аҳволимни кўриб қўрқиб кетди. 2006 йилнинг март ойи эди, мени мажбурлаб шу ерга олиб келди. Бёрдиқул ака аҳволимни кўриб, доимий назоратда тутиб, даволай бошлади. Малҳам ичишимнинг иккинчи кунидан бошлаб оқ ришталар туша бошлади. Ўн еттинчи куни карам баргидек келадиган рақнардаси тушди. Ана шундан кейингина ўзимни енгил ҳис қила бошладим, лекин малҳам ичишда давом этдим. Саккизоёққа ўхшаган, жигарнинг ранги урган ўсимталар тушишда давом этди. Ўттизта малҳамдан кейин ичим анча тоза бўлди шекилли, дўхтир жавоб бердилар. Ҳозир бешинчи марта келишим. Вилоят шифохонасида УЗИ аппаратида бир неча мартаба текширидилар, юқоридаги хасталиқдан асорат топа олмадилар. Ўзимни яхши ҳис қилаяпман. Ганнинг қисқасини айтганда, Бёрдиқул ака ҳаётимни сақлаб қолдилар, оилам бағрига қайтдим. У кишидан бир умр миннатдорман.

«ШИФОКОРНИНГ ГАПЛАРИГА ИШОНМАГАНДИМ»

Иброҳим ЭСИРГАПОВ (1954 йил Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилган):

— Ўт халтам оғриб, 2005 йили Самарқанд вилоят кўп тармоқли Марказий шифохонасига даволашни учун ётдим. У ерда УЗИ қилиб, «жигарингизда доғ, ўсимта бор, яна 3,8 миллиметрга катталашибди, циррознинг бошланиши, дея ташхис қўйдилар. 2006 йил 3 январь кун Самарқанд шаҳар шифохонасида ҳам шу ташхисни тасдиқладилар. Бошимдан ўлим шарпаси кетмай қолди. На уйқуда ҳаловат бор, на овқатда лаззат бор. Иштаҳам бутунлай бўғилди. Орадан ўн кун ўтиб Самарқанддаги 1-Республика шифохонасида текширтирганимда жигар деган ёзувнинг тўғрисига сўроқ (?) аломати қўйилиб, Тошкент шаҳридаги «МДС-сервис»нинг аппаратига тушиб келиш учун йўлланма беришди.

Алғов-далғовли йигирма кун ўтди. 2006 йил 23 январда таниш-билишларининг қистовию маслаҳати билан «Ўргаш ота» тиббий марказининг бош шифокори Бердиқул Жўрақуловичга учрашдим. У киши тирноғимни кўриб, вирусли гепатитнинг «С» шакли билан оғриганимни айтди (ҳақиқатан ҳам 1967 йилда гепатитнинг шу шакли билан касалланиб, Митан юқумли касалликлар шифохонасида даволангандим). Ўт халтамда тош, бўйрақларимда қум, қоним таркибида холестерин кўплигини, ана шу холестерин жигарда доғ бўлиб кўринаётганини айтди. Бу касалликларнинг ҳаммасини даволашини айтиб, «ўсимтага эътибор берманг, тушириб юборамиз», деди.

Тўғриси, унинг гапига ишонмай, бир кундан кейин Тошкентга бориб, аввалги 2-ТошМИ 1-клиникаси гастроэнтерология бўлими профессори Мамлакат Тўлабоевнага учрашдим. Опа ҳам УЗИ қилдиртирганда аввалги ташхисларни тасдиқлади. У киши шаҳардаги Республика Онкология марказига учрашимни маслаҳат берди. Марказда ҳам ташхис тасдиқланди. Иккинчи маротаба УЗИ аппаратида қайта текшириб, жигардаги доғлар холестерин эканини айтиб, компьютер томография қилишни маслаҳат беришди. Томография қозғаларини олиб бўлим бошлиғига учрашганимда у киши онкологияда назоратда туришимни, ҳар ойда бир маротаба мунтазам шифокор кўригидан ўтишимни тайинлади. Бузилган асабу ҳаловатсизлик кишини адои тамом қиларкан. Сарсонгарчилигу сарф-харажатларни айтмасам ҳам бўлади.

Шундан сўнг 2006 йил 5 апрель куни «Эргаш ота» тиббий марказига келиб жойлашдим. Бу ерда 24 кунда 21та малҳам ичдим. (У вақтлар кечки қабулда ҳам малҳам бериларди). 17 апрель куни ўша ўсимта — рак тўқималари тушди. 19 апрелда эса ўт қопидан 6 дона ўрик данагидан каттароқ тошлар тушди. Нега эртароқ келмадим, дея роса афсусландим.

2006 йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳар қон қуйиш станциясида турмуш ўртоғимга қон бериш мақсадида борганимда, «сиз вирусли гепатитнинг «С» шакли билан оғригансиз, дея қон олишмади. Мана шу ўтган 39 йил давомида қонимда вирус сақланиб

қолган экан. Бу вақтда «Эргаш ота»да бир марта даволанган эдим.

Кейин «Назарбек» сиҳаттоҳида УЗИ аппаратида жигарда кўринган доғ ва ўсимтадан асар ҳам қолмаганлигини мутахассисларнинг ўзлари айтишди. Шундан сўнг 2006 йил ноябрь, 2008 йил апрель-май, 2009 йил март, 2011 йил февраль, 2013 йил февраль-март ойларида яна «Эргаш ота» хусусий тиббий марказида даволандим.

Дарвоқе, 2012 йил август ойида Самарқанддаги I-Республика шифохонасида ногиронлик гуруҳимни ўчириб ташлагандан сўнг такрорий текширтирганимда қандли диабетга, вирусли гепатитга қон топширдим. Қонимда гепатит вируси йўқлигини айтишди.

Ҳозир ўзимни жуда яхши ҳис қилиб, соғу саломат яхши кўрган ишимни давом эттириб келяпман. Ҳар йили бир марта келиб, профилактика учун даволанаман.

Ўзим, оилам ва бутун қариндошларим номидан бош шифокор, фахрий профессор Бердиқул Жўрақуловичга миннатдорчилигимни билдираман.

НУРОТАЛИК МАВЛУДА ОПАНИ ИЗЛАБ...

Биз бош шифокордан тиббий марказга овир аҳволда келиб, соғайиб кетган ёки соғая бошлаган бирор беморнинг уй манзилини беришини сўрадик. У бизга бир нечтасини айтди. Уларнинг орасидан Нурота шахридан келиб даволанган Мавлуда Файзановани танлаб, онахонинг уйига боришга қарор қилдик. Йўлга чиқишдан олдин Б.Эргашевдан опанинг ка-

саллик варақасида ёзилган касалликларни шарҳлаб беришини илтимос қилдик.

— Мавлуда опамиз, асосан, сурункали гепатит «В» касаллиги билан оғриган бўлиб, шунингдек, бу аёлда жигар циррози, сурункали панкреатит, сурункали пиелонефрит, буйраклар поликистози, туз, тош хасталиги ҳамда остеохондроз, умуртқа, думғаза чурраси, ҳатто, сариқ касалнинг асорати — камқонлик ва холецистит хасталиклари ҳам бор эди. Қорин бўшлиғида жуда кўп сув тўпланиб, оғир аҳволда тиббий марказимизга олиб келинганди... Кейин нафақат ўзи, оила аъзолари ҳам келишиб раҳмат айтиб кетишди.

...Нурота шаҳри Кончилар кўчасидаги 39-уйни қийналмасдан топдик.



*Суратда: Мавлуда опа турмуш ўртоғи
Қувондиқ ака билан.*

Мавлуда опа хушчақчақ, кўнгли очиқ ўзбек аёлларидан экан. Опа билан кўришарканмиз, унинг шундай оғир касалликлар билан оғриганига, очиги, ишонгимиз келмади. Бироқ суҳбат чоғида опадан ўн олти йиллик касаллик тарихини эшитиб илк таассуротимиз юзаки эканига амин бўлдик:

— Биринчи марта 1985 йили сариқ касаллиги билан оғриганман. Шундан кейин жигарим сурункали оғриб юрди. Тошкентга бориб текширтирганимизда мутахассислар «цирроз бошланган», деб ташхис қўйишди. Нима қиларимизни билмай юрганимизда «Эргаш ота»да даволанган қўшнимиз ўша ерга боришни тавсия қилиб қолди. Бордик. Ишонасизми, даволанишнинг ўн биринчи кунидаяқ жигаримдан рак пардалари тушди... Қорнимга сув йиғиларди. Ўттиз беш кун деганда сувлар камайди чови, енгил тўртиб қолдим. Орадан йигирма кун ўтиб яна қайтиб бориб 48 кун даволандим. Бир ярим ойдан кейин тағин бориб 58 кун, орадан уч ой ўтказиб яна 60 кун... Эҳ, кўрган азобларни эсласам...

Ёнимда ҳамшира менга қараб ётарди. Уларни ҳам, ўзимни ҳам қийнамай, ҳамшира ухлаганда кўчага чиқиб ўзимни машина тагига ташлайман, деган хаёлларга ҳам борган пайтларим бўлди. Чунки энди тузалишдан бошқалар ҳам, ўзим ҳам умидимни узгандик. Ҳозир сиз кўриб турганингиздай соғайиб кетишим ҳатто тушга ҳам кирмаганди...

Бир йил ўтгач, яна Тошкентга бориб компьютерларга тушдим. Жигаринг яхши, лекин ўнг буйрагингни олиб ташлаш керак, ишламайди, дейишди. Умуртқамнинг бел қисмида грижа, кўкрагимда без борлигини аниқлашди, «сахаринг бор», дейишди. Шундан сўнг, мана, тўрт йилдан буён ҳар олти ойда бир марта бораман. Кўкрагимдаги без йўқолибди. Энди буйракдан тушган нарсаларни сизга таърифлаб беролмайман. Навоий шаҳридаги шифокорлар, тиббий аппаратлар ва лаборатория таҳлилларига асосланиб, иккала буйрагим ҳам бир меъёрда ишлай бошлаганини айтишди.

Мени даволаб оёққа турғизган шифокор оиламизнинг азиз кишисига айланган...

Биз меҳмон бўлган бу оила меҳр-муҳаббат заминига қурилган экан. Яратган уларнинг муҳаббатини синаган кўринади. Мавлуда опанинг умр йўлдоши Қувондиқ Файзанов камтар инсон, оддий кончи. Камгап. Унинг шифокорга миннатдорчилигини кўзида қалқиган севинч ёшларида пайқадик. Шукронани эса оддий сўзларда ифодалади:

— Ростдан ҳам, уни уйга соғ-саломат қайтариб олиб кела оламизми, йўқми, деб кўрқиб юрардик. Буткул соғайиб кетади, деб ўйламагандик...

Нуротадан қайтар эканмиз бу меҳр-оқибатли оилга омонлик тиладик.

Мактуб

НАЖОТ ҚАЛЪАСИ

Ҳаёт — бир уммон. Одам боласи тани-жони саломат, руҳи тетик, қалби хотиржам бўлса, бу уммон ичра ўзини жўшқин, дадил ҳис этади. Аммо

акси бўлса-чи? У умидсизлик ва тушкунлик гирдобига фарқ бўлиб, ҳаёт билан видолашишга мажбур бўлади. Жон талвасасида кўринган хасми, чўпми, мадад истаб унга ёпишади, бу ўпқондан халос бўлиб ҳаётга қайтгиси келади. Ахир жон ширин-да! Ҳеч кимнинг бу дунёдан бевақт кетгиси келмайди!

«Эргаш ота» хусусий тиббий марказига келгунимга қадар ана шундай нохуш исканжалар ичра «бу ёғи нима бўлар экан?» деган нотинч кайфият руҳиятимни чулғаб олган эди.

Кейинги икки йилда вужудимдаги тўхтовсиз овриқлар, бир пиёла чой ичсам ҳам, дам ўтмай оғзимга аччиқ зардоб бўлиб қайтиб келиши, кечга бориб ичим шишиб, ўтира олмай қолишим, эрталабгача еганим сингимай, қийналиб чиқишларим, бунинг устига оёқ-қўлларим, бошимдаги қақшаган овриқлар бари йивилиб юриш-туриш, ишлаш, хуллас, яшаш истагимни шу қадар сусайтириб юборган эди-ки, кўзимни очишга рағбатим йўқ, халқона ибора билан айтганда, «ўлганимнинг куни»дан эрталаб зўрға ўрнимдан турадиган бўлиб қолдим. Иш, масъулият, болалар ташвиши бўлмаса-ю, чўзилиб ётаверсам, деган истақ фикру ёдимга маҳкам ўрнашиб қолган эди.

Ичган дориларим, машҳур санаторияларда дам олишим бу лоҳасликни бир муддат танамдан қувган бўлса-да, ниҳоятда чўзилиб кетган бу касалмандлик ўзимнинг ҳам жонимга тегиб кетди.

Иш жойимда бир неча марта қаттиқ оғриқдан беҳуш бўлиш даражасига боргачгина, энди бу ёғига бундай яшаб бўлмаслигини англаб, шошилинич тиббий ёрдам марказига муружаат қилдим.

УЗИда жигаримда эхинококк борлиги, у шундоққина ўт халтаси устида уни босиб, қийшайтириб тургани, сурункали хуружлар шундан экани ва шошилинич операция қилмаса бўлмаслигини айтишди ҳамда душанба (29.06.2009.) кунига операцияга тайёрланиб келишимни тайинлашди. Оллоҳнинг ҳукмига қарангки, шу фурсатда Каттақўрғондаги «Эргаш ота» хусусий тиббий марказида бундай хасталикдан жарроҳликсиз қутулиш мумкинлигини, нафақат бир, балки ички аъзолардаги бошқа касалликлардан ҳам бирваракай халос бўлиш мумкинлигини эшитиб қолдим. «Эргаш ота»да уч маротаба даволаниб кетган дутонамнинг тавсияси билан душанбада операцияга кетадиган одам, шу куни тонг саҳарда Каттақўрғонга — «Эргаш ота» остонасига етиб келдим.

Саҳар-мардон бўлишига қарамай, қабулхонада одам тўла эди. Қирқинчи бўлиб навбатга ёзилдик. Тиббиёт маркази бош шифокори Бердиқул ака билан бўлган қисқагина суҳбатимиз сўзма-сўз хотирамда қолган. Шифокор томиримни ушлаб, тирноғимга, тилимга қараб мен ўйлаб ҳам кўрмаган бошқа хасталикларимни санаб берганида ҳайратда қолдим. Ҳаяжонланиб «Мен операция столдан қочиб ҳузурингизга келдим» деганимда, у киши «операция энг сўнгги чора. Дардингиздан фориг

бўлишнинг бошқа йўллари ҳам бор. Сиз ишонсангиз мен ёрдам бераман», дедилар. Мен айнан шунинг учун келганимни айтганимда, шифокорнинг ҳикматомуз ўғити дилимнинг тубига бир умр муҳрланиб қолди. «Аввало, сиз менга ёрдам бермасангиз, мен ҳам сизга ёрдам бера олмайман, руҳингизни тиклаб, тушкунликдан чиқишингиз керак!»

Доктор менга уй шароитида ичиш учун гиёҳлар берди. Уйга қайтиб, доктор тайинлаб бериб юборган гиёҳларни 47 кун қатъий парҳез билан ичдим. Руҳиятимда шундай шиор муқим ўрнашиб қолган эди: «Эргаш ота»га борсам, худо хоҳласа, янгитдан туғилгандек бўлиб қайтаман». Халқимизда ажойиб бир нақл бор: «Ихлос—халос» дейдилар. Ихлосу эътиқодим самарасини бу даргоҳга келиб, иккита малҳам ичганимдаёқ кўрдим. Ярим кечаси худди фарзанд дунёга келгандагидек тўлғоқли оғриқ билан, мутлақо ўйламаганим мўъжиза содир бўлди! Менда миома бор экан! Рак тўқималари аралаш бир ҳовучга тўлғудек миома тушганида кўзларимга ишонмадим. Ва танамдаги сурункали оғриқлар, ҳаддан зиёд қон кетишларнинг боисини тушундим.

«Олтинчи малҳам — навбатдаги мўъжиза - ўт қопидан билирубин тошлари тушишига олиб келди (санаб кўрсам 24 та экан). Шундан кейин бундай тошлар, ичак шлаклари, холестерин ёғлар, хуллас, йиллар давомида танамда чўкиб қолган захарлардан халос бўлганимдан нишона бўлиб, руҳиятим тетиклаша борарди. Лекин гарчи доктор УЗИ хулосалари ва кўрсаткичларини кўздан кечи-

риб «эхинококк» жуда кичкина, сўрилиб кетини ҳеч гап эмас деган бўлсалар-да дилимнинг тубида «жигарим нима бўлар экан?» деган ҳадик, хавотир йўқ эмасди! Ахир бу ерга жигар операциясидан қочиб келган эдим-да.

Ниҳоят, ўн еттинчи малҳамдан кейин, анализимни текширган лаборант ҳамширанинг қурт пардалари тушган деган сўзларини эшитиб кўзимдан ёш чиқиб кетди!

Ўн саккизинчи малҳамдан кейин тушган жигар қуртларини ўз кўзим билан кўриб, бу ишлар моддий дунёнинг неъматидир, эҳтимол, лекин унинг замирида қандайдир илоҳий қудрат борлигига иймон келтирдим.

Негаки, 22 кун ичида бир йўла учта операциядан қутулган эдим-да! Шу тариқа «Эргаш ота» тиббиёт маркази мен учун паймона ўпқонига ботиб бораётган чорасиз вужудимнинг елканлари умид ишончидан тикланган кема янглиғ ўз бағрига олиб, ҳалокатдан асраб қолган, соғ-омон ҳаёт қирғовига олиб чиққан тенгсиз халоскорга айланди.

Аслида у нафақат менинг, бу ерга оқиб келаётган юзлаб инсонларнинг, Ўзбек тупроғига шифо истаб, Олмония, Россия, Туркменистон, Австрия, Қозоғистон, Довистон ва бошқа юртлардан келаётган қанча инсонларга бирдек меҳр, шифо мурувват ва илтифот кўрсатилаётган нажот қальаси-да, дегим келади.

«Эргаш ота» хусусий тиббий маркази, унинг бе-назир соҳиби таъбири билан айтганда, бу муродхо-

на фаолияти мисолида бугун ҳукуматимиз, хусусан муҳтарам Юртбошимиз томонидан давлат сиёсати даражасига кўтарилган «Инсон ҳаёти — олий қадрият» деган эътирофнинг амалдаги исботини кўриш мумкин. «Эл соғлиги — Миллат бойлиги», унинг эртанги ёрув истиқболимиз, буюк келажакнинг мезонига айлантириш борасидаги хайрли ишларни қурмоқ истаганлар узоққа бориб юрмай, «Эргаш ота»га келсалар арзийди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «юрт бошига иш тушганда, вазият тақозоси билан майдонга отилиб чиқиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди».

«Лекин... ҳар куни, ҳар соатда фидоий бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу», деган сўзлари айнан саҳардан ярим тунгача ҳар бир беморга ўз қўли билан малҳам тутиб, элнинг жонига оро киритаётган Бердиқул Эргашевдек инсонларга нисбатан айтилгани шубҳасиз!!! Бу инсоннинг Истиқлол бахш этган бебаҳо имконлар саодатидан баҳраманд бўлиб, тинч дориломон кунлар шарофати билан 24 йил давомида миллат олдидаги хизматлари беқиёсдир. Қуйидаги шеърни беназир инсон, олий тоифали шифокор, фахрий профессор Бердиқул Эргашевга бағишлайман.

Халоскор

Не бахт, юрт бошига ташвиш тушганда,
Юкнинг офирини эрлар кўтаргай,
Дард ҳам Яратганнинг бир синовидир,
Дилида иймони борлар кўтаргай.

Бир замон Чингиздек бало кўпганда,
Камарбаста бўлиб элнинг корига.
Кўлда шамшир ила мард Жалолиддин,
Айланди башарнинг халоскорига.

Дард-ла олишмоқ ҳам мисли жанг-жадал,
Сабру матонатинг тиклар қаддингни.
«Эргаш ота» ҳақда хаёл сурганда,
Мен ўйлайверамап Жалолиддинни.

Самарқанд, Самарқанд, Илоҳдан инъом,
Темурлар тиф тутиб тиклаган маъво.
Олис Ҳиндистонда, доғи ҳижронда,
Бобурлар қон ютиб тиланган даво.

Тарих филдираги айланиб яна,
Мўъжиза бахш этмиш бу хуш маконга.
Кимки хаста жонга малҳам истаса,
Бугун бош урмоқда Каттақўрғонга.

Гулу гулзор юртим, чаман — боғ юртим,
Ям-яшил бағрингдан чиқди бир ўғлон.
Ҳар бир гиёҳингдан минг ҳикмат уқиб,
Миллионлар дардига бўлмоқда дармон.

Замондош! Аввало дил губорин юв,
Кўксингдан чўкинди ҳасадни кўчир!
То бунда Бердиқул шифокор бордир -
Жисмингда не дард бор, барини ўчир.

Мудом омон юргин Ернинг устинда,
Шодликларни симир, нафсни нари сур.
Ғанимат умрингнинг ҳар бир кунинда,
Тенгеиз халоскоринг дуо қилиб тур!

*Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилояти.*

Иккинчи бўлим

**ИНСОН ОРГАНИЗМИДА
УЧРАЙДИГАН НЕЧА ХИЛ
«ТОШ»НИ БИЛАСИЗ?**


Ёхуд ўт қопидаги муаммолар ҳақида

ҚОЗОҒИСТОНЛИК БЕМОР ЎЗБЕКИСТОНДА «ТОШ БАЛОСИ»ДАН ҚУТУЛДИ

«Тош» деганда ҳамма табиий, қаттиқ тошни тушунади. Мазкур шифо масканида даволанган кишига бош врач инсон аъзоларида бу тошларнинг, тузларнинг турларини эринмай, бирма-бир кўрсатиб, тушунтиради:

— Тош деганда, одатда, дайровотнинг тоши, сойлоқ тош, мрамар каби тошлар тушуньлади. Инсон аъзолари ва улар йўлларида билирубин, холестерин ва кальций каби тошлар бўлади. Бундай тошларнинг 96 фоизи билирубин ва холестерин тошларидир. Ўт қоида билирубин тошлари гуруч донаси ҳажмидан товуқ тухуми ҳажмигача бўлишини кўрдик. Бу тошлар сувдан енгил, қуёш нурида эрийди, қаттиқ боссангиз эзилади, лекин ўз жойида турган пайтда болға билан урсангиз ҳам тунмайди. Холестерин тоши ҳам худди шундай

шакл ва хусусиятга эга. Бу тошлар бошқа хасталикларни ҳам келтириб чиқаради. Кальций тошлари эса, болға билан урсангиз ҳам синмаслиги мумкин. Содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, сув қайнаганда чойгумнинг тагига чўкиб қотиб қоладиган қуйқа тош кальцийдир.



Рустам Гумаровнинг ўт қоидан тушган тошлар

Тиббий марказда шифо топганлардан бири шундай ҳикоя қилади:

— Мен, Рустам Гумаров — Қозовистон Республикасининг Каспий денгизи бўйидаги Мангқишлоқ вилоятиданман. «Тош балоси» хуружининг азобини бошидан ўтказган одамгина билади. Бу касалликдан икки йил жабр чекдим. Тош тез-тез «хуруж» қилиб турарди. Қозовистондаги йирик тиббиёт марказларига, ҳатто, Москвадаги мутахассисларга ҳам мурожаат қилдим. Ўт қопини жарроҳлик йўли билан олиб ташлаймиз, дейишди. Малахов тиббий маркази борлигини эшитиб, интернет орқали сўров юбордим. Операция қилдиришдан бошқа чора йўқми, деган саволимга қисқа, умумий жавоб беришди: «Тош жуда катта. Бошқа чора йўқ. Ўт қопи ҳам, ундаги тош ҳам сизники. Ўзингиз ҳал қилингиз». Қисқаси операция қилишдан бошқа чора йўқ, дейишди. Ана шундай азобда юрган пайтимда дўстларим Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоятида ўт қопидаги тошни жарроҳлик амалиётисиз туширадиган врач бор, дейишди. Бу ерга келганимдаёқ врачдан аниқ жавоб олдим: бир эмас, бир неча тош бор экан ўт қопимда. Биттаси ҳақиқатан ҳам жуда катта экан. Малҳамнинг мўъжизасини қарангки, тошлар операциясиз тушди.

«ОФРИҚСИЗ ҲАЁТГА ҚАЙТДИК!»

Раъно ЭРКАБОЕВА (Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳридан, 1963 йилда туғилган):

— Сўзимни мустақил юртимизнинг биринчи Президенти Ислам Каримовга тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, инсон саломатлиги

учун қилинаётган улкан ишлар учун миннатдорчиликдан бошламоқчиман.

Ўтган йили ўнг томонимда оғирлик сеза бошлагач, профилактика учун ўзимни текширтдим. Ўтимда каттагина тош борлиги аниқланди. Ўзим Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмасида Тез ёрдам бўлими шифокориман. Биласиз, анъанавий тиббиётда бу ҳолатда тош ўт қоғи билан бирга олиб ташланади. Мен ҳам шу ҳақда ўйлай бошладим. Шунда гинеколог дугоналаримдан бири ўзидаги тошни ўт қоғи билан бирга олиб ташлагани учун пушаймон эканини, уни Самарқандда жарроҳликсиз тушириш мумкинлигини айтиб қолди.

Шу боис шифокор сифатида айтишим мумкинки, танамдаги битта аъзони сақлаб қолиш учун келганман. Ўтган йили 14 кун даволандим. Олтинчи малҳамгача кунларим жуда оғир ўтди. Тошдан, вужудимдаги холестеринлардан халос бўлдим. 7—8 малҳамдан кейин эса қундай енгил бўлиб, ҳаётга янгидан қайтгандай ҳис қилдим. Юрагимда жўшқинлик қайта уйғонди. Ўзим билан бирга келган тумандаги 22-мактаб директори Муяссархон Иноятуллаева, Дилфузахон Отажоновалар ҳам соғайиб қайтишди. Ҳаётимиздаги бу воқеани биз биргалашиб, «оғриқсиз ҳаётга қайтиш», деб атадик.

Жорий йилда профилактика учун синглим Ҳакимахон Умарова билан бирга келиб даволаняпмиз. Бош шифокорнинг ишлаш услуби, масалан, ҳар бир бемор билан шахсан мулоқотда бўлиб, ўзи малҳам бериши, шифохонадаги тартиб, жамоанинг шакллантирилгани, улар бераётган қўшимча муолажаларни кўриб, қурилган иншоотлар, атроф-муҳитнинг сана-

торийлардек арчазору майсазорга айлантирилгани ни ҳисобга олиб бу инсонга «Мўъжизавий салоҳият соҳиби» дея ном бердик. Мен ўз касбимни севган ва юқори даражада ҳурмат қилган ҳолда «Эргаш ота» хусусий тиббий марказидаги халқимиз табobati йўналишига ҳам тан бердим. Раҳмат!

«НЕГА ТОШ ТУШМАДИ, ДЕЯ СЎРАГАНИМДА...»

Жумабой ЖУМАНИЁЗОВ (1952 йили Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани Мухаммон қишлоғида туғилган):

— Ўт пуфагимда тош пайдо бўлиб, безовта қила бошлагач, бормаган жойим қолмади. Ҳамма врач бир гапни такрорлайди: фақат жарроҳлик йўли билан қутуласиз. Мен эса тошларни операциясиз тушириш йўллари қидира бошладим. Шу мақсадда 2006 йили Сурхондарёнинг Омонхонасига борганимда, у ерда учраган бир йигит, бу касалликни даволайдиган Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги «Эргаш ота» хусусий тиббий маркази бош шифокори Бердикул Эргашевнинг телефон рақамини берди. Уйга келгач, телефонлашиб, 21 август куни врач қабулида бўлдим. Даволаниш жараёнида парҳезни бузмасангиз, албатта, ўт пуфагидаги тошни туширамиз, деди.

Саккизинчи малҳамдан кейин нега тош тушмаяпти, дея врачга мурожаат қилдим. Сабр қилинг, тошлар албатта тушади, деди у. Ўн биринчи малҳамни ичган куним, ярим тун соат бир яримда безовта бўлиб ҳожатхонага шондим. Не кўз билан кўрайки, 7–8 дона холестерин тошлари тушди. Эртаси куни врачга кўрсатганимда, у бу тошлар ўтдан эмас, жигардан

тушган тошлар, деди. 15-малҳамдан кейингина тушган билирубин тошларини шифокорга кўрсатганимда, у мана шулар ўт қопидаги тошлар, дея таъкидлади. 27 кун ичида 24та малҳам ичиб, ўзимни худди ёшлигимдагидек енгил, чаққон ҳис этиб, уйимга хурсанд ҳолда кетдим.

Шундан буён ҳар йили бир марта келиб, профилактика учун 15та малҳам ичиб кетаман. Бирор жойим овримайди, соғ-саломатман. Қалбимда фақат миннатдорчилик ва шукроналик. Врачимиз соғ бўлсин!

«ЎТ ҚОПИДАН ОПЕРАЦИЯСИЗ ТОШ ТУШИРИШ УСУЛИНИ ТИББИЁТ ФАНИДАГИ ЯНГИЛИК ДЕБ БИЛАМАН»

**Комилжон САМАНДАРОВ (Хоразм вилояти
Хива туманидан, 1938 йилда туғилган):**

— Мактабда ўқиб юрган човларим гепатит хасталигига йўлиқдим. Касалхонада 12 кун ётиб даволандим. Даволанганимга қарамасдан жигар ва ўт пуфагида овриқ давом этаверди. Шундан кейин бу касаллик бўйича Украина, Қирғизистон ва Тошкентдаги кўплаб санаторияларда мунтазам даволанганман. Бир неча марта вилоят ва туманимиз касалхоналарида даволандим. Ҳеч бири фойда қилмади, барибир ўнг қовурға остида овриқ сезиб юрдим. 1983 йилда қандли диабет касаллиги бўйича ҳам вилоят ва туманимиздаги Эндокринологик диспансерларда даволандим. 1991 йилда простата безининг аденома касалига учрадим ва бу бўйича ҳам бир неча касалхоналарда даволандим. Бу даволанишларнинг биттаси ҳам фойда бермади. «Эргаш ота»

сиҳатгоҳига келишимдан олдин вилоят Эндокринологик диспанчерида УЗИга тушганимда, сизнинг жигарингиз қаттиқлашган ва катталашган (диффузний улатнение), буйрагингизда пиелонефрит бор. Қум ва туз буйракни эгаллаган, деб ташхис қўйдилар. «Эргаш ота»га келиб бош шифокор кўригида бўлганимда, у киши касалликларим ҳақида янада кўпроқ маълумотларни айтди, яъни юқоридагиларга қўшимча равишда жигаримнинг барча сегментлари захарли холестерин бўтқасига, ўт халта эса тошга тўлиб қолганлигини, ўт йўлини чандиқ қоплаганини айтди. Биринчи ўн кунлик даволанишим жараёнида ўт пуфагидаги тошлар ва жигардаги холестерин бўтқалари мунтазам тушиб турди. Бу ҳодиса менинг ҳаётимда бир умрга эсдан чиқмайди. Хоразмдан бирга келган шерикларим ҳам меникига ўхшаш хасталиклар билан касалланганлар. Уларнинг барчаси ўз касалликларидан фориғ бўлдилар. Шунингдек, мен билан битта палатада ётган беморларнинг барчаси дунёга қайта келгандек бўлиб, соғайиб ўз уйларига, оилаларига севиhib қайтиб кетмоқдалар.

Касалликларим бўйича менинг шахсий фикрим шундаки, бундай сиҳатгоҳ нафақат бизнинг Ўзбекистонимизда, балки ер юзида йўқ, деб ўйлайман. Бу гапни айтишимнинг асосий сабаби Германиядан келган гидронефроз билан хасталанган беморнинг миннатдорлигини ўз кўзим билан кўрдим.

Мен катта мутахассис эмасман, лекин хулоса ўрнида бир фикр айтмоқчи эдим: ҳурматли Бердиқулжон укамизнинг тиббиёт соҳасидаги тошган бу янгиллиги фан соҳасида ҳам янгилик, деб биламан. Ахир, ўт пуфагидаги тош касалиги ва буйрак тоши ка-

саллигини барча жарроҳларимиз фақат операция йўли билан даволайман, деб баъзи фуқароларимизни бир умрга ногирон қилмоқдалар. Юқорида зикр қилинган фикрларимни ҳисобга олиб, вилоятлардаги тиббиёт соҳасидаги бош врачларимиз тош касалликлари билан оғриган фуқароларимизни «Эргаш ота» сиҳатгоҳига юборсалар мақсадга мувофиқ иш бўлар эди.

«ШИФОКОРГА ИХЛОСИМ ЯНАДА ОШДИ»

Маъмура АЛИМОВА (Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳридан):

— Анча йилдан буён буйрагимда, ўт қопимда сурункали шамоллаш, туз борлигидан азият чекардим. Бора-бора қон босимим сурункали ошишига олиб келди. Шифохоналарда тез-тез ётиб даволанар эдим. Укол-дори олардим, лекин ҳеч қанча вақт ўтмасдан касаллик яна хуруж қиларди.

Жуда кўп ҳамюртларим Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида «Эргаш ота» хусусий тиббий маркази борлигини, у ерда даволаниб шифо топишганини айтишди. Кейин эса Хурсаной опанинг қизи оқ қон касалига чалиниб, ўша ерда шифо топганини эшитиб, ёнига бордим. У аёл кўзларида ёш билан қизини оғир аҳволда олиб бориб яхши бўлганини айтди. Шундан ўша шифохонага ихлосим ошди. 2014 йил май ойида келдим.

У ерда шифокор Бердиқул Жўрақуловични самимий муомласию малҳамни ҳар бир беморга ўз қўллари билан Оллоҳдан шифо сўраб беришини кўриб ҳайратда қолдим. Чунки беморлар жуда кўп, ахир бу киши ҳам инсонку, оила, фарзандлари даврасида ўтиргиси

келар. Лекин шифокор деярли ҳамма вақтини беморларга ажратади. Жуда кўп беморларнинг соғайиб хурсанд бўлиб уйга қайтишганини кўриб, бу шифокорга янада ихлосим ошди. Уйга бориб УЗИ аппаратага тушсам касалликдан асорат қолмабди. Қон босимим ошмай қолди. Шифо топганим учун Оллоҳимга беҳисоб шукр. Яратган нурини сочган «Эргаш ота» хусусий тиббий маркази олий тоифали шифокори Бердиқул Эргашевга ва у ерда тинмай ҳаракатда юрган барча ходимларга минг раҳмат. Умрлари зиёда бўлсин. Доим шундай беморлар дардига малҳам бўлиб юришсин.

Оллоҳ нигоҳини сизга қаратсин.

Шул масканга доим нурин таратсин.

Ягона ўтинчим ўзидан бутун.

Шундай инсонларни кўпроқ яратсин.

на

«МЕНИ СЕН ЧАҚИРГАНСАН, БОЛАМ»

Шукуржон СЕЙТМЕТОВА
(Хоразм вилояти, Гурлан туманидаги Эпимжирон қишлобидан, 61 ёшда):

— Мен жуда овир касал эдим. Шин бор эди. Ўтимда ҳам топ бор экан. Вазним эса жуда овир. Операция қиламиз дейишди. Лекин операцияни кўтарадиган аҳволда эмас эдим. Янги йил ол-



дидан қишлоқда бир яхши қор ёвди. Амаллаб ташқарига чиқдим. Сизга ёлғон менга чин, унда бир фариштадек одамни кўргандек бўлдим. Алҳазар дейман. Ахир, ўзим художўй одам бўлсам... Кейинроқ уйга бир

қариндошим келиб «Эргап ота» шифохонаси ҳақида гапирди. Ўна кунийёқ йўлга чиқдик. Етти соатда Хоразмдан бу ерга етиб келдик. Келсам шифокор йигитни кўргандекман. Мени сеп чақиргансан болам, дедим. Аҳволимни кўриб, Сизни худонинг ўзи менга етказди, деди. Даволана бошладим.

Дўхтир ҳаммага бир гапни такрорлайди. Малҳамдан кейин «грелка»ни ўнг қавурға тагига қўйиб, хаёлингизни бўлмайдан бир ярим соат қимирламайдан ётинг, дейди. Тўққизинчи кун худди шундай ётгандим, Хоразмдан телефон бўлиб қолди. Яқинларимдан бирининг аҳволи ёмонлашиб қолибди. Бирдан «ўлиб қолсая», деган кўрқинчли ўй ўтди хаёлимдан. Шу сонияларда тўсатдан ичимда бир нарса кўзгалгандек бўлди. Бир оғриқ бошландики, ўлиб қоламанми, деб кўрқдим. Қизлар Бердиқулжонни чақириб келишди. Қорнимни силади, яна нималардир қилди, пичирлади. Бояги кўзгалган мунгдек нарса қорнимда ёйилиб кетгандек бўлиб, оғриқ ҳам секин пасайди. Э, шундан кейин мендан чиққан тошларни, балчиқларни кўрсангиз ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Тузалиб кетишимга умид уйғонди. Бунинг учун сабр-қаноат керак экан. Жами 24 кун даволадим, бугун кетяпман, бирам енгилманки асти қўяверинг. Оёғимда бироз оғриқ бор. Келгуси келганимда, албатта, оёғим ҳам тузалиб кетади. Бердиқулжоннинг худо берган бу иқтидори ҳеч қачон сўнмасин.

«ОҒРИҚДАН ТУНЛАРИ УХЛАЙ ОЛМАСДИМ»

Дилфуза МУНИРОВА (Бухоро вилояти Когон туманидан):

— Онам Шоҳиста Мунирова билан бирга 8 сентябрь кун «Эргап ота» марказига келиб, доктор қабу-

лига кирдик. У бизни хушмуомалада кутиб олди. Ҳамма касалликларимизни бир-бир айтиб берди. Менинг ҳам ўт қопим доим безовта қиларди. УЗИ аппаратида текширишгач, ўт халтаси қийнайган деган ташхис қўйдилар. Кечалари овриқдан ухлай олмасдим, қорним дамларди, жуда қийналардим, ўт халтани операция йўли билан олдирмоқчи ҳам бўлдим.

Учинчи малҳамдан сўнг ўт халтамдан тошлар тушди. Онам ҳайратда қолдилар, тўғриси у киши тош тушишига ишонмай келгандилар. Кейинги малҳамлар буйракдан тошларни, жигардан холестерин ёғларини туширди. Тошлар тушган сари ўзимизда ўзгаришлар сеза бошладим. Тошлар чиқиш жараёнида жуда кучли овриқлар сабабли кечалари билан ухламай қалтираб чиққан вақтларимиз ҳам бўлди.

Қон босимим тез-тез кўтарилиб, тушарди. Оллоҳга шукур шу марказда 16 кун даволанган бўлсак, бирор марта қон босимим кўтарилмади.

Онам ҳам кўп касалликларга чалиндилар, даволанмаган касалхоналари, бормаган сиҳаттоҳлари қолмади. Дори ичмаган кунлари йўқ эди.

Онам «Докторга ҳар қанча тасанно, офарин десам ҳам оз, Бердиқул Жўрақулович замонамизнинг Ибн Синоси», дейдилар. Доктор биз каби шифоталаблар бахтига доимо соғ бўлинг. Оиламиз номидан сизга миннатдорчилик билдирамыз.

«МЕН ДЎХТИРНИНГ ДАСТЛАБКИ БЕМОРЛАРИДАНМАН»

**Сайёра РАЗЗОҚОВА (Иштихон тумани собиқ
Халқобод жамоа хўжалигидан):**

— 1993 йили ўт халтамда тош бор эди. Аҳволим овир эди. Юролмасдим. Дўхтир энди ўқишни тамом-

лаб келиб иш бошлаганди. Мен у кишининг даст-лабки беморлариданман. Мени уйига олиб келиб даволади. Юролмасдим, дўхтирнинг ўзи суяб юргизарди. Беш кунда ўт қопимдаги тошдан халос қилди. Жами 110та тош тушди. 2таси катта эди. Қолганлари майда. Овримгани учун бу ерга келмай кетдим. Шунга ҳам 13 йил бўлибди. Яқинда буйрагим безовта қилди. Буйрак касалликлари ҳам шу ерда даволанишини билганим учун яна келдим. Ўн саккиз кун ётиб даволандим. Ҳар иккала буйрагимда, сийдик йўлларида туз, қум кўнайиб кетган экан. Чунки мен аччиқ, шўр таомларни яхши кўрар эдим. Даволаниш жараёнида буйрак овриқларидан, туз ва қум балосидан қутулдим. Доимо парҳезни қаттиқ сақлайман, деган қатъий қарорга келдим. Бердиқулжонга узоқ умр тилайман. Болалари бахтига ўзи ҳам соғ бўлсин.

«ОЧЛИКНИНГ ҚАДРИГА ТЎҚЛИГИНГИЗДА ЕТИНГ!»

**Ширин ҲАСАНОВА (Каттакўрғон шахридан,
1949 йилда туғилган):**



— Мен мана шу марказга яқин жойда яшаб, ўзимча очликда қандай даволаниб бўлади, деб бу ерга келманман. Ўт пуфагимда тош бор, бир марта «приступ» берганида Каттакўрғон шахар касалхонасининг хирургия бўлимига ётиб, операция қилдирмай чиққандим. Ўзбек аёллари бола деб, уй, иш деб

йиқилиб қолгунча ўзига эътибор бермайди. Мен ҳам шулар қатори. 2006 йили август ойида ошқозонимда кучли оғриқ турди. «Тез ёрдам» келиб оғриқ қолдирувчи укол қилиб кетди. Оғриқ қолавермагач дўхтирхонага бордим. Оғриққа чидашнинг ҳеч иложи йўқ эди. Дўхтир ўтингиз оғримайдими, деди. Мен оғримайди, лекин тош бор, дедим. Хирургни чақирди. У ўт приступ берапти, деди. Ётқиздилар. 3 кун осма укол олдим. Кучли дорилар қилишди, бироқ оғриқ қолмади. Худди ошқозонимга биров пичоқ суқаётгандай, умуртқамга ҳам оғриқ берарди. Ўт қопи ишламагандан кейин ичаклар ҳам ишламаскан. Ичакларим ҳам ёпишиб қолди. Дўхтирлар дори ичиришади. Доридан кейин сув ичсам, ичакларим шишиб кетаверади. Уриб кўрса пишган тарвуздай «пўк-пўк» этади. Шиш ошқозонимни, ўнкамни қисиб қўйган. «Оҳ» дейман, бошқа сўз айтолмайман. Гоҳ ўзимга келаман, гоҳ ўзимдан кетаман. Хирурглар операция қиламиз, ичакнинг ишламаган қисмини, ўт пуфагини олиб ташлаш керак, дейишди. Мени даволаётган дўхтир келди-да, юрагимни кўриб, «Холажон, мен операцияни маслаҳат бермайман. Операция 4 соат давом этади. Юрагингиз наркозга бардош беролмайди, операция қилдирманг», деди. Хирургга: сизнинг гапингизга кирмасам, ичак, ўт ёрилиб кетади, натижада ўламан. Операция қилдирсам 4 соатга юрак бардош бермай, барибир ўларканман, дедим. Ўлимимни бўйнимга олиб дўхтир билан гаплашайман. Нима бўлса пешонамдан кўраман. Фарзандларим уйли-жойли. Худога шукр чала ишим қолмаган, дедим. Дўхтир чиқиб кетди, синглим келди. Синглимга кичкина укам Асадуллони олиб кел, дедим. 85

ёшга кирган онам борлар. У кишини тинчлантириш учун синглим олдиларига кирибди. Кирса онам семичка ёғи бериб, мана шуни опанга бер, шуни ичса, балки ичаклари ишлаб кетар, дебди. Синглим, келиним билан келиб кўрса иккита қўлимда осма укол, ўзим эса овир ётганман. Кейин мени кўтариб олиб чиққанлар-да Асадуллони сўраганим учун унинг олдига олиб борганлар. Бир пайт юзимга шамол урилгандан ўзимга келдим. Сизларга ёлгон, менга чин, шундай ҳамма жойимдан тер оқиб боряпти. Асадулло машинасида шу ерга олиб келган экан. Дўхтир энди уйларига кетибди. Кечаси соат ўн бир. Уйларига машина билан бордик. Дўхтир машинанинг ичига кириб мени кўрдилар-да, жудаям чарчатиб юборибсизлар, тез бизларнинг шифохонамизга олиб боринглар, ҳозир мен айтаман биринчи ёрдам кўрсатадилар, дедилар. Телефон қилиб овир касал боряпти, тез биринчи ёрдам кўрсатинглар, дедилар. Мени «процедурний»га олиб бордилар. Мана, Гулчеҳра қизим ўша куниям «дежур» эди. Менга биринчи ёрдам кўрсатдилар. Негадир бирданига ўлмаслигимни сездим. Мен шу ерда ётаман, даволанаман десам Гулчеҳра қизим холажон, олиб қолқимаймиз, жой йўқ, деди. Мени больницага олиб бориб қўйинглар, эрталаб келаман, фақат шу ерда даволанаман, дедим. Энди ҳаётга қизиқиш бошланди. Больницага бордим. Нарсаларимни йиғиштирдим. Эрталаб хўжайиним бир пакет пулларни ўраб келганлар, бугун операция бўлиш керак деб. Дўхтирларга Топкенга кетаман, деб алдаб чиқдим. Худо кечирсин ёлгонимни. Бердикул ўғлимга шулар душман бўлиб юрмасин, деб шундай қилдим. «Эргаш ота»га келдим. Жой йўқ. Амаллаб жойлаштиришди. Ҳар соатда қизлар пиёла кўтариб келишади, холажон гиёҳ

қайнатилган чойни дўхтир берди, ичаркансиз деб. Бир ой давомида ичимдан тушган тошларнинг саноғи йўқ эди. Мени оёққа тургазилар. Битта касални тузатиш баҳонасида доим меъёрдан юқори юрадиган қон босим ҳам тушди, черешной давлениям ҳам кўтарилмайди, бурнимдаги гаймарит ҳам ўз-ўзидан тузалиб кетди, қуловимда отит (қулоқ йўли шамоллаши) бор эди, тузалди, кўл-оёқларим бўвинлари оғриб турарди (полиартрит), оғриқлар унутилди, ошқозоним оғриб турарди, ҳозир умуман оғримайди. Дўхтир бир йилдан кейин яна келинг, деди. Шу йил давомида ўзимни жуда энгил ҳис этдим, бирор бир муолажа қабул қилмадим. Соғлигим жуда яхши бўлиб кетди. Орадан бир йил ўтгач, 2008 йил сентябрь ойида яна келиб профилактик мақсадида 27 кун даволандим. Ҳозир жуда яхшиман, бир жойим оғримайди, нима ссам, бемалол ҳазм бўлади, энг асосийси, руҳиятим тетик. Мен Бердиқулжонни ўғлим деб, ўғлимдан ортиқ деб биламан. Мана шу масканини худо ёмон кўздан асрасин, барака берсин.

Мактуб

ОЛЛОҲНИНГ ТОШУ ТАРОЗУСИ БОР

Ассалому алайкум, ҳурматли қиёматли укам Бердиқулжон. Ҳа, қиёмат сўзи маъносини ҳамма бирдек тушунавермайди. Мен сизни қиёматли укам деб тан олдим. Ёшим 53да. Умрим бўйи Оллоҳнинг турли синовларини бошимдан ўтказиб яшаб келдим. Беморлик менга уч ёшимдан теккан, 12 кун ҳушсиз, бурнимдан қон кетиб ётганман. Юзимга дока ёниб қўйишган.

Отам икки ёшимда вафот этган. Раҳматли онам 10—42 ёшидан етти фарзандни бир ўзи тарбиялаган. Олти фарзанд бир тараф, мен бир тараф касал

бўлиб онамга азоб берганман. Хуллас, 12 кун деганда ўзимга келганман, лекин икки кўзим кўрмай қолган. Шундан 6 йил, яъни 9 ёшимда тузалганман. Онам бормаган мулла, бахши, қушнот қолмаган. Самарқанд кўз касалликлари касалхонасига олиб борган, докторлар хола фалон куни қизингизнинг кўзини операция қиламиз деганда онам мени касалхонадан уйга олиб қочиб келган. Чунки онам мен хушсиз ётганида бир башоратчига борган, онам умри давомида шу башоратчининг гапларини эслаб ўтди. Онам 78 ёшида қўлимда вафот этди. Лекин у-тириклик даврида башоратчининг келажагим ҳақида айтган гаплари тўла-тўқис, рўйи рост ҳақиқатга айланди.

Хуллас, 9 ёшимда кўзларим очилди, лекин 6 ой ўтмасдан иккала тиззам шишиб кета бошлади. Энди докторлар ревматизм деб ташхис қўйишди. Иккала тиззамдан уч литргача сув олишди, юролмай қолдим. Шу тахлит тўрт йил оёқсиз, юролмадим. Докторлар турмушга чиқиш мумкин эмас дейишди. Бироқ 13 ёшимда бу касалликдан тузалгандек бўлдим, юра бошладим.

13—14 ёшимда яна касаллик хуруж қилди. Энди томоқ йўлларида, ўлкасида яра бор деб ташхис қўйишди. Шу ёнда клиник ўлим ҳолатини бошдан кечирдим. Яна операцияга буюришди. Лекин онам рози бўлмади. Бироқ 4—5 йиллаб яна даволандим. Онажоним доимо худога илтижо қилиб, эй оллоҳ, боламнинг дардига шифо бер, дерди.

Башоратчи башоратида «Йиғламанг, хола, қизингизда нуқсон, яъни қон кўриняпти. Худо хоҳласа, ўлмайди. Бир китоб ушлаган эркак-аёл кўриняпти. Шуларни руҳи қўллайди. Ҳаёт давомида қизингиз уч хатарни бошидан ўтказади. Иккитаси 27 ёшигача, учинчиси

сал кексайганда. Агар шу уч хатардан омон ўтса, 90 ёшга киради. Икки фарзанд кўради: биринчиси ўғил, иккинчиси қиз. Ҳар хатарда кимдир сабабкор бўлади. 27 ёшида улуғ бўлади. Эл ичида юриб, унга нафи тегади. Аждодлар ишини давом эттиради», деган экан.

Ҳақиқатан ҳам 27 ёшимгача дард туфайли кўп азобларни бошимдан ўтказдим. Мактабга икки йил кеч бордим. Лекин ўқидим. Докторларнинг гапини эшитиб, бировни куйдириб нима қилдим деб, турмуш қилишдан умидимни уздим. Энди ҳаётимни ўқишга, ишга, одамларга бағишлайман, дедим. 27 ёшимгача 4 та диплом олдим.

Аммо 1987—89 йилларда кўзларим тўсатдан яна хиралашиб, кўзларим қизий бошлади. Ҳатто кечалари кўзларимни совуқ сувга тикиб ўтирар эдим. Кўз касалхонасига ётдим. Виллоят марказидан диагноз қўядиган аппарат билан бир рус йиғит келди, у рус тилида менга сизда кучли бионур бор, мутахассисга юбораман, деди. Башоратчи айтгандай, бир ҳақиқий инсонга турмушга чиқдим. Аввал ўғил, кейин қиз фарзанд кўрдим. 27 ёшимда табиб бўлиб, эл ардовига тушдим. Дуолар олдим. Топганимни эл билан баҳам кўрдим.

Аммо 2010 йилда жиянимни Навоий шаҳрига УЗИ апаратыга олиб бордим. Опа, ўт халтангиз умуман ишламайди, ичи тўла майда тош, жигарингиз шишган, деди. Самарқанд шаҳрига бордим. Улар ҳам ўтни олиб ташлаш керак, акс ҳолда ёрилиб кетади, дейишди. Бу гаплар асабимга таъсир қилди, шекилли аҳволим ёмонлашди. Намоз ўқий олмай қолдим. 10 қадам пиёда юролмайман. Худога ёлвордим: эй, бор Худо, ҳаётим давомида шунча синов бердинг, лекин ҳар сафар бировни сабабкор қилиб, тив тагидан омон қолдим. Онам

икки марта сабаб бўлди. Ҳамма аъзоларимни бус-бутун қилиб яратдинг, ҳузуринга шу бутун аъзоларим билан боришни насиб эт, деб ёлвордим. Бир танишим «Эргаш ота» масканида 3 маротаба даволаниб, ҳатто, бачадонидан миома тушганини айтди. Ва мени бу ерга олиб келди.

Мана 8-малҳамдан кейин бутунлай ўзимни қушдай енгил ҳис қилишман. 53 йил давомида таблеткалар, уколлар, химикатлар таъсирида танамга йиғилган тузлар, 7—8 дона қурт, жигар қуруми, 2 дона данак катталигида 15—20 дона нўхат катталигида, соң-саноқсиз мон катталигидаги тошлар узлуксиз равишда тушганини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳам руҳан, ҳам жисмонан сезиб турибман ўтимда ҳеч қандай тош йўқ. Худо хоҳласа, уйдаги бир ойлик парҳездан кейин УЗИ апаратининг олдинги ва сизнинг муолажаңгиздан кейинги натижасини сизга тақдим этаман.

Бердиқул укажон, қисқа қилиб сизга икки дунё саодатини тилайман. Ҳар куни дуо қиламан. Ҳаётимда учинчи марта сиз мени тив тагидан олиб қолдингиз. Бу ҳам Худонинг инояти. Бундан кейин Оллоҳ умр берса, 1—2 йилда бир маротаба албатта даволанаман. Сизнинг ҳам самарқандлик эканлигингиздан фахрланаман.

Бердиқулжон, Оллоҳнинг тошу-тарозиси бор. Мен дардан фориғ бўлдим. Сиз ҳақингизда республиканинг таниқли газеталаридан бирига мақола ёзишни ният қилдим. Токи менга ўхшаган минглаб қийналиб юрган инсонлар Сиздан шифо топишсин. Илоҳим онангизнинг умрлари узоқ бўлсин. Оллоҳ Сизни ҳеч қачон ўзидан ўзгага муҳтож қилмасин.

Салом билан пахтачилик табиб опангиз
Руқия ХЎЖАМҚУЛОВА.

Учинчи бўлим

**ОШҚОЗОН ВА
ИЧАКЛАРДАГИ
ХАСТАЛИКЛАР**

«ОВҚАТЛАНИШДАН ДЕЯРЛИ ТЎХТАГАНДИМ»

**Мария РАҶИМОВА (Қашқадарё вилоятининг
Чироқчи туманидан):**

— Мен бу масканга илк бора 2013 йил 27 август куни келганман. Унгача бир йил қандай яшаганимни эсласам, ҳозир ҳам қўрқиб кетаман. Ичимга ҳатто бир қултум сув кирса ҳам, бир тишлам нон кирса ҳам қаттиқ овриқ бошланарди. Аҳволим кундан-кунга ёмонлашиб борарди. Қарши шахри шифокорларига кўрсатсам, ташхис қўя олишмади, барча анализлар соғлом деб қўрсатди.

Тошкентга бориб Тошкент тиббиёт академиясида турли анализлар топширдим. Ҳеч қайси шифокор, менга овқат ея олмаслигим ичакларимдаги қаттиқ шамоллашдан деб айтмади. Улар бачадонимни текшириб, онкологияга жўнатишди. Анализларим у даражада қўрқинчли чиқмади, фақат кучли шамоллаш бор, дейишди. Ҳайз кўрмай қўйгандим, буни климаке эрта бошланганидан деб айтишди. Тошкентда икки курс муолажа олдим. Лекин аҳволим ўзгармади.

Кейин Самарқандга бордим. «Бионур» деган аппаратини мақташган эди. У ерда ҳам аниқ ташхис қўйиша олмади. Бир йилда олти ой тинимсиз укол олганман. Овқатланишдан деярли тўхтагандим. Жуда озиб кетганимдан ҳар бир суягимни санаса бўларди.

Шундай кунларнинг бирида «Эргаш ота» тиббий маркази ҳақида эшитиб қолдик. Акам шифокорлар билан маслаҳатлашганда, унга «Агар уёққа олиб

борсангиз, очликдан синглингизни насилкага солиб, олиб келасиз», деб қўрқитишибди. Лекин, қўнглим шундан илинж топгандек, ана шу даргоҳга талпинди.

Акам билан бирга келдик. Бердиқул ака қабул қилди ва муолажа бошлади. Акам уч кун менинг аҳволимни кузатиб, очликдан йиқилиб қолмасмикан деб қўрқиб турдилар. Аксинча, мен кундан кун кучга тўлиша бошладим. Икки кундан кейин, ичимдан ҳар хил тошлар туша бошлади. Кечаси билан юз элликталаб тош тушди ўзиям. Ўн беш кунга ёзилган эдим. Бердиқул ака «Чиданг, опа, пулингиз бўлмаса ҳам кетманг, кейин тўласангиз ҳам майли», деб олиб қолди. Бир ой даволандим. Шу кунлар ичида ичимдан опноқ шилимшиқ пардалар, икки-та қип-қизил гўштдек нарса тушди. Ўзимни жуда ҳам енгил ҳис қилдим. Ҳайз кўра бошладим.

Мен аҳволим оғирлигидан, ҳатто, ўлимимга ҳам рози бўлганман. Одамлар мени ўлдига чиқаришган. Ҳатто, турмуш ўртоғим ҳам нафас оляптими-йўқми, дея қўрқиб турардилар. Учта болам, айниқса, икки ёшли кичкина қизчамга раҳмим келарди. Онани фарзандларига қайтаришдан савоб иш борми дунёда?!

Шифокоримиз дунё тургунча турсинлар, илоҳим!

«МУТАХАССИСЛАР КАСАЛЛИК АЛОМАТЛАРИНИ ТОПА ОЛИШМАДИ»

Фируза АБДУЛЛАЕВА (Бухоро вилояти Пешку туманидан):

Касаллигим ошқазон ости бези кистаси. Бухоро вилояти Онкология маркази УЗИси, кейин Тош-

кентда МРТ компьютер ашарати орқали ҳам шу тахис тасдиқланди. Кистанинг ҳажми 7—8 см эди. Врачлар бу катталиқдаги кистани дори-дармон билан даволаб бўлмайди, чораси операция, деб айтишди. Лекин онажоним мени «Эргаш ота» тиббий марказига олиб келдилар.

Шу йили 27 апрелдан 21 майгача даволандим. Парҳезларни сақлаб, бир ойдан кейин яна аппаратга тушганимда аввалги касаллик аломатларини топа олишмади мутахассислар...

«ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАҚДАГИ ЯРАГА ДАВО ИЗЛАБ КЕЛДИМ»

Саттор ГАДОЕВ (Бухоро вилояти Жондор туманидаги Луқмон қишлоғидан, 1954 йилда туғилган):

— «Эргаш ота»да уч мартаба сарғайма бўлган жияним даволаниб соғайиб кетгач, менинг ҳам ихлосим ошиб, келишга аҳд қилдим.

Аслида ўзим иккинчи даражали юрак стишмовчилигидан узок даволаниб, яхшиланиш ўрнига ўн икки бармоқли ичагимда яра ортгирдим, чап буйрагимда тош пайдо бўлди, яна шу буйрагинг бужмайган дея тахис қўйинди. Сурункали простатит сабабми, пешоб азоб билан чиқарди. Қисқаси, шуларнинг ичидан бири -- ўн икки бармоқли ичақдаги ярани даволаш учун келдим.

Учинчи малҳамдан кейин тана ҳароратим кўтарилиб беҳузур бўлиб, олма шарбати ҳам ичолмай қолдим. Туни билан ваража қилиб чиқдим. Ярим тунда пешоб орқали азоб билан нималардир (тош

бўлса керак) тушди. Тўрт кун ўтгач, гаршокда 2 сантиметр яшил тошлар қум каби тушди. Шундан кейин енгиллашдим. Юрак оғриқлари ҳам йўқолди. Чап буйрагим ҳам яхшиланди.

Шу-шу парҳез билан соғлигимни асраб юришга ҳаракат қиламан. Саккиз йилда еттинчи келишим. Шифокоримизга худо қувват ато қилсин!

«ДУНЁ КЎЗИМГА ЧИРОЙЛИ КЎРИНА БОШЛАДИ»

**Ҳалима ЖАЛИЛОВА (Навой вилояти,
Қизилтепа туманидаги Комсарой қишлоғидан.
1954 йили тугилган, фермер):**

— Ошқозон гастрити, ўт касалликлари билан 1985 йилдан буён туман шифохоналарида узоқ даволандим. Охир-оқибат уколлар ҳам аллергия бера бошлади. Ҳаловатим йўқолиб, мадорим қуриди. Бир дугонам, эртага операция қиламиз деганда, бу ерга келиб даволаниб, ўтидаги тошини тушириб кетганди. Уни кўриб, гапларини эшитиб ишончим ортиб, умид билан келдим. Дўхтир ўтда тош, ошқозонда, ўн икки бармоқли ичакда яллиғланиш бор, дея касалимни яшириброқ айтди, шекилли. Ўнинчи малҳамдан кейин қайт қила бошладим. Бир куни жуда ёмон аҳволда қолдим — қусаётганимда оқ пардага ўралган ёнғоқдай қаттиқ нарса тушди. Ичини очсам йиринг экан. Дўхтирга кўрсатиш хаёлимга келмабди. Ҳали ҳам сўраганим йўқ. Кейин ўтдан, жигардан тошлар, қурумлар ва яна тузлар ҳам тушди. Буларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганман.

Аёлнинг кўзи ёриганда дунёга ўзгача кўз билан қарайди. Мен ҳам улардан халос бўлгач, худди шу кайфиятга тушдим. Дунё кўзимга чиройли кўрина бошлади. Ҳар олти ойда профилактика учун бир марта келиб, даволаниб кетаман.

МАЛҲАМ НАПОЛНЯЕТ ЗДОРОВЬЕМ И ИСЦЕЛЯЕТ

Виктор Риттер, Нюрнберг (Федеративная Республика Германия):

— Клиника «Эргаш ота» известна не только в Узбекистане, но и за рубежом. Лечусь здесь не впервые. На этот раз приехал в целях профилактики не один, а вместе с близкими друзьями. Они, воочию убедившись в хороших результатах лечения, после моего возвращения домой, тоже последовали моему примеру. Врач, как и всегда, принял нас тепло и радушно.

Хочу обратить внимание на один немаловажный факт. Лечение в клинике «Эргаш ота» проходит в два этапа: диагностика и лечение. Для сравнения приведу в пример страны Европы, в одной из которых живу и сам. Первый этап, то есть диагностика занимает немало времени, так как порой приходится ходить от одного врача к другому, ждать ответов сданных анализов. К тому же обследования, как правило, дорогостоящие. Теряешь много времени и сил, при всем при этом счастье, если вам поставят правильный диагноз. Выписывают большое количество препаратов, многие из которых наносят непоправи-

мый ущерб здоровью. А у доктора Эргашева эти два этапа проходят по времени в один этап. Во-первых, диагностика бесплатная и проводится доктором Эргашевым в считанные секунды, на основе которой врач определяет диагноз и объясняет причины, которые способствовали развитию выявленных заболеваний. Во-вторых, лечение подбирается врачом индивидуально, исходя из состояния здоровья пациента и степени тяжести заболевания, и проводится под его строгим контролем. Ежедневно доктор Эргашев сам готовит чашу целебного малхама и дает выпить его лично каждому пациенту.

С радостью хочу отметить еще один факт. Доктор Эргашев относится ко всем пациентам одинаково, вне зависимости от его происхождения, материального благосостояния, узбекистанец ли он или иностранец — каждый получает полную чашу целебного малхама. В странах Европы же система здравоохранения построена так: для богатых и бедных.

В этот приезд привез в знак благодарности доктору Эргашеву небольшую чашу, символизирующую для меня ту самую чашу с исцеляющим малхамом. Всевышний наполнил душу доктора светом, которым он делится с нами, подобно тому, как чаша с чудодейственным малхамом наполняет нас здоровьем и исцеляет. Всегда охотно и с радостью захожу в кабинет доктора выпить очередную чашу малхама, получить такую доброту души, которую мы можем получить только от отца.

С особой благодарностью хочу обратиться и к медицинским работникам клиники за их терпение, 24-часовую работу о нас.

Желаю вам здоровья и процветания!

ҲАЁТДАН УМИДИМНИ УЗГАНДИМ



«Эргаш ота» тиббиёт маркази, унинг бош шифокори ҳақида ҳаётнинг барча неъматларидан баҳраманд бўлаётган мен каби собиқ беморлар мароқ билан гапиришлари аниқ. Ахир, бу ерда кўрганларим мўъжиза-ку! Масалан, ўзим ҳам касаллик туфайли бу дунёдан умид узган одам эдим...

Мен, Эркин Тангриев 1960 йил Қашқадарё вилояти Касби туманининг Майманоқ қишлоғида туғилганман. 1998 йил май ойида хасталаниб, туман касалхонасига мурожаат қилдим. Врачлар 12 бармоқли ичак ва ошқозонда касаллиги бор, деб ташхис қўйишди. 20 кун касалхонада даволандим. Шундан кейин 1998—1999-йилларда 3 марта, жами 70 кун даволандим. Лекин ҳеч қандай наф топмаганимдан кейин, Қашқадарё соҳилидаги санаторияда 20 кун даволандим. Соғлигим ёмонлашиб боравергач, Қаршидаги «Тез ёрдам» марказига мурожаат этдим. Бу жойда ҳам мени 20 кун даволашди. Соғлигим яхши бўлиш ўрнига 2001 йил июнь ойидан баттар ёмонлашди. Оғирлигим 125 кило эди. 2001 йилга келиб 90 килога тушди. 2002 йил Тошкентдаги «Минвода» санаториясида 20 кун даволандим. Бу жойдаги даволанишим узоққа чўзилмади. 15 кун ўтар-ўтмас, соғлигим ниҳоятда оғирлашиб, уйга қайтдим. Аҳволимни кўрган қариндошлар Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги «Омонхона» сана-

бўлиш ўрнига мени «насилка»да Қаршига олиб келишди. У ерда ҳам нажот бўлмагач, энди касалим тузалмайди, тақдир экан, мени уйга олиб боринглар, деб айтганим ҳам рост.

Беш нафар фарзандим бор. Уйга дўстлар, қариндошлар йиғилишди, аҳволимни уларга айтдим ва ўзимни тута олмай йиғладим, оғайнилар энди мендан ўтган бўлса кечиринглар, дея рози-ризолик сўрадим. «Сизлардан бир илтимосим бор. Хотинимга оғир бўлмасин, бўй етган қизим ва ўғлим бор. Шуларни иложи бўлса, уйли-жойли қилсам, кейин нима бўлса пешонамдан кўрарман», дедим. Тўпланганларнинг ҳаммаси кўз ёши қилиб, болаларим ўзини устимга ташлаб, отажон бундай деманг, дея додлаб йиғладилар. Укам ҳам йиғлаб, «Акажон, ноумид шайтон, дардни берган худо шифосини ҳам берар. Ахир, бизлар тирикмиз, ҳали бошқа врач-табибларга олиб борамиз, худо хоҳласа», деб менга далда бердилар.

Лекин ўзимга ишонмадим, чунки озиб-тўзиб 70 килога тушиб қолгандим. Гавдамни кўтара олмас эдим. 2003 йили ўғлимни уйлантирдим. Энди яшамаслигим аниқ бўлиб қолгандай эди. Кўришга келганлар худди мен билан видолашаётгандай туюларди. Худога илтижо қилиб йиғлар эдим. «Э Худо, мени бунча қийнамасанг, оладиган бир жон керак бўлса олақол, чунки сен мени айтганимни ҳисобга олдинг. Қолган икки фарзандимни ҳам уйли-жойли қилдим. Энди уларни онасига, уни эса сенга топшираман, Худойим», деб ҳаммасига рози бўлдим.

Аҳад Сувонқулов деган дўстим Самарқанддаги «Эргаш ота» шифохонасига келиб, даволаниб борган

экан. Менинг аҳволимни эшитиб, кўришга келди. Эркин ака, мен сизни «очлик» билан даволайдиган шифохонага олиб бораман, деди. Аҳаджон, ҳамма жойга бордим, қўй энди Худодан кўраман, дедим.

Ҳар вақтда сув ичаман, ичган сувимни ҳам қусаман. Ҳаёт билан худди хайрлашаётгандайман. Ҳолжонимга қўймасдан, ҳамма фарзандлар, қон-қариндошлар йиғлаб, Самарқанддаги «Эргаш ота» шифохонасига кузатишди. Вилоят, туман касалхонасидагидай, «аппаратдан ўт, анализ топшир», дейишса керак, деб ўйладим. Анализ тайёр бўлгунича узоқдан келган мендай бемор у дунёга равона бўлади, деган хаёлга бордим.

Мен билан келган уч киши бош шифокор қабулига икки қўлтивимдан олиб киришди. Бош шифокор қўлимни, тилимни кўриб, 12 бармоқли ичак яллиғланиб қолганлигини, ошқозонда яра борлигини, буйрагим касалланганини айтди. Мени иккинчи қаватдаги 23-палатага жойлаштиришди. Акам, қариндошлар: «Сен билан бирга касалхонада ётамиз», дейишганди, Бердиқул ака: «Менга ишонинглар, қарайдиган одамларимиз бор. Мен Эркин акани даволаб, қўлларингизга топшираман, ишонинглар», деб айтганларида мен акамга ва қариндошларимга қараб додлаб йиғлаб юборганман, улар ҳам йиғлаган.

Бердиқул ака мени даволашга киришдилар. Бошлашишида ниҳоятда оғир бўлди. Мен кетишга ҳам рози бўлдим, лекин Эргашев менга ошқозондаги яралар, ичакдаги яллиғланишлар секин-аста ўз йўлига тушиб кетади, деб айтар эдилар. Етти кун жуда кучли оғриқ берди. Ҳатто «мени олиб кетинглар», деб уйга телефон ҳам қилдим. Буни қарангки, шу кун оғриқ қолди.

Ўн уч кун деганда Эргашев қўлимни кўриб, ил салингиз 70 фоиз тузалибди, деб айтди. Қишлоқ дан келган қариндош-уруғлар ҳам бу гапни эши тишди. Эркин ака соғайибди, деган овоза тарқалди. Чунки қишлоқдан келган бир киши 5-куни менинг аҳволимни кўриб, уйга бориб, соғайишини худо била ди, тайёргарликни кўринглар, деб хотинимга айтган экан. Қариндошлар мени кўришга йўлга чиқишган. Келсалар, аҳволим анча яхши. Менга Бердиқул жами 40 кун даволанасиз, деб айтганди. 24 кун деганда ўзимни жуда яхши ҳис қилиб, уйга боришга рухсат сўрадим. Мен 62 кило вазнда уйга бордим. Мени фақат турмуш ўртоғим ва болаларим, ака-укам та ниди, холос. Майли ҳеч ким танимаса ҳам розиман, Худога минг бор шукр, анча тузалиб қайтдим. Кўриш га келганларнинг барчасига Бердиқул Эргашев ҳақида гапириб бердим. Мени ўлганга чиқарган врачлар ҳайрон қолиб, орқа-олдимдан Эркин ака қандай қилиб тузалибди, деб сўрашаркан. Мени оиламга қайтар ган шифохонага бизнинг жамоа хўжалигидан 500 нафарга яқин бемор келиб, тузалиб кетди. Орадан бир йил ўтди. 2006 йил 14 март куни яна «Эргаш ота» шифохонасига келдим ва даволандим. Худога шукр қиламан ва «Эргаш ота» шифохонасидагилар дан миннатдорман, уларга минг бор раҳматлар айта ман. Яхши кунларимда дастурхон бошида, байрам кунларида «Эргаш ота» шифохонасининг раҳбари Бердиқулга омад, соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилаб Худога илтижо қиламан».

Муаллифдан: орадан икки йил ўтгач, биз ушбу хат муаллифи Эркин ака Тангриев билан юзма юз учрашдик. Ҳол-аҳвол сўрадик.

ри овқат ейиш муаммо эди, ҳозир иштаҳа жуда яхши. Янгангиз кўп овқат ейиш яхши эмаслигини билади-да, шу боис менга камроқ енг, деб огоҳлантириб туради. Қисқаси, бу ерда даволангач, дастлабки уч ой ишламадим, бола-чақамга иш буюриб назорат қилиб юрдим. Ундан кейин эса ишга шўнғиб кетдик. Узоқ ўлкаларга бориб, қурилишда ишладим. Ўзимизда ҳам овирми, енгилми, ҳар қандай ишни бажаравердим, ер чоңдим, бир халта буюдойми, арпами кўтариб кетавердим. Ишлаб топганимга иккинчи ўғлимни уйлантирдим. Берилган янги ерга катта ўғлимга уй қурдим. Юқоридаги хатимда вазним 62 килога тушганлигини айтгандим. Бугун мана эт йиғиб, вазним 97 килога чиқди. Ўзимни қушдек енгил ҳис қиламан (бировлар учун бу жуда овир вазн бўлса-да, Эркин аканинг бўйи қарийб икки метрлигини ҳисобга олсак меъёрда эканлиги маълум бўлади. — *Муаллиф.*).

— Ўзимни яхши ҳис қилиман, дедингиз. Унда яна шифохонага келиндан мақсад нима?

— Бундан буён ўзимга қараб юришга аҳд қилганман. Бу гал дард билан эмас, профилактика мақсадида келдим. Мана, бугун ўн тўртинчи куни уйга қайтпман. Бошқаларга ҳам профилактика учун келиб даволаниб туришни маслаҳат бераман. Биз ҳамон дастурхон атрофида фотиҳага қўл очганда Бердиқулжонни дуо қилиб турамиз. Бахтимизга соғ бўлсин.

Тўртинчи бўлим

**БУЙРАКДАГИ ТОШНИ
ЖАРРОҲЛИК
АМАЛИЁТИСИЗ
ТУШИРИШ
МУМКИНМИ?**

*Ёхуд буйракдаги қум, туздан ва бошқа
хасталиклардан халос бўлиш йўллари ҳақида*

«БИТТА ҚОЛГАН БУЙРАГИМДА ҲАМ ТОШ ПАЙДО БЎЛГАНДИ»

Омонкул САНАЕВ (Каттақўрғон тумани Сепки қишлоғида яшайди. 1941 йили туғилган):

— Мен халқ таълими соҳасида 43 йил ишлаб, оддий ўқитувчиликдан мактаб директори лавозимигача бўлган жараёни босиб ўтганман. Хизматим учун «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланганман.

1994 йили 11 февралда тобим қочди, Самарқанд шаҳридаги иккинчи клиникада батафсил текширишгач, ўнг буйрагимни қум ва туз бутунлай қоплаб, буйрагим 25 см.га узунлашиб, ишламай қолганлиги маълум бўлди ва жарроҳлик йўли билан олиб ташланди.

Майли битта буйрак билан яшаётган одамлар борлигини эшитиб, ҳаётга кўника бошлаганимда, қолган яккаю ягона буйрагимда ҳам оғриқ кўзгалди. Текширтирганимда бунисида ҳам 1,5 сантиметрли тош пайдо бўлганлиги аниқланди. Яна ўша врачларга мурожаат қилдим, улар бу тошларни фақат жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш мумкин, аммо даволаб бўлмайди, деб кўрсатма бердилар.

Қаттиқ изтиробда қолдим. Шу тушкун кайфиятда тинимсиз оғриқлар қийноғида 1995 йилнинг 20 июлигача азоб чекиб юрдим. Шундай кунларнинг бирида Каттақўрғон шаҳрида мен каби касалларни операциясиз даволайдиган дўхтир чиқибди, деган овоза тарқалди. Бердиқул акани топиб, касаллик тарихимни айтиб бердим. У мени тинглаб, тушунтириб, руҳан кўтариб, бу тошларингизни жарроҳлик усулисиз тушириб бераман, деб ишонтирди.

ладим. Малҳам ича бошлаганимга беш кун бўлди деганда сийдик билан бирга майда қора-сариқ рангдаги тузлар туша бошлади. 30 кун давомида банка остида анчагина қум йиғилди. Буни ўзим йиғиб, ишониб, қувониб, анча енгиллашиб 35 кун деганда врачнинг рухсати билан уйга қайтдим. Икки ойдан кейин келишимни тавсия қилганди, шу йил декабрь ойида келиб, яна 25 кун даволандим. 1996 йил март ойида яна 20 кун муолажа олдим. Худога шукрки, буйрагимдаги 1,5 смлик тошлар бутунлай йўқолди. Ўзимдаги енгиллик, тетикликдан, ишондимки, ягона буйрагим билан бўлса-да, соғлом одамлар қаторига қўшилдим. Ўшандан буён бу йигитни ҳар доим дуо қилиб юраман.

Врачнинг тавсияси билан ягона буйрагимнинг соғлом ишлаб туриши учун 1998 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта 2006 йилгача профилактика учун даволаниб турдим. Охирги марта 2012 йил май ойида бу даргоҳда бўлдим. Шунча йиллар давомида унинг овозаси бутун дунёга, ҳатто, медицинаси ривожланган Европа давлатларида ҳам маълум бўлганлиги сабабларини мен ўзимда синаб кўрганман.

Тилагим — унинг бундай муваффақиятли парвози ҳеч сўнмасин!

«ИККИ ОПЕРАЦИЯДАН ҚУТУЛИБ ҚОЛДИМ»

Муҳаммаджон РАЖАБОВ (Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Олтин Тепа маҳалласидан. 1946 йилда туғилган):

— Тошкент шаҳрига 1985 йилда Озиқ-овқат ва енгил саноат вазири таклифи асосида аввал бўлим бош-

зир маслаҳатчиси лавозимларида 2012 йилгача ишлаганман. Иш жараёнида бир неча марта Америка, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Бразилия, Россия, Украина, Беларуссия, Молдавия ва бошқа давлатларда бўлганман.

Лавозимда бўлганим учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли клиника ва стационарларда республиканинг таниқли шифокорлари даволашган. Докторлардан жуда кўп танишларим бор. Аммо 2012 йилнинг 11 февраль кечаси соат тўртларда буйрак овриғидан тинчим бузилди. Тез ёрдам чақирилиб биринчи ёрдам берилди. Лекин чап буйрагимдаги қаттиқ овриқ чидаб бўлмас даражада эди. Эртасига поликлиникага бориб УЗИ қилинганда чап буйракда 0.9x1.0 см катталиқда тош кўчиб пешоб йўлида тўхтаб қолганлиги маълум бўлди. Бир ҳафта давомида қилинмаган укол, ичилмаган дори-дармон қолмади, лекин фойдаси бўлмади. Бир ҳафтадан кейин Тошкент шаҳар 1-сонли касалхонанинг урология бўлимига бордим, яна УЗИ, рентген қилинди, буйракдан чиққан тош пешоб йўлига 9 см кириб, тиқилиб қолган. Ҳафта давомида касалхонага қатнагач ҳам натижа бўлмади. Чап буйрак иш фаолиятини тўхтатди.

Менинг ҳолатимни бу дардни бошидан ўтказган кишигина яхши англайди. У ердан Республика урология марказига жўнатишди. Яна УЗИ, рентген... Операция қиламиз, лекин икки марта операция бўлади, дейишди. Биринчисида операцияда планг улаб «баклашка»га буйрак ишласа пешоб йивилади, дейишди. Иккинчисида буйрак ишлагандан кейин лазер билан тошни парчалаб пешоб йўлидан чиқаришларини айтишди. Опе-

сига рози бўлганимдан кейин тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказишди. Натижада юракда бир оз камчилик бор, деб шаҳардаги 15-шифоҳона — Кордиология марказига юборишди. У ерда яна бир ҳафта даволашди. (Ҳамма даволанишларга жуда кўп маблағ кетган, лекин соғлиқни пул билан ўлчаб бўлмайди).

Даволанишлар тугагандан кейин урология марказига боргач, эртага келиб ётасиз операция кунини белгилаймиз, дейишди. 2012 йил 13 мартда операцияга тайёр бўлдим. 14 мартда кўнглим вап бўлиб уйғониб, операция қилдирмайман деб туриб олдим. Оилам ҳам бошқа чораларни сўраб-суриштирганда энди, Каттакўрғонга, «Эргаш ота» тиббий марказига борамиз, деди.

Улув инсон, халоскорим Бердиқул Жўрақуловичга аҳволни телефонда тушунтириб, 15 мартда «Эргаш ота» тиббий марказига жойлашдик. Доктор қабулига жуда кўп олинган даволар қоғози, УЗИ натижаси, рентген расмларини олиб кирдик. Бердиқул Эргашев уларга қарамасдан, ўзи ташхис қўйиб, 16 кун ётасиз, худо хоҳласа шифо топасиз, деди.

Саккизга малҳамни ичгандан кейин шу марказнинг УЗИ кўригидан ўтганимда иккала буйрагим ишлаётгани, жигардаги ёғ босган жойлар очилгани, ўт қоли тозалангани аниқланди. Бу сўзларни эшитиб, кўзларимга ёш келди, оллоҳга шукур, шифо топган эдим. Тошкентга борганда яна уч жойда: поликлиникада, 1-шаҳар шифоҳонасида ва Тошкент тиббиёт академиясида кўриқдан ўтдим. Урология марказига бордим ва ўша ерда яна бир бор кўриқдан ўтиб, мени операция қилман, операциядан бошқа иложи йўқ, деган тиббиёт фанлари номзоди олдига кирдим. Натижаларни кўриб,

ди, буйрак қандай ишлаб кетди, деб қайта УЗИ қилдирди... Нималарни ўйлади экан-а у?

Бердиқул Жўрақуловичнинг тавфсиясига асосан мен 4-мартга келиб шифо олмоқдаман. Худога шукур, сов-саломат юрибман. Мингдан минг ташаккур!!!

Мендан олдин ёзилган олқишларга юз фоиз қўшиламаман ва ўзимдан бир фикрни сизларга ҳавола қиламан. Мен учун Бердиқул Жўрақулович ҳозирги замон Ибн Синоси. Оллоҳдан сўраганлари доимо ижобат бўлсин.

«ОФРИҚ СЎЗИНИНГ «О» ҲАРФИ ҲАМ ҚОЛМАДИ»

Зухра НАЗРУЛЛАЕВА (Тошкент вилояти Пискент туманидан):

— Мен ўқитувчиман. Кўп йиллардан бери буйрагим хуруж қилар эди. Ҳар олти ойда, баъзан йилда уч марта лаб даволаниб чиқардим. Лекин олган муолажаларимнинг кучи олти ойда ҳам етар-етмай яна қаттиқ хуруж боиланарди. Шу сабаб яхши кўрган ишимни ҳам таплаганга мажбур бўлдим. Офриқнинг зўридан деворларни тирновим билан ўйган пайтларим бўлган, танамдан тер чиқиб, оёқ-қўлим музлаб, қалтирар эди. Ошқозоним ҳам яхши ишламас, қорнимни букиб турсам, ичимдан тиниқ сув чиқарди, баъзан бир-икки томчи қон ҳам тушарди. Бир пиёла овқатни зўрға чайнаб, ютардим. Пешоб ҳам томчилаб келар эди. Қўлларимда умуман сезги қолмаган эди, ҳатто ишни тута олмасдим.

Турмуш ўртоғимга кунда ўлимимдан сўнг бешта боламга яхши қарашини айтардим. Докторлар сурун-

жа қилиб кўришди. Миллионлаб пул сарфладик. Қўлоёвим уколдан илма-тешик бўлиб кетганди. Бошқа касалларим ҳақида эса, ҳеч бир шифокор гапирмаган. Орадан бир неча йиллар ўтиб, буйрагимда тош аниқлашди. Қудамиз менга «Эргаш ота»га бориб, кўпчилик дарддан шифо топиб кетаётганини айтиб қолди. Ўз кўзи билан кўргани учун унга ишониб бу ерга келдим.

Шу пайтгача шифокорлар менинг фақат буйрагимгагина эътибор беришар, фақат буйракни даволашар эди. Бердиқул ака менда касалликлар гулдастасини санаб, ҳаммаси бир-бирини даволамаганликнинг оқибатида келиб чиққан «24 кун ёта оласизми онахон? Худо хоҳласа тузалиб кетасиз. Уч йил келсангиз отдай бўлиб кетасиз», деди.

Муолажанинг дастлабки кунлариданоқ тошлар ёмғири ёға бошлади. Бир куни клизмада бир ҳовуч кўм-кўк тошлар тушди. Суюнганимдан текширувчига кўрсатаман деб докага ҳаммасини териб олдим. Докани эзгандим тошдан сув чиқди. Нима бўлар экан деб қизиқиб, суви қолмагунча сиқдим. Кейин раковинага ташладим, орадан ўн беш минут ўтмай мен ташлаган пластилинга ўхшаган нарса қаттиқ тошдек қотиб қолди. Ҳампира бу ўт халтасида йиғилган тош деди. 12-куни кучли оғриқ билан тушган бинтга ўхшаган юпқа пардалар, орасида майда-майда қон томирчалари ҳам бор эди, текширувчилар жигардаги рақ пардаси деб айтишди. Хуллас, 24 кун ичида мен қайтадан онадан туғилгандек енгил бўлиб уйга кетдим. Ҳар йили бир марта келиб, даволаниб турдим. Ишонинг, сўнгги уч йилда менда оғриқ сўзининг «о» ҳарфи ҳам қолмади.

Раъно ҚАРШИЕВА (Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳридан):

— Мен ҳаддан ортиқ азобли бел оғривига йўлиққандим. Кучли гинекологик шамоллашим ҳам бор эди. Қилмаган дори-дармоним қолмаганди. Ўн кунда 200 минг сўм сарфлаб даволансам, бир ҳафтадан кейин яна азоб бошланар эди. Оғриқ кучлилигидан, бутун умуртқа соҳаси қақпар эди. Умуртқамни томография қилдириб, қайси докторга кўрсатмай, улардан соғломсан деган жавобни эшитардим.

Қон, сийдик таҳлилларидан сўнг, тузинг бор, пиелонефрит, дейишди. Лекин бу борадаги даволанишлардан ҳам оғриқ қолавермагач, шифохона деган жойдан кўнглим қолиб кетди. Ўзимга қарашни ҳам хоҳламасдим. Танамда шиш бошланди. Кўрганлар ҳомиладор деб ўйлай бошлади, қисқа муддатда қўл, оёғим ҳам шишиб, ҳаракатланиш жуда қийин бўлиб қолди. Вазним тўқсон килога етди.

Оғриқнинг зўридан, бирдан-бир хаёлим, ўлиб қолсам, болаларим кимга қолиши эди. Самарқандда кўрсатмаган профхессорларим қолмади. Буйрагим десам, буйрагинг соғлом, умуртқам десам, умуртқанг ҳам соғлом, деб ҳеч ким аниқ тапхис қўя олмади. Клиникаларнинг бирида бир миллион икки юз минг сўм пул тўплаб келсанг, ҳамма жойингни текшириб, касалингни аниқлаб, кейин муолажа қиламиз, деб айтишди. Ўша пайт иқтисодий шароитимиз ҳам яхши эмасди.

Бердиқул аканинг шифо масканлари ҳақида эшитгандим. Қабулга келдим. Жой йўқлиги учун февраль

ўйлаб таскин топардим. Адашмаган эканман...

Февраль ойида келиб, 20 кун даволандим. 7—8-кунда холестерин тошлари тупа бошлади. Ўн иккинчи куни клизмадан кейин жигаримда қаттиқ оғриқ турди. Даҳшатли оғриқ. Тонг саҳарда 5—6 см келадиган оппоқ капронга ўхшаган пардалар тушди. Ўша кундан аҳволим кундан-кун яхшиланиб бораверди.

90 кило билан келиб 78 кило бўлиб, енгиллашиб уйимга, уйимгагина эмас, ҳаётга қайтдим. Ўлим ҳақида ўйлашни бутунлай тўхтатдим. Аввало, касалман деб ҳар куни хўжайинимни қийнаб ҳам юборгандим. Бугун бахти тўкис аёл эканлигимни ҳис қилияпман.

Шифокоримизга мингдан-минг раҳмат!

«ЮРТИМИЗДА ШУНДАЙ ҲАКИМ БОРЛИГИДАН ФАХРЛАНАМАН!»

Турсуной ТЎРАЕВА (Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё туманидан):

— Мен бу шифохонага келгунимгача узоқ вақт тўшакка бутунлай миҳланиб ётиб қолган эдим. Қорақалпоғистондаги барча шифохоналарда мени танишар эди. Ётиб қолишимнинг сабабини билмасдим. Шундан сўнг Тошкентга бордим. Барча текширувлардан ўтдим. Компьютер томографиясига тушдим, уч жойимдан грижа аниқлашди: 8.5, 4.5, 3.5. Остроехондроз, учинчи умуртқа поғонасида силжиш бор дейишди. Шулар мени етти ой тўшакка миҳлаган экан. Хуллас, Тошкентда муолажа олишни бошладим. Бироқ, бир ойлик дори-дармонларнинг фойдаси тегмади.

Нукусга қайтиб келиб, грижамни олдириб ташлаш мақсадида беш кун тез ёрдамда ётдим. Лекин доктор-

қон босимингиз ҳар улчаганимизда ҳар хил бўлиб турибди. Наркозни кўтара олмаслигингиз мумкин», дейишди. Нукуда жарроҳлик усулисиз даволайдиганлар ҳам кардиологга учрашиб келинг деб, қабул қилишмади. Кордиологларга борсам, юрагим яхшилигини, фақат қон босими билан, грижа қийнаётганини айтишди. Хуллас, қаердан шифо топиш мумкин бўлса, бордим. Табиблар ҳам қолмади.


Бир куни қизимдан дугонасининг ота-онаси даволанган жой — «Эргаш ота» сиҳаттоҳи ҳақида эшитиб қолдим. Тўғриси, бу ерни олдин ҳам эшитгандим, лекин халқ табобатига асосланган жойда шароитлар бу даражада деб ўйламагандим. 2012 йил 23 август куни келганимда жуда оғир аҳволда эдим. Шифокор қабулига кирдим. Истараси иссиқ, эринмайдиган, чарчамайдиган инсон экан. Бердиқул буйрагингизда туз бор, шунинг ҳисобига қон босимингиз чиқади, деди. Сабрли бўлиб, даволансангиз тузалиб кетасиз, деб далда берди. Турмуш ўртовим билан ўн тўрт кун ётдим.

Боса олмай қолган оёғимни босадиган, жойимга ўзим бориб ётадиган, охи-овқатимни ўзим ея оладиган бўлдим. Тўғри ташхис қўйган экан, қон босимим ҳам чиқмай қўйди. Кейинги йили 2 марта келиб, 16, 17 кундан даволаниб кетдим. Мана аҳволим ҳар қачонгидан яхши.

Ҳаётда бундай инсонлар камдан-кам, унинг қадрига етишимиз керак. Уйда Бердиқулжонни эсламаган, дуо қилмаган куним йўқ. Қандай кунларни кўрганман-а... Илоҳим, ҳозиргидек юртимизнинг энг кўзга кўринган шифокорларидан бўлиб юрсин. Юртимизда шундай ҳаким борлигидан фахрланаман!



**Б.Эргашев германиялик эр-хотин
Ханштейнлар билан.**



Жанубий Кореяликлар ҳам қимматбаҳо техникалари билан «Эргаш ота»ни йўқлаб келишди. Клиникада ўрнатилган МРТ аппарати орқали бош миёдаги ўзгаришлар, умуртқа поғонаси ва бошқа аъзолардаги қатор хасталикларни аниқлаб, ташхис қўйиш мумкин.



**Самарқанд вилояти
Гўзалкент тумани
Зормон қишлоғида
яшайдиган
Дилдора Тўхтаевдан
тушган рақ
тўқималари**



**Бухоро вилояти Вобкент
туманидан келган Шаҳоб Шодиев
сурункали геомурулонефрит
(гипертония ва шишли формаси),
гидронефроз, сурункали буйрақ
етишмовчилиги хасталикларидан
муваффақиятли даволанди**

Ева Бартле (Германия давлатидан):



BILIRUBIN TOSHLARI



Мақамтош Зарипова
Самарқанд вилояти
Каттакўрғон шаҳри



тошлари



Дилдора Бекназарова
Қашқадарё вилояти
Косон тумани
Пистали қишлоғи



Холестерен тузлари




Норқул Дутфуллаева
Бухоро вилояти
Шофирқон тумани
Шерий қишлоғи



Холестерин ва билрубин



Орзиқул Ҳамраева
Бухоро вилояти
Бухоро тумани
Даблин қишлоғи



Урат тузлари



Ахрор Тўев
Навоий вилояти
Зарафшон шаҳри



Оксалат тузлари



Ҳиммат Хайруллаева
Бухоро вилояти
Вобкент тумани
Халак қишлоғи



Оксалат тузлари



Бердиқул Эргашев Германиянинг замонавий даволаш усулларини ўрганиб қайтди. Лекин германияликлар унинг даволаш усулини арзон, афзал ва самаралироқ дейишмоқда.



Б.Эргашев германиялик Виктор Риттер хонадони меҳмони.

УСИЗ ҚАЙТДИМ»

Абдушукур НУРАЛИЕВ (Каттакўрғон туманидаги Қўшқовуз қишлоғидан, 1940 йилда туғилган):

— Мен бу даргоҳга ўн йилдан буён келаман. Ўн бир йил аввал врачларнинг ўнг буйрагимда тош, ўт қошида 3 сантиметр тош, жигарда ҳам тошлар борлиги хусусидаги тапхислари, операция қилиш керак, деган хулосаларидан кейин, маслаҳатлашиб, шу ерга келганман. Чунки турмуш ўртовим ўт қопини олдиргач узоқ яшамаганди.

Бердиқулжон, мени кўриб, шўр билан аччиқни истеъмол қилишдан тийилсангиз сизни даволаймиз, деди. Рози бўлдим. Бешинчи малҳамдан кейин қорним, бутун вужудимда оғриқ пайдо бўлди. Кейин буйрақдаги тош саккиз кун давомида етти бўлак бўлиб, пешоб ёрдамида тушди. Ўн кундан кейин оғриқлар кетди. Жами йигирма тўрт кун даволанишим жараёнида йигирмадан зиёд тош тушди.

Ёшим 74да. Шу боис ҳар йили бир келиб, камида ўнга малҳам ичиб, енгиллашиб, қувват олиб, ҳатто, ҳассага таяниб келганимда ҳам уни ташлаб кетаман.

Бердиқулжон яхши инсон. Қўли дард кўрмасин, болаларига бош бўлиб юрсин.

«ЧАП БУЙРАГИМДАН АЖРАЛГАНДИМ»

Исмаи ЯХШИЕВ (Қашқадарё вилояти Қарши тумани Тоштон қишлоғида яшайди. 1980 йили туғилган):

— Болалигимда ҳеч касал бўлмаган эканман. Лекин 15 ёшимда сариқ касалига чалиндим, 17 ёшимда эса буйрагим оғриб қолди. Отам билан УЗИда текшир-

даволандим, лекин натижа бўлмади. Охири операция қилиб, тошга қўшиб чап буйрагимни олиб ташланди.

Орадан олти ой ўтгач, ўнг буйрагимда ҳам овриқ пайдо бўлди. Тошкентга ҳам бориб, бир ой давомида даволандим. Врачлар қўлимиздан келганча ҳаракат қилдик, қолгани худодан, дейишди. Ҳеч қандай ўзгаришсиз уйга қайтиб келдик. Кундан-кунга аҳволим ёмонлашиб бораверди. Энди бўлди, яшай олмасам керак, деган ўйда юрганимда отам мени «Эргаш ота»га олиб келди.

Қисқаси, биринчи марта 50 кун даволандим, икки ой ўтиб яна келдим ва 30 кун малҳам ичдим. Овриқлар кетди, ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Шу-шу ҳар икки йилда бир марта профилактика учун даволашиб кетаман. Бир пайтлар ҳаёт билан видолашган инсон бугун нафақат саломат, балки худо берган фарзандларим, ота-онам, яқинларим бахтини ҳис қилиб юришимга шундай шифокор сабаб бўлганлигини юрагимда алқаб юраман. Мен ва оиламиз аъзолари шифокоримиздан бир умр миннатдормиз.

«ВРАЧЛАР БУЙРАГИНГ ҚУРИЙ БОШЛАБДИ ДЕЙИШГАНДИ»

Миртемир ЁРОВ (Қашқадарё вилояти, Якка-



**боғ туманидаги Эски Яккабоғ ша-
ҳарчаси, «Шар-шар» маҳалласида
яшайди. 1961 йили туғилган):**

— Кўп йиллар автокорхонада тур-
ли раҳбарлик лавозимларида ишла-
дим. Бугунги кунда фермерлик билан
шуғулланяпман. 1996 йили опқозо-
нимдан 4 марта операция бўлганман,

ўрни бор экан, шекилли, шундан кейин турли касалликлар безовта қила бошлади. 2002 йили буйрагимда кучли овриқ турди. Оёқларим, бутун танамда шиш пайдо бўлди. Туман касалхонасида икки ой даволандим, натижа бўлмади. Тошкетга бориб тажрибали нефрологларга учрашдим. Уларнинг тавсиясига биноан даволандим ҳам. Лекин улар иккита буйрагинг ҳам қурий бошлаган, буни медицина тиклай олмайди, фақатгина яхши даволансанг, шу ҳолатда сақлаб қолишинг мумкин, дейишди. Даволанишни давом эттирдим. Лекин кўзларим рўпарадаги одам юзини тўлиқ кўра олмай қолди. «Эргаш ота»да илгари акам ошқозон касали билан ётиб тузалиб кетган эди. «Сен ҳам бор», деди. Врачлар эса «Оч қолсанг, ўласан», дейишди. Оила аъзоларим билан маслаҳатланганимда шифокор жарроҳ укам бу ҳолатимда парҳез билан даволанишимга рухсат бермади. Хўп, деб даволанишда давом этдим. Бироз яхши бўлгандек эдим, сал ўтиб яна шиш пайдо бўлди. Анализ топширдим, ёмон чиқди. Тошкентда қонни аппаратга солиб, даволанишни тавсия қилишди. Аҳволим жуда овир эди. Барибир «Эргаш ота»га бораман, олиб қолса олиб қолди, йўқса аппаратда қон алмаштиришга рози бўламан, дедим. Олдимда бошқа чора қолмаганлигига амин эдим. Шунинг учун ўз хоҳишим билан 2002 йил 30 август куни Бердиқулжоннинг хузурига келиб даволанишни бошладим. Қисқаси, 7-куни баданимдаги шишлар қайтди, ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Етти кун ўтгач акам хавотирга тушиб, келиб анализларимни текширтириш учун олиб кетди. Даволовчи врачлар ҳам талаб қилишибди. Телефон қилиб, анализим яхшилиги-

тўлиқ соғайиб кетдим. Бировнинг ёрдамида юрардим, анализ олишга келган акамлар ҳовлида бемалол юрганганимни кўриб ҳайрон қолишди. 2003 йили яна келдим. Профилактика мақсадида келиб тураман. Шундан бери соғ-саломат ишлаб юрибман. Мен ўзимни ушбу масканга келиб қайтадан ҳаётга қайтдим, деб ҳисоблайман. Мен туфайли Ёровлар авлодидан юзлаб оила аъзоларим, қариндош-уруғларим келиб даволаниб кетишди. Ҳаттоки жияним Хулкар Нурбобоевага гинеколог врачлар унинг бачадони ривожланмаган, туғмайди, дейишига қарамаздан даволангач, орадан бир йил ўтгач ўнилчали бўлди.

«УЧИНЧИ КЕЛИШИМДА ҚОРА ТОШ ҚУЙҚУМЛАРИ ТУШДИ»

Зулхумор ТОШМАТОВА (Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридан, 1979 йилда туғилган):

— Уч йил аввал қаттиқ «пристун» билан касал бўлиб қолдим. Тошкент шаҳрига бориб врачларга учраб, аппаратларда текшириб кўришганда почкада тош бор экан. Ўша «пристун» берган, бирдан-бир йўли операция дейишди. Операциядан қўрқиб уйга қайтиб кетдим. Кейин Янгийўлдан «Эргаш ота»да даволанганлардан жарроҳлик йўлисиз тошни тушириш мумкинлигини эшитиб қолдим.

Бош шифокор сабр билан бир неча бор даволанишим кераклигини айтганда рози бўлдим. Биринчи йили ҳар уч ойда икки марта келиб камида 16тадан малҳам ичиб кетдим. Ичимдан анча қора қуйқумлар тушди. Енгиллашдим. Вазним 106 килодан 79 килога тушиб кетди.

келганимда тушди. Жорий йил олтинчи бора келишим.

Мени нафақат жарроҳлик амалиётидан сақлаб тош балосидан қутқарган, балки келгусида пайдо бўладиган бошқа касалликлардан қутқаргани учун Бердиқул акага раҳмат айтаман. Келгусида имконим бўлди дегунча профилактика учун келиб тураман.

«ОЁҚ-ҚЎЛЛАРИМ ШИШИБ, ЁТИБ ҚОЛГАНДИМ»

Рашид НОРҚУЛОВ (Самарқанд вилоят Пахтачи туманидаги Бойқут қишлоғида яшайди. 1961 йили туғилган):

— Касалим 1978 йили, ўқувчилик пайтимда бошланган. Лекин даволангач, яхши бўлиб кетгандим. Ўн уч йил ҳайдовчилик қилдим. Кейин аввалгидан оғирроқ касал бўлдим. Менга сурункали гломерулонефрит ташхисини қўйишди. Қовуғим шишиб оғрирди. Пешоб кам чиқарди. Бундан ташқари «белок» моддаси 350 —



360 га чиқарди. Дўхтирлар унинг меъёри 0,033 бўлиши керак, дейишганди. Оёқларим, қўлларим шишиб, томирларим кўринмай қоларди. Оёқларимни кўтариб ётишга мажбур бўлардим. Дармоним қуриб, ишга яроқсиз бўлиб қолгандим. Даволанишнинг кўп чораларини қилиб кўрдим. Масалан, туман, вилоят касалхоналарида 1993—1994 йилларда бир неча мартаба даволандим. Нафи бўлмади. Кейин Тошкентга урология марказига бориб даволандим. Врачлар дори-дармон

белок моддаси чиқиши тўхташи керак экан, афеуски, бу фурсатда ҳам тўхтамади. Шундан сўнг охириги чора сифатида преднизолон деган гармон дорини тавсия қилишди. Унинг ҳам ярмини ичганимда бўйнимда ҳам шишлар пайдо бўла бошлади. Билишимча, бу дори одамни семиртирар экан. Биз қўлимиздан келган чорани қилдик, деб уйга жавоб беришди. Бироз енгил тортгандек бўлдим. Лекин 1996 йилда яна овир аҳволга тушиб, ётиб қолдим. Ҳаётга қизиқишим қолмаган эди. Пенсонада борини кўраман, бир бошга бир ўлим, деб тўрт томонга чопмай қўйдим. Шунда бир куни отам келиб, Каттақўрғонда бир дўхтир бор экан, парҳез билан даволар экан, деб йўқ дейишимга қарамай ўзи олиб келди. Дўхтирнинг хузурига кирганимда аҳволим жуда овир эди. Кўриб у киши ҳам ташхис қўйди, касалингиз жуда эски, узоқ муддат, сабр-бардош билан даволанишингиз шарт, деди. Шу гап билан 90та малҳам ичдим, озиб кетдим. Уйга борганда парҳезни қилиб, бир йилча ишламадим, лекин қувватга кирдим. Мана худога шукр, яхши, соғлом юрибман. Шишлар умуман қайталангани йўқ. Профилактика учун 2003 йили ўн саккиз кун ётиб кетдим. Мана беш йилдан кейин соғлом бўлсамда, яна келдим. Ўз ҳаётий тажрибамдан чиқарган хулосамга кўра, ошқозон, буйрак, ўт ва жигарни вақти-вақти билан тозалаб туриш керак экан.

Қинилоқдошим бир қўли қурий бошлаган ва ўсма хасталиги деб врачлар томонидан операция қилинган Муҳаббат Ўринова ҳам шу ерда даволанди. Унинг ўнг қўли умуман ишламай қолган эди. Кучли овриқдан онахоннинг сабр-тоқати тутаган эди. Шу ерга келиб олтмиш кундан зиёд малҳам ичиб, муолажалар олиб

рига босолмаган онахон, бугун уларни опичлаб, уй юмун ларини бемалол бажариб юрибди.

«БИТТА БУЙРАГИМНИ ОЛИБ ТАШЛАШГАНДИ»

**Зулфия АБДУСАМАТОВА (Тошкент вилоя-
тида яшайди. 1947 йили туғилган):**

— Бир неча йил узлуксиз буйрагим овриди, охир-оқибат Тошкентдаги Жуковский номидаги шифохонада битта буйрагимни олиб ташлашди. Лекин дард устига чипқон бўлиб, иккинчи буйрагим ҳам безовта қила бошлади. Шу билан бирга ошқозон, ўт халтам, оёқларим ва белимда ҳам овриқлар кучайди. 2005 йили «Эргаш ота»ни эшитиб, эр-хотин иккаламиз келдик. 24 кун даволаниб кетдик. Шундан кейин ҳар йили баҳор ва кузда келиб даволаниб турдим. Худога шукр, соғлигим тўлиқ тикланди.

«ИККИ ЯШАР БОЛАНИ УЧ МАРТА ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИШДИ»

**Хосият УМИРОВА (Са-
марқанд вилояти Иштихон
туманидаги Исохон қишло-
видан, 1939 йилда туғил-
ган):**

— Набирам Абборжоннинг орқасидан келганман. У ҳозир беш ёшда. Илк бора икки яшарлигида буйраги ва қови-видаги тошлар туфайли келганмиз. Пешоб қилишга қийна-



тўпланиб қолишидан, бир парча болани яна кесишларидан кўрқиб турганимизда, «Эргаш ота»да кичкина болалар ҳам даволанганини эшитиб қолдик. Бу ерда йигирма кун ичида ундан чиққан туз миқдорини кўрсангиз эди... Ҳозир Аброржон бешинчи марта келди. Аҳволи жуда ҳам яхши. Дўхтир ҳар олти ойда профилактика қилиб туриши керак, деди.

Ўзим тери касаллиги билан 30 йил курашганман. Самарқанд тери касалликлари шифохонасида ҳар йили икки марта ётиб даволанардим. Фойдаси бўлмасди. Буйрагим ҳам оғрирди. Қон босимим жуда баланд эди. Кўзим шишарди. Оёқларимнинг бўғинлари зирқираб оғрирди. Ҳаракатим ҳам шунга яраша эди. Ўн қадам юрмай ўтириб қолардим. Ҳар икки-уч ойда санаторийларга олиб боришарди болаларим. Ҳозир менинг саккизинчи марта келишим. Учинчисида тери касалидан қутулдим. Оёқоғриқ, «давления»лардан халос бўлдим. Дўхтир дунё тургунча турсин, деб ёзинг болам.

«БУЙРАГИНГДА КИСТА БОР ДЕЙИШГАНДИ»

Ўғиллой САФАРОВА (Бухоро вилоятида истиқомат қилади):

— Кўп йиллардан бери юқори қон босимидан азобланиб келардим. Аниқроғи, қон босимим 200дан ошиб кетарди. Юрак тез-тез уриб кетарди. Неча марта касалхоналарда ётиб чиққанман. У ердан қон босимим бироз пасайгандек бўлиб чиқардим, бундай, нисбатан осуда ҳаёт узоққа чўзилмасди. Тез кунларда яна «эски ҳаммом, эски тос» бўлиб қоларди. Бу ерга

маълум бўлдики, буйраklarимда тош, ўнг буйрагимда эса киста борлиги аниқланди. Жарроҳликка юрагим дов бермади. Қолаверса, жарроҳлик усулисиз даволайдиган «Эргаш ота» тиббий марказини эшитиб қолдим.

Бу ерга келиб кетганимдан бери бирор марта қон босимим кўтарилмади — 120-70 билан юрдим. Юрагим 120—130 тагача тез уриб қоларди. Бу ерга келиб кетганимдан бери юрагим уриши 65—70 та. Тошлардан бутунлай халос бўлдим.

Бундай шифокорга раҳмат айтмай бўладими?

«БУЙРАГИМ ОФРИСА-ОФРИМАСА ҲАР ЙИЛИ БИР МАРТА КЕЛАМАН»

Баҳром ҚУРБОНОВ (Навий шахридан):

— 1998 йилда биринчи марта буйрак, жигар хасталиги билан даволанишга келганман. 24 кун ётиб даволаниб чиқиб кетганман. 24 кунда ярим банка туз чиқди. Аввал эски жойларига, яъни Каттақўрғон шаҳар Камарова 22 А манзилида жойлашган эски марказларига бориб даволангандим. Ўшанда аёллар учун, биттагина медсестра, эркаклар учун биттагина қаровчи бор эди. Уйдан кўрпа-тўшакларимизни олиб келардик.

Мунтазам даволанмаганим учун 2000 йили буйрагим яна офриди. Жуда оғирлашиб, бир жойдан бошқа жойга силжишга қийналардим. Келиб 14 кун ётиб кетдим. Буйрак касали жуда оғир, ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Оғриқ бўлса-бўлмаса ҳар йили бир марта келаман.

ЧАПИГА ОФИРЛИК ҚИЛМАЙДИМИ?»

Мавлон ШАПСАНОВ (Китоб туманидан):

— 1999 йилда буйрагим қаттиқ овриб қолди. Тошкентга бордим. Ўнг буйрагингни олиб ташласак, чапи яхши бўлиб кетади, йўқса чапи ҳам касалланади, дейишди. Бирини олиб ташласа, иккинчисига офирлик қилмайдами, дея ўйланиб юрганимда бир танишимдан шу ерни эшитиб қолдим. Келиб даволаниб, тузалиб кетдим. Орадан 8 йил ўтиб, яна келдим, 17 кундан бери даволанаяман. Бу инсондан бир умр қарздорман.

«ИККИНЧИ ОПЕРАЦИЯГА РОЗИ БЎЛМАДИМ»

Равшан ЭШОНҚУЛОВ (1978 йили Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида туғилган):

— Менга қўйилган ташхис — сурункали пиелонефрит, ўнг томонлама гидронефроз эди. Тошкент шаҳрининг биринчи клиникасида ўнг буйрагимда буйракдаги чиқини каналини кенгайтириш учун пластик операция ўтказишди. Шундай бўлса-да, приступлар тўхтамади. Икки ойдан кейин яна текширишиб, яна қисқарганлигини, қайтадан операция қилишларини айтишди. Рози бўлмадим. Лекин ҳар уч ойда осма уколлар, антибиотиклар олиб профилактика қилиб турдим. Икки ой снгил юрардим, яна шу аҳволга тушардим. Шу зайлда етти йил юрдим. Яқинда опам бу ерга келиб даволаниб кетдилар. Ўзлари билан китоб ва Бердиқул ака ўтказган конференциялар ёзилган дискларни ҳам олиб кетдилар. Олмониялик Беккер воқеасини кўриб, мен ҳам келинга қарор қилдим. Ўзим «Ўзқишлоқхўжалик-машҳолдинг» компаниясида бош мутахассис бўлиб

мади. Кўзда икки йиллик таътилимни олиб келдим.

Бешинчи малҳамдан кейин ўнг буйрагимда сезилиб турадиган қаттиқлик юмшади. Лекин тўққизинчи малҳамгача кунларим, тунларим азобда ўтди. Гоҳ қорнимда, гоҳ бошимда оғриқлар тинимсиз давом этди. Тўрт-беш кун кўнглим айниб юрдим. Тўққизинчи малҳам натижаси жуда оғир ўтди. Ичимда нимадир силжигандек бўлди. Ичимдан литрлаб лахта-лахта суюқлик чиқди. Қўстанимда эса гўшга ўхшаган нарса тушди. Баданим терлаб, вужудим электр қуввати ургандек зириллади. 45 дақиқача ҳолсизланиб ўтириб қолдим. Оёғим уюшиб, деворга суяниб турдим. Ўн биринчи малҳамдан кейин ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Йигирманчисига бориб ўнг биқиним енгиллашди — шу пайтгача йиғилган тузлар бир литрли банкани тўлдирди. Бу ерга келиб парҳезнинг қадрига ҳам етадиган бўлдим. Энди профилактика учун мунтазам келиб туришга аҳд қилдим. Мени тинимсиз оғриқлару ташвишлардан қутқаргани учун Бердиқул акадан бир умр миннатдорман.

«БУЙРАКНИ ОЛИБ ТАШЛАЙМИЗ, БОШҚАЧА ДАВОЛАБ БЎЛМАЙДИ»

Мирзоҳид МАМИРОВ (1974 йили Самарқанд вилоятининг Пойариқ туманида туғилган):

— Иккала буйрагимда ҳам тош бор эди. 1991 йили апрель ойида Украинага бориб даволандим. У ерда тошни операция қилмасдан, аппарат ёрдамида тушираркан. Чап буйракдаги тошимни аппарат билан туширишди, ўнг буйракдагиси эса тушмади. Кейинги текширишлар натижасида ўнг буйрагимдаги тош

лаб кетган, деб ташхис кўйинди. Орадан 26 кун ўтгач, мени операцияга тайёрлаб, шу Илмий текшириш институтида операция қилишди. Операция муваффақиятли ўтди, сўнг ҳаммаси бўлиб 40 кун клиникада даволаниб чиқдим. Улар менга яна 6 ойдан сўнг қайта кўринишга, яъни профилактика учун келишимни айтишди. Мен яна ноябрь ойида қайтиб бордим. Натижалар яхши чиқди. Буйрагим оғримай, безовта қилмай кўйди. Сўнг 1996 йил декабрь ойида уйландим. Шундан сўнг буйрак яна безовта қила бошлади. Орадан анча вақт ўтди, уч нафар фарзандли бўлдим. Лекин 2005 йил март ойида қон босимим кўтарилиб безовта қилди, текширтирсам буйракнинг «давляния»си бор экан. Ўзимни текширтириб турадиган докторим бор эди. 2005 йил март ойида ўша кишининг олдига бордим, у киши «республиканский больница»нинг «урология» бўлимида жарроҳ бўлиб ишлар эди. Мени текшириб кўриб, УЗИ ва рентген натижаларидан сўнг операция қиламиз, ўнг буйракда 3 донга тош бор, деб айтди. Мен операция қилдирмайман, деб касалхонада бир ҳафта ётиб чиқдим. Буйрагим оғриб, қон босимим тушмай қолди. Шу аснода орадан яна икки йил ўтди. Яна аввалги докторга бордим. 2007 йил 15 январь кун Самарқанд вилоят касалхонасининг урология бўлимига йўлланма берди. Бордик, у ерда ҳам яна текшириб УЗИ қилди, анализлардан сўнг ўнг буйрак ишламайди, чап буйракда эса туз, памолланг бор, деб хулоса қилишди. Натижа нима бўлади, деб суриштирганимда эса яна операция, фақат энди ўнг буйракни олиб ташлаймиз, бошқача даволаб бўлмайди дейишди. Сўнгра ўзим суриштириб

танишим учрашгирди. Унинг ёши 37—38 ёшларда эди. У Тошкентда даволаниб натижа топмаганини айтди. Лекин Каттакўрғонда яхши шифо топдим, деб бу марказни мақтади.

Сўнг мен ҳам адресни олиб, 2007 йил 2 февраль куни келдим, бош врачимиз мени текшириб 5 май куни келишимни айтди. Биринчи даволанишимда 29 кун ётиб, 28та малҳам ичиб даволаниб кетдим. Анча фойда топдим, қон босимим тушди, 1 литрли пиша идиш мендан тушган тузга тўлди. Кетаётганимда 6 ойда яна келинг, деб айтган эди, 5 ойдан кейин яна келдим. Ҳозир мен яна даволанишман, худога шукр, соғлиғим яхши. Докторимиздан миннатдорман, қўлларини дард кўрмасин.

«ЭНДИ ЯШАГИМ КЕЛЯПТИ»

Гулзор ХОНКЕЛДИЕВА (Қарши шаҳридан):

— Мен 2002 йили юролма қолдим. «Давление», юрак иккинчи даражали стенокардия, ошқозонда қаттиқ оғриқ. Ленинградда ҳарбий академияда ётдим. «Дўхтир, ҳар замонда буйрак санчиб турибди», десам, «бу касал билан сиз нефрология, урологияга бориб даволанишингиз керак», деди. 16 кун ётдим. Қон босими унча тушмади, «почечний давления», дейишди. Кейин 21 кун «Семашко»да ётдим. Буйрагимда, ўтимда тош бор эди. Қисқаси, «Эргаш ота»га келганимда аҳволим жуда оғир эди. 40—41 температура билан, яна ҳар икки соатда қусаман. Оёғим, қорним, белим йўқдай. Оғриқ жуда кучли. Бердиқул малҳам берди. Қизлар бошимда ўтирди. 8-куни иссиғим тушди. Кўзим катта очилди. Эртаси куни эса ҳеч қаеримда оғриқ қолмади. Кўлимни мих

қарасам изиям қолмабди. Ұзимам оёққа турдим. Ұзим юряпман. Икки кўлим кўтарилмасди. Мана, кўтарилиб қолди. Менда янашга умид уйғонди, энди яшагим келянги. Шундай олий тоифали врачимиз борлигидан гурурлашаман, мингдан-минг раҳмат. Бу ердаги қизлар юғуриб-елиб ишлайди. Ҳамма жой чиннидай. Еганлари ҳалюл бўлсин шуларнинг.

«ОДДИЙ ГИЁХДАН ҲЗГАРИШ БЎЛДИ»

Шаҳобиддин ШОДИЕВ (Бухоро вилояти, Вобкент туманидаги Чоркалон қишлоғидан):

— 2000 йили буйрагим оғриб, 35 кун Бухорода ётдим. Дўхтирлар ўлади, дегандан кейин шу ерга келдим. Вобкентдан бир аёл келиб ётиб кетган экан, ундан адресни олиб келдик. Ҳаётдан умидни узиб, пешонада борини кўраман, деб келдим. Кучли антибиотиклар олгандим. Дўхтир «сиз кучли антибиотиклар олибсиз. 40 кунларда таъсири кетсин, кейин келасиз», деб қабул қилмадилар. Лекин бир гиёҳ бердилар. Танамда — кўлим, оёғим, юз ва бошдаям шиш бор эди. Оддий гиёҳдан ўзгариш бўлди — шишлар қайта бошлади. 40 кун қайнатиб ичдим. Бу ерга келиб 35та малҳам ичдим. Ўзгариш зўр бўлди. Шишлар бутунлай қайтиб кетди. Уч ойдан кейин келиб 25та малҳам ичиб кетдим. 2003 йили эжа 20та малҳам ичиб кетдим. Фойдасини кўрдим. Соғлиқ учун пулни аямаслик керак, дейишади. Пулни аямаган вақтда ҳеч қандай наф кўрмадим. Дори-дармонга кетган пулларни ҳисоблаб беролмайман. Аввалги сарф-харажатларга нисбатан арзимас маблағ билан шу ерга келдим. Арзимас пул билан Бердиқул ака мани шу аҳволга келтирдилар, ёрдам бердилар. Уч марта

дим. 2005 йили тўртинчи марта профилактика мақсадида 8 кун ётиб кетдим. Уйландим. Тўйга Бердиқул акам бордилар. Ҳозирда 2 нафар фарзандим бор. Мана, 2009 йили яна профилактика мақсадида келдим. Шу киши туфайли ёрув дунёда юрибман. Бир пайтлар ҳаётдан умидини узган одам эдим.

Холам рак касали билан ётувдилар. Уларниям олиб келдим. Айтишларича, саккизоёққа ўхшаган ўсимта тушибди. Ҳозир аҳволлари яхши, қувватга кириб кетдилар. Қариндошларимдан яна 15 киши келиб даволашиб кетди.

«ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ ЙЎҚМИ?»

Саломат ҲАСАНОВА (Каттақўрғон шаҳрида 1959 йили туғилган. Боғча мудираси бўлиб ишлайди):

— Бир ярим йил олдин буйрак «преступи» билан шу ерга келганман. Шаҳримиздаги барча касалхоналарда даволанганман. Юракни даволайман деб «давления» орттириб олганман. Раҳбар аёлман, ҳамма касаллик йиғилган менда. Унисини даволасам, буни си чиқади. Бормаган жойим қолмади. Қизим: олдингдан оққан сувнинг қадри йўқми, ахир, «Эргаш ота»га боринг, деди. «Носилка»да «Эргаш ота»га олиб келишди. Бу ерда овриқлар азобидан беш кун ўлим тўшагида ётдим. «Яшашни истамайман. Менга ўлдирадиган укол қилинглар», дей-



Бердиқулжон беш кундан кейин «приступ» тўхтайдди, деди. Кетай десам ҳамма жойга, ҳатто Тошкентдаги Урология марказига ҳам бориб кўрганман. Битга буйрагимни операция қилдирсам, иккинчисидаям тош, қум бор. Беш кун деганда ростданам «приступ» тўхтайдди. Инонмайман, яна бошланиб қолса керак, дейман. Йўқ. 24 кун даволандим. Шундан кейин «давлатениям» бир ярим йилгача чиқмади. Юрак хасталигим боис, шифокорларимизнинг қайси бири кўрса: сокливингиз яхшими, юрак яхшими, дейишарди. Кун ора уйимга «Тез ёрдам» чақирардим. Шулардан халос бўлдим. Врач бир йилда келинг, деб айтди. Ташвишлар билан бўлиб вақтида келолмадим. Яна буйрак билдира бошлади. Ишим кўчилиги сабабли новаканн, глюкоза билан «блокада» қилдирдим. Бироқ кўп ўтмай яна «приступ» бошланди. Бу ерга келиб биринчи малҳамдан кейиноқ овриқлар йўқолди. Ҳақиқатан, одамни ҳайратда қолдиради. Миннатдорман. Шифокорга яна бир нарсада раҳмат, дейман. Каттақўрғонни нафақат Республика, ҳатто ривожланган ғарб давлатларга ҳам танитди. Қаерга бориб Каттақўрғонданмиз, десак, «Эргаш ота» деган тиббиёт маскани бор экан, дейишади.

«ЙИГИРМА КУНДА ШИФО ТОПИБ, УЙГА ҚАЙТДИ»

**Шоҳсанам СОДИҚОВА (Хатирчи қўрғони,
Муқимий кўчаси, 33-уйда истиқомат қилади):**

— Бундан ўн йил аввал қизимиз Сарвинознинг буйраги касалланганини билиб қолдик. Дўхтирма...

«Тезда операция қилиб, буйрагининг бирини олин керак, йўкса кеч бўлади», деган хулосани беришди. Буйраги идраган, дейишди. Азобда қолдим. Кўн йирладим. Ахир, битта буйрак билан бир умр ногирон бўлиб қолади-ку одам?! Лекин на чора, кечиксам боламдан айрилиб қоламан...

Эртага операцияга олиб кетаман, уйдагиларнинг розилиги, оқ фотиҳасини олай, деб она қишлоғимга борганимда, бир янгамиз: «Оёфингнинг тагида дўхтир турганда марказдаги касалхонада операция қилдиришга на ҳожат? Мана, қўшнимиз Каромат опа ҳамма жойга бориб кўрди, умид йўқ дейишди. Кейин «Дрган ота» шифохонасига бориб давола-ниб, шифо тонди-ку», деб қолдилар.

Шу гап билан биз ҳам бу ерга келдик. Одам кўп. Бердиқул ака қабулига кирганимизда, боламнинг тилига қараб, томирини ушлаб: «Дўхтирлар қўйган ташхис тўғри, лекин даволашга ҳаракат қиламиз. Фақат, ҳозир жойимиз йўқ», деди. У пайтлар ҳозиргидек шароитлар йўқ эди-да. Мен «шудгорда ёт десангиз ҳам майли, фақат ҳозир даво-ланг», дея йиллаб илтимос қилдим. Барака топгурлар одамларнинг уйларидан жой топиб беришди. Уч кун деганда қизгинамнинг ичидан шунақа нарсалар чиқдики, уни айтиб, тасвирлаб бера олмайман. Йигирма кунда шифо топиб, уйга қайтди. Ҳозир Сарвиноз бутунлай соғайиб кетди. Бу йил мактабни тугатса, худо хоҳласа, олий ўқув юртига кирмоқчи.

Ўн йил бўлди — бирон жойим овригани йўқ. Мана, профилактика учун яна келдим. Энди шароитлари яхшиланиб кетибди. Шифокоримиз барака топсин, фарзандларининг ҳузурини кўрсин!

«ЎН ИККИТА СИГИРИМНИ СОҒИБ, СУТИНИ КЎТАРИБ КЕЛЯПМАН!»

Сарвиноз СОДИҚОВА (Навоий вилояти, Хатирчи туманидан):

— Юқорида номи тилга олинган Сарвиноз мен бўламан. Ростдан ҳам мен бу ерга 10 йил аввал буйрак хасталиги билан келдим. Ўшанда 9 ёшар қизча эдим. Буйрагим овриб, букилиб қолдим. Рентгенга туширишди. Буйрагимни идраб кетган, операция қилиш керак, дейишди. Душанба куни Самарқандга операцияга буюрдилар. Аям: «Аввал бувингни кўриб, дуо олиб кейин кетамиз», дедилар. Қишлоққа бувимни кўргани бордик. У кишига айтувдик, «9 яшар болани операция қилдириб ярим жон қилиб қўясанми, қўшнимиз, дугонанг Каттақўрғонда даволаниб келти», дедилар. Қўшниникига чиқдик. У: «Мен ҳамма жойга бордим. Россиягайм. Мени ўлади деб қайтариб юборувдилар. Худоба шукр, мана ҳозир 20 та сигиримнинг 12тасини соғиб, сутини кўтариб келяпман», деди. Бозор куни биз ҳам йўлга тушдик. Бердиқул акага учрашгандик, кўрдилар, лекин жой йўқ, дедилар. У пайт шароит овир эди. Квартирага жойлаштирдилар. Ўша ердан қатнаб 20 кун деганда оёққа туриб чиқиб кетдим. Ундан кейин яна келдим. Кейин 5 йил деганда яна келдим.

ди. Бир ҳафта касалхонада ётдим. УЗИга тушдим. Тош бор экан. Тошкентда нур билан туширишади, дейишди. Тошкентда эса текширишиб, буйракни операция қилиб, биттасини олиб ташлаш керак, дейишди. Мен рози бўлмадим. Яна «Эргаш ота»га келдим. Мана, худога шукр, оғриқларим кетди. Тошлар тушди. Тўлиқ даволаниб бўлгач, ҳариккала буйраklarимни УЗИда текширтдим. Натижаси буйрак меърида ишлаётганидан, туз ва қумдан мутлақо халос бўлганидан далолат берди. Энг асосийси, буйраklarим ўзимда қолди. Оилавий шифокоримизга айланган Бердиқул акага оила аъзоларимиз номидан ташаккур дейман. Бахтимизга соғ бўлсинлар!

«БАХТИЁР КУНЛАРИМ УЧУН РАҲМАТ!»

Гулрухсор ОЛЛОБЕРГАНОВА (Хоразм вилояти Урганч туманидаги Каромон қишлоғидан, 17 ёшда):

— Мен Урганч давлат университети қошидаги 2-сон академик лицейи талабасиман. «Табиат кеча, бугун, эртага» фестивалининг Республика босқичи қолибиман. Ўқишни, ўз устимда ишлашни яхши кўраман. Лекин 2008 йил 5 январь кунидан бошлаб оғир дард мени бу сеvimли машғулотимдан ажратиб қўйди. Бутун танам, оёқларим шишиб, кўзларим хиралашиб, нафас олишим қийинлашди, кўнгил айниши, дармонсизликдан иш қобилиятим йўқолиб, тўшакка миxlаниб қолдим.

фохонасининг нефрология бўлимига ётқизишди. Узоқ муддатли даволаниш жараёнида ўзгариш бўлмади. Дори-дармонлар вақтинчалик овриқларимни қолдирар, бироз ўтмай дард янада қайталанарди. Аҳволим кундан кунга оғирлашиб, танамда шишлар ортиб борар, кўзларим хиралашиб, охири китоб ўқиёлмай қолдим. Шундан сўнг июнь ойида вилоят урология марказида даволанишни бошладим. Икки ойлик даволаниш эса наф бермади, аҳволим яхшиланиш ўрнига оғирлашди.

Ўша изтиробли кунларнинг бирида қўшнимиздан Самарқанддаги «Эргаш ота» хусусий тиббий маркази ҳақида эшитиб қолиб, онам билан август ойида шу ерга келдик. Даволанишнинг дастлабки кунлариданоқ танамдаги, оёқларим, юзларимдаги шишлар қайта бошлади. Буйраklarимдан туз ва қумлар тушгач, аҳволим кундан кунга яхшиланиб борди. Нафақат буйраklarимда, балки жигаримда ҳам муаммолар бор эканки, билирубин, холестерин тошлари тушди. 16 та малҳам ичгач, аҳволим яхшиланиб, тузалиб уйга қайтдим. Хотирам ҳам теранлашди, кўриш қобилиятим яхшиланиб, яна севимли машғулотим — ўқиш бахтига муяссар бўлдим. Ҳозирда лицейнинг аълочи ўқувчиларидан бириман. Мана олти ой ўтгач яна қайта «Эргаш ота»га келдим, энди, албатта, профилактика учун.

Мен бугунги бахтиёр кунларим, орзуларга тўла ҳаётим учун меҳрибон ва жонкуяр шифокорим — Бердиқул акадан бир умр миннатдорман.

Улжон АБИЛОВА (Қашқадарё вилояти, Косон туманидан. 1959 йилда тувилган):

— Ўқитувчиман — Косон маиший хизмат кўрсатиш коллежида физика фанидан дарс берман. Ҳозир иккинчи марта келишим. Биринчи бор 2007 йил 12 мартда ревматоидний полиартрит, остеохондроз, умуртқадумғаза чурраси (енгил форма) тапхиси билан келган бўлсам-да, ўтимдан тошлар, ичакларимда



шамоллаш, буйракда тузлар миқдорининг ошиб кетганлигини ҳам даволаниш жараёнида билдим.

1990 йили учинчи фарзандимни тувиш жараёнида оғир аҳволда ётиб қолдим. Белда кучли оғриқ бор эди, ўнг оёқ панжаси ва товоним ҳеч нарсани сезмасди, тиззалар букилмайди, ўтира олмасдим. Бу ерни аввал ҳам кўп бор эпитсам-да, очликка бардош бера олмайман, деб келмаганман. «Муборак», «Қашқадарё соҳили» санаторияларида, вилоят касалхоналарида даволанишга бордим. Бироз юрсам нафасим сиқиларди — зоб дея эндокринологияда ҳам ётдим. Аҳволим яхши бўлиш ўрнига оғирлаша бошлади. Шу даражага етдики, доскага мавзунни ёзиш учун қўлимни қўтара олмай қолдим. Оғриқ қўл ва бўйинга ҳам ўтган эди. Кейин ўғлим Тошкентга олиб кетди. Янги ТошМининг врачларига учрадик. Текширишлар натижасида улар ҳам

кинми, дея сўрадим. Туз тўкилмайдую, лекин овриқларни тўхтатиб турамиз, дея жавоб беришди... Бир ортопед врач табиий йўл билан даволай бошлади, лекин...

Уйга бориб, «Эргаш ота»да даволанган Хурматоё янгамга учрадим. Кўрган-билганларини, бошидан ўтказганларини гапириб, мени ишонтирди. Бердиқул аканинг ўзини, муомаласини, қабулидаги тартибни кўриб юрагим нажот сезгандай бўлди. Навбат олиб кетиб, юқорида айтганимдай март ойида келиб, даволана бошладим. Бешинчи малҳамдан кейин биринчи бўлиб қизил қумлар тушди. Ўн кун давомида ярим банка йиғилди. Еттинчи кун и ўттизтача яшил билирубин тошлари тушди. Ўн биринчи кун и довчадек тош тушди. Физиотерапия, уқалаш хоналарида қўл-оёғимга муолажалар олдим. Аҳволим энгиллашиб борди. Вазним 85 кило эди, 77 килога тушди. Рангларим тиниқланди, руҳиятим энгилланди. Оёғимни асраш учун нафақат қишда, балки ёзда ҳам махси-калиш кийиб юрардим. 23 кундан сўнг рухсат бўлгач, махси-калишни ечиб уйга кетдим. Бемалол ишга киришиб, яхши кайфият, янги куч, иштиёқ билан дарсларимни ўта бошладим. Ҳар олти ойда профилактика учун бир марта келаман. Шундай шифокоримиз борлигидан хурсанд бўлиб юрибман. Менга қолса Нобель мукофотини берардим бу инсонга.

Бешинчи бўлим

**ГИНЕКОЛОГИК
КАСАЛЛИКЛАРНИ ҲАМ
ДАВОЛАШАДИ**

Ёхуд тирноққа зорларнинг қувончлари ҳақида

«ТИРНОҚҚА ЗОР ЭДИК»



Бош шифокорнинг столида жажжи чақалоқ ва ҳатто ширин эгизакларнинг суратларини кўрдик. Суратнинг орқасида: «Бу фарзанд Сизнинг мал-

ҳамингиз туфайли дунёга келган. Минг раҳмат (Хулкар Норбоева, Қашқадарё вилояти)» деган ёзув бор.

Яқинда Хулкарнинг онаси Ибодат аядан яна мактуб ва янги суратлар келибди:

«Ассалому алайкум, азиз укажоним Бердиқулжон!

Неварангиз Шодиёржон катта йигит бўлиб қолди. У ҳозир тўртинчи синфни тугатиб, бешинчига ўтди. Сиз бизнинг оиламизга бахт, чексиз хурсандчиликлар келтирдингиз. Врачларнинг «Қизингиз фарзанд кўрмайди», деган нохуш сўзлари ёлгонга айланди. Шодиёржондан кейин қизим яна эгизак фарзандлар — Ҳасан-Ҳусан кўрди. Ахир давоингиз, малҳамингиз туфайли қизим она бўлди. Яхшиямки Сиз бор экансиз, йўқса ҳолимиз нима кечарди?



Бу оламда мудом борлигингиз чун!

Невараларингизнинг суратларини юбораяпман. Сизга соғлик тилайман. Халқимизнинг бахтига бошингиз омон бўлсин!

Сизга ҳурмат ила Ибодат опангиз. Яккабоғ».

Б.Эргашев эса буни худонинг инояти, дея қисқа изоҳлаб қўя қолди. Тирноққа зор бўлиб юрганлар ҳам бу масканда шифо топаётганларини уларнинг ўзларидан эшитдик. Улардан бири қашқадарёлик Шомурод Бердиев шундай дейди:

— 2002 йили касал бўлиб ётиб қолдим. Буйрагимни операция қилишмоқчи бўлишди. Исмат деган қишлоқдошим «Эргаш ота»да даволанган экан. Шу ерга бор, тузаласан, деди. Иншонмадим. У қатъий туриб: «Жўражон, йўл пулингизим ўзим тўлайман, юр», деб бирга олиб келди. 23 кун ётдим. Буйрагимдан тошлар тушди, жигаримдан пардалар кўчди. Энг қизиғи, анча йилдан бери тирноққа зор эдик, бир йил ўтиб фарзандли бўлдим...

«ИККИ НАФАР ЎФИЛ, БИР НАФАР ҚИЗНИНГ ОТАСИМАН»

Исмат ЯХШИЕВ (Қашқадарё вилояти Қарни тумани Поштон қишлоғидан. 1980 йилда тувилган):

— Ҳарбий хизматга текширувдан ўтишим жараёнида врачлар буйрагимда тош борлигини аниқлашди. Даволанишдан натижа бўлмагач, «операция қилмаса бўлмайди, тошни олиб ташлаш керак», дейишди. Операцияда тошни эмас, майда тошлари кўп экан, дея бира тўла чап буйрагимни ҳам олиб ташлашибди. Олти ой ўтар-ўтмас ўнг буйрагим ҳам безовта

фоҳоналарда даволандим. Буйрагимни даволаб, тўғриси, ичим дорихона бўлиб кетди. Натижада ўт пуфагим, жигарим ҳам касалланди. Оғир аҳволда Тошкентга олиб боришди. Улар гастрит, сурункали холецистит, фаол гепатит, биргина ўнг буйракда гламуроннефрит хуружи... У ерда ҳам бир ой даволандим, фойда қилмади. Организмни вақтинча мажбурий ишлатиб турувчи гармон дори беришди. Қолгани худодан деб, уйда ётавердим.

Бир иншонганим Тошкент эди... деб юрганимда Каттақўрғон ҳақида эшитиб қолдик. Отам олиб бораман, деганда, «бўлди ота, бошқа харажат қилманг», деб рози бўлмадим. Отам барибир 1999 йил 20 июнь куни «Эргаш ота» шифохонасига олиб келди. Бердиқул ака оғирлигимга қарамай олиб қолди. Ёз чилласида инжикликларимга қарамай 50 кун даволади.

Хуллас пешонамда яшаш бор экан, бахтимга Оллоҳ менга Бердиқул акани рўбарў қилди. Аввалига йилига икки марта даволандим, кейинчалик йилига бир марта, аста-секин икки йилда бир марта даволанадиган бўлдим. Соғайиб кетгач, ота-онам уйлантирмоқчи бўлишди. 2005 йилда тўй қилдик. Ҳозирда икки нафар ўғил, бир қизнинг отасиман. Бердиқул акадан оиламиз билан бир умр миннатдормиз. Бахтимизга ҳамиша омон бўлсин!

«ЎҒИЛЛИ БЎЛДИМ!!!»

Севара ПАРШИЕВА (Тошкент шаҳар Бектемир туманидан. 1984 йил туғилган):

— Мен ва турмуш ўртоғим бепуштлиқ касаллигидан азият чекардик. Тўққиз йил давомида кўрсатмаган жойимиз қолмади. Врачлар иккимиздан ҳам бе-

олишмади.

Онам ва опам «Эргаш ота» шифохонасида даволаниб туришарди. Онамнинг бу ерга ихлослари баландлиги сабабли мени ҳам мажбурлаб шу ерга жўнатдилар. 2010 йил 5 январдан 22 январгача даволаниб, кейин уйда мунтазам парҳез қилдим. Шукрки, 2010 йил март ойида ҳомиладор бўлдим ва 18 ноябрь куни соғлом ўғил фарзанд кўрдим. Мен врачимиз Бердикул Эргашевга оилам номидан раҳмат айтаман.

«АВВАЛ ШОҲЖАҲОН, КЕЙИН АВРАНГЗЕБ ТУФИЛДИ»

**Бозоргул АНДАҚУЛОВА (Жиззах вилояти
Зарбдор туманидан):**

— Қизим Замира Шербекова (1988 йилда туфилган) турмушга чиққач, тўрт ой ўтиб тоби қочди. Қайнонаси Гулистон шаҳрига олиб борганда шифокорлар «детская матка» ташхисини қўйишибди. Қизим бу нохуш хабардан ўксиб йиғлади. Дарҳол Тошкентга жўнадик. Илмий текшириш институтидаги замонавий аппаратларга тушганимизда, бачадон ҳажми кичкина, лекин даволаймиз, яхши натижа беради, дейишди. 2008 йил 9—19 январь мобайнида даволанди. Бир ойдан кейин бориб яна 10 кун муолажа олди. Учинчи даволанишни уйга буюришди. Март ойида яна борди. Мартдан июнгача тўрт ойлик муолажани ҳам уйда оласизлар деб, яна пачка-пачка доридармонларни ёзиб беришди. Июнь ойида қизимнинг яна мазаси бўлмабди, қаттиқ овриқ хуружи билан эри Гулистонга олиб борса, текшириб, тухумдонда киста бор, дейишибди.

нархатга туширио, туҳҳумдондаги кистанинг ҳажми жуда катта, ёрилиб кетиши мумкин, зудлик билан операция қилиш керак, деди. Кундуз соат 12 дан кечки 7 гача олма укол қилишди. Турмуш ўртовим билан тиниз бир аҳволда қолдик, шунда синглим Ёузга ёлмага тушиб қолди...

Тилхат ёзиб, эрта тонгда Каттақўронта қараб йўлга чиндик. Бердикўл ака таяғида экан. Бир ой ўтиб қабулга кирдик. Доктор даволайман, фақат калмида бир ой ётади, деди. Нарбегимиз етгач 30 август кундан даволана бошладик. 24-малҳамни ичган кўни киста тушди. Яна тўртта малҳам қабул қилиб уйга қайтдик. Бир ой парҳез тутиб, кейин ўша ашхаратга тушпанда, ҳеч қанақа киста йўқ, дейишди мутахассислар. Хурсандчилигимизнинг чеки йўқ эди, азиялар! Уч ой ўтгач қизим Ҳомиладор бўлди! 2009 йил 28 октябр кўни биринчи фарзанди Шоҳжаҳон, 2011 йил иккинчи фарзанди Аврангзоб туғилди.

Тилатимиз — докторимиз ҳам бола-чақасининг роҳатини кўрсин, маргубаси бўлган баланд бўлсин!

«БИР КАМ ЭҒЛИК ЁШДА БИРИНЧИ ФАРЗАНД — ЎҒИЛ КўРДИМ»

**Тоқисугул ЖУМАНОВА (Самарқанд вилояти
Нарнай тумани Дубоа қишлоғида 1950 йили ту-
ғилган):**

— Оилашиман, турмуш ўртовим Хайдар Хидиров, ўғлим Мулложон Арабқулов. Ҳамшира бўлиб шу тумандаги Мирзабозор касалхонасида 36 йил ишладим. Мен 20 йил фарзанд кўрмадим. Кўп жойларда даволандим. Эскича амалларни ҳам қилиб кўрдим.

дан организмим чарчадими, бўйратим касал бўлиб қолди. 1996 йили бу ерни эшитиб келдим. Табиб қабулига ёзилдим. У киши жуда олдий, калтарин, ширин сўз инсон экан. Кўнларимга қараб сизда бир эмас, бир нечта касаллик бор, дедилар. Дардларимни ашхаратга кўрандик бирма-бир айтиб бердилар. Мен ихтос билан даволана бошладим. Икки синглим ва жияним Хуршидани ҳам чақирдим. Хуршида кўп жойларда даволанар, бир оз яхши бўлиб яна қайталанар эди. У бу ерда 30 кун даволанди. Балғиқ, кўртлар тушди. Бир кўни унда қаттиқ оғриқ бўлди. Врач Хуршидани кўриб кўрмасангллар бу яхшилик аломати, деди. Эртаси кўни малҳамдан кейин товвуқ туҳҳумидек катта тон тўнди, иккигача ноҳими, томи-рими бор.

Олти яшар жияним Ўкасўрбег белгилни уқлашлар, деб йиғларди. Униям олиб келдик. Буйрагидан ярим банка туз тушди. Мен ўзим бу ерда 53 кун даволандим. Шу вақт мобайнида мenden тушган нарсаларнинг ҳисоби йўқ. Бир кўни қоримда оғриқ туриб, кўнглим айниди. Малҳамдан сўнг ажриқ томирита ўхшаган бўйин-бўғин нарса тушди. Врач бу ўсма эканлигини айтди. Ундан халос бўлганим хурсандчилигекка айланди. Лекин бундан кам бўлмаган қувонч олдинда экан. Олгоҳга бехисоб шўкрлар бўлсин, 1998 йили 49 ёшимда Ҳомиладор бўлдим. Бундан буюн оила аъзоларимиз хурсанд бўлса-да, гинеколог врачлар 49 ёшда биринчи марта туғиш мумкин эмас, сента фарзанд керакми ёки ўзингнинг ҳаётинг, дея қарши чиқийди. Лекин шундай бўлганда, умидимни узмадим. Самарқанд шаҳридаги хусу-

лог Хуршида Насимова беминнат ёрдам берди. Худонинг инояти билан мен ўвил кўрдим. Муродимга етдим деб исмини Муроджон кўйдим. Худодан сўрайман, Бердиқулжон дунё тургунча турсин, мартабаси бундан ҳам улув бўлсин.

«ҚИЗИМ ОПЕРАЦИЯДАН, ҚАРИНДОШИМ ФАРЗАНДСИЗЛИКДАН ХАЛОС БЎЛДИ»

Абдужаббор РАИТОВ (Самарқанд вилояти Нарпай туманидан):

— Мен сурункали холецистит, сурункали остеохондроз, гипертония хасталиги билан касалланганман. Ҳозир бешинчи марта даволанишим. Бердиқулжонни 16 йилдан бери биламан. Бошида, хабарим бор, Каттақўрғон шаҳридаги ташландиқ эски бир бинода, шароити йўқ жойда қийин ҳолда иш бошлаганди. Ҳаммасини ўзи қиларди — массажи-ния, бошқасиния. Ўша пайтда битта ҳамшира, битта санитарка бор эди, мана бугунги кунда жамоаси жуда катта. Қанча қийинчиликлар бўлган. Тиббиёт соҳасининг собиқ совет тузумидан қолган мутасадди раҳбарлари қаттиқ қарши турган. Чунки бу ўша пайтда, эндигина мустақиллик бўлган пайтларимизда янгилик эди. У ўз вақтида жуда кўнлаб овир касалларни оёққа турғизиб ном чиқарган ажойиб шифокор. Ҳар йили оилам, фарзандларим билан навбатма-навбат келамиз. Мана, қизим 16 ёшда эди, буйрагида тош бор дейишди. Бердиқулни биламан, лекин тўғриси, катта тош бор дегандан кейин инонолмасдан Тошкентга обордим. Тош катталиги 3 сантиметр эди. Операция қиламиз де-

Олиб келинг, деди. Ҳақиқатан икки тош бири ёнбоқдай, бири данакдай операциясиз тушди.

Хотинимнинг опаси севишиб турмуш қурган. 40 ёшгача фарзанд бўлмади. 40 ёшдан кейин ажрашиш аёл кишига таъсир қилди. Анчагина юриб хотини ўлган кишига турмушга чиқди. Шунинг савирларига меҳр берсам, балки умидимга етарман, деб юрди. 48 ёшдаям фарзанд кўриш умиди сўнмади. Шу орада «Эргаш ота»да 53 кун узлуксиз даволанди. Шу ердан чиқиб, мўъжиза юз берди: Оллоҳ таоло Бердиқулжонни сабабчи қилиб унга фарзанд ато этди. Шу боис, бутун оилам номидан ташаккур айтаман.

«БЕФАРЗАНД ЭДИК, ҲОЗИР ФАРЗАНДЛАРИМ УЧ НАФАР!!!»

Шарофиддин ХУДОЙБЕРДИЕВ (Жиззах шаҳридаги Саройлик маҳалласидан):

— Биринчи марта мен 2000 йили овир аҳволда келиб, бу масканда эллик кун даволанганман. Расмий тиббиёт мутахассислари менга сурункали пиелонефрит, сурункали гломерулонефрит деган диагнозлар қўйишганди. Вақт ўтиб, ўнг буйрагим деярли ишдан чиқди. Тошкентда бир неча марта собиқ «Жуковский» касалхонасида 20 кунлаб даволанганман. Буйрак қон босимим доимий ошиб, унча-мунча укол-дори эвазига ҳам пастга тушмас эди. «Эргаш ота»даги эллик кунлик муолажа ҳолатимни бутунлай яхшилади. Олти ойдан кейин келиб яна бир ой муолажа олдим. Бир йилдан сўнг яна 30 кун даволандим. Қон босим ошиши бутунлай йўқолди, буйрак

ҳақида уйланиш қўядим. Қўядим. Қўядим.
диган инсонлар қаторига қўшилдим.

2002 йилда уйландим. Лекин икки йил фарзанд кўрмадик. Вилоят шифохоналарида докторлар умидимизни пучга чиқариб, муолажалар бесамара эканлигини айтишди. Фарзандсизлик уқубатини бу муаммога йўлиққанлар, уларнинг яқинлари яхши билишади. Шу боис бошимдан ўтган ўю хаёлларни айтмай қўяқолай. Бошимни яна «Эргаш ота» тиббий марказига уриб келдим. Бердиқул ака, биринчи кунданоқ «Дардини берган худо, давосини ҳам беради», деб ишонч ва ихлос уйғотдилар. 23 кун даволандим. Кўп ўтмай оиламизда байрам бўлиб кетди. Фарзандли бўлдик. Бугунги кунда учта фарзандим бор. Мен ўз миннатдорчилигимни қанча билдирсам ҳам, етарли бўлмайди деб ўйлайман. Бахтимизга бор бўлсинлар.

«КЛИМАКС»НИ ҲАМ ДАВОЛАШАДИ»

Анорой Алимова (Самарқанд шахридан):

— Бир касаллик бор аёлларда, болам, шуни ёзинг. Бу касалликни климакс, дейишади. Мен ундан жуда кўп азият чекканман. Йилда ками билан икки марта рибоксин ва ҳоказо дориларни олиб, даволанардим. Қон босимим гоҳ тушиб, гоҳ кўтарилиб турарди. Беҳол бўлардим. Шифохонага келиб, шу малҳамдан ичганимдан кейин кўрмагандай бўлиб кетдим. Ҳозир, умуман, дори деган нарсани билмайман. Ҳар-ҳар замонда профилактика учун келиб тураман. Бундан ташқари, қизимда ҳам шу касаллик бор эди, у ҳам даволанди. Айниқса, набирам гижжалар дастидан ранги ўчиб юрарди. У ҳам даволанди. Ҳозир кўрсангиз, ранги кириб, лўпшигина бўлиб қолган.

Олтинчи бўлим

**РАКНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ,
ҲАТТО ДАВОЛАШ
МУМКИН**


«БЕМОРГА ИМКОН БЕРИШ КЕРАК»

Халқ орасида давоси йўқ деб ҳисобланувчи ўсма, расмий тиб илмида «рак» деб номланган хасталикни, одатда, «оги йўқ» деб аташади. Бу шифо маскани раҳбари «унинг олдини олиш мумкин, ҳатто бу хасталикни иккинчи, учинчи босқичида ҳам жарроҳлик амалиёти-сиз бартараф қилиш мумкин», деган фикрда. Унинг мулоҳазаларини эшитган мутахассислар тиббиётнинг жарроҳлик йўлини инкор қилган табиблар кўп, у ҳам шулардан бири-да, дейишлари мумкин. Б.Эргашевнинг ўзи, юқорида айтганимиздек, Самарқанд тиббиёт институтида жарроҳлик мутахассислиги бўйича таҳсил олган. Шу боис, жарроҳлик йўлини инкор этмайди, балки бу амалга охирги чора сифатида қарайди. Унгача беморларга имкон бериб, ҳаракат қилиб кўриш керак, деган фикрда у.

Келинг, энди «Эрганг ога» тиббий марказида даволанаётган беморларнинг гапларига қулоқ тутаёлик.

«ИЧИМДАН ТУХУМ КАТТАЛИГИДА ШИЛИМШИҚ БЕЗ ОТИЛИБ ЧИҚДИ»

Магомед АТБАНОВ (Россия федерацияси Достон Республикаси, Левоши туманининг Левоши қишлоғидан, 1947 йилда туғилган):



— Бизни бу ерга худонинг ўзи олиб келган. Бир йили яқин биродарларимиз билан бирга Бухорога Баҳоуддин Нақшбанд зиёратига келдик. Зиёрат қилгач, бироз тин олиш илинжида бир четда ўтирдик. Лутин деган биродари-

миз томирлари бурган, шилган бегини очиб, сийлаб сийпаб турганида ўша ерда дам олиб турган бир хоразлик киши унга яқинлашиб, бу касалдан Каттақўрғондаги «Эргаш ота»да халос бўласан, деб қолди. Самарқандга Имом Бухорий зиёратига боришимизда шу сўхатгоҳга кириб ўтдик. Ўғлим билан Лутин навбат билан қабулга кириб чиқишди. Уч ойдан кейин келишини айтиб, гиёҳлар берибди...

Шу-шу бу ерда бутун таниш-билишларимиз даволаниб кетишди. Ўзим ҳам ошқазон-ичак яраси касаллигига учраб, ҳаётдан сўниб, қувватсиз жисмга айланиб аввал туманимиз касалхонасига бордим. Натижа бўлмади. Кейин Каспийск шаҳри касалхонасида икки марта ўн икки кундан даволансам-да, кучсизлик, беҳоллик мени тарк этмасди.

Ана шу алфозда юрганимда юқорида айтганимдек «Эргаш ота»га дуч келдим. Биринчи бора келиб малҳам қабул қилганимда шундай енгил тортдимки, асти қўяверасиз. Айниқса, бу сеҳрли малҳам менга куч-қувват бағишлади.

Иккинчи келишимда ростданам мўъжиза рўй берди, десам хато бўлмайди. 12-малҳамни ичгач, докторга мурожаат қилиб, мен автобус ҳайдаб кетишим керак, шу боис энди ичмасам майлими, йўлда беҳаловат қилмасин, дедим. У елкамга қоқиб, ичаверинг қувват бўлади, деди. Шу куни кўнглим айниб, ҳамма жойимга оғриқ кирди. Бутун вужудим терга ботди. Ёнимдагиларга мурожаат қилиб, розилик сўраб, менга бир нарса бўлса, шу ердаги энг яқин қабристонга қўйинглар деб айтдим. Қўсгим келди. Оғриқлар қаттиқ. Бир куч келиб қўсганимда, ичимдан тухум катталигида бир шилимшиқ без отилиб чиқди. Уни ошқазонда пайдо бўлган

ран тўқимаси дегилди. Ҳайратда қолдим. Инсонсангиз, кўзларим чарақлаб очилиб кетди. Кўзларим хира эди, дунёни ёрқинроқ кўра бошладим.

Овқат еганимда унинг жойи билиниб турди. Қолган 10 кунда ана шу ярани битириш учун соф ёрдан профилактика учун ичдим. Сочим опшоқ эди. Қора сочлар оралади.

Буни эшитганлар ҳайратда қолишди. Аминат исмли аёл Ростов шахрида ўзида рак борлигини аниқлади. Операция қиламиз, деганда, бу ерни эшитиб келди. 16 кун малҳам ичиб, енгиллашиб, қайтиб борганда, туман марказидаги УЗИ апарати тухумга ўхшаган нарса кўрсатган. Яна Ростов шахридаги Онкология марказига борибди. Қон таркибини текширишса, қиз боланикидай тоза чиқибди. Докторлар бу касаллик билан қон бу даражада тоза бўлмайди, дейишибди. У ерда 20 йилдан буён ишлайдиган докторлардан бири бундай ҳодисани ҳаётимда икки мартабагина кўрганман холос, дебди. Малҳам натижасида йиғилиб, тухумга айланган ўсимтани операция қилиб олиб ташлашибди. Шундан кейин аҳволи яхшиланмагач яна бу ерга келди. Операциясиз ҳам тушарди, дейишди бу ерда. Ҳозир у ўзини жуда яхши ҳис қиляпти.

Яна бир Зокир исмли танишим ички ишларда ишларди. Унинг қонидан Ростов шахри онкологлари рак тўқималари топишгач, уни ишдан бўшатишди. Бу ерга келиб ўн олти малҳамни ичиб қайтди. Парҳез даврини тугатиб, Махачкала шахрида қонини текширттирди. Қон тоза чиқди. Ишонмай яна Ростов шахри онкологиясига борди. Уларда ҳам қон тоза чиқди. Хурсандчилигини айтмайсизми! Яна бир қувонарли ҳол — уни ишига тиклашди!

нинг барчаси шифо топиб кетди. Бу гал биз 53 киши бўлиб, даволанишга келдик. Дунёда бундайин шифохона йўқ, деб ўйлайман.

Шифокоримизни ҳар намозда дуо қиламан, худодан уни ўз паноҳида асрашини сўрайман. Оиламиз, яқинларимиз номидан чексиз-чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

«ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ ОРТИДА БЕЗ БОР ДЕЙИШДИ»

Улғубек ХОЛОМОВ (Андижон вилояти Андижон шаҳридан):

— Мен бу касалдан тўрт йилдан буён азият чекиб келаман. Бошланишида ҳар олти ойда бир марта даволанар эдим. Кейинчалик бу муолажалар ҳар тўрт ойда бир мартага ўзгарди. Касалим янада оғирлашгани сайин 1-2 ойда бир марта муолажа оладиган бўлдим. Даволаниш муддати қисқариб бораётгани сабаб томография қилдириб, ичимда нима борлигини аниқлашга киришдим. Натижада ошқозон ости бези орқа томонида 3,5 — 2,5 ҳажмли без борлиги маълум бўлди.

Жарроҳларга мурожаат қилгандим, улар онкологларга учрашимни маслаҳат беришди. Андижон шаҳридаги врачлар билан гаплашдим, кейин Тошкентга бориб таниқли шифокорлар кўригидан ўтдим. Операцияни таклиф этишди. Мен рози бўлмадим.

Шунда онам Каттақўрғонда «Эрган ота» сиҳатгоҳи ҳақида айтиб қолдилар.

... Биринчи малҳамдан оғриқ бошланди. Бешинчи малҳамдан кейин ўт қонимдан тошлар туша бошлади. Шу касалдан қутуламан деган умиддаман.

София ХУДОЙБЕРДИЕВА (Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидан):

— Менга ўша «оти йўқ» касалликнинг ташхисини қўйинди. Сийдик йўлида без бор, дейишди. Кўзимга дунё қоронғу бўлиб кетди. Операция қилиш керак экан. Врачлар Тошкентга операцияга йўлланма беришди. Юрагим дов бермади. Бир ўзим Бердиқулжоннинг олдига келиб маслаҳат сўрадим. Бу киши менга шундай йўл-йўриқ бердики, болаларимнинг олдига умид билан қайтдим.

Бу ерда иккинчи бор даволанишимнинг ўн иккинчи кунда... мўъжиза рўй берди: рак тўқималари туша бошлади. Унгача эса буйрагим ҳам қум ва тузлардан тозаланди.

Шифокор Б.Эргашев изоҳи:

— София опамиз жуда оғир аҳволда — икки буйрагида туз-қум хасталиги, қовуқ ва сийдик йўлларида ўсма билан келганди. Шинша идишдаги анализга эътибор қилсак, унда рак пардалари, туз-қумларини кўришимиз мумкин. Албатта, бирдан-бир йўли операция дейилганди. Биз айтдикки, парҳез, гиёҳлар, малҳам, сабр-матонат ёрдамида узоқ муҳлат даволаниш керак. Келган пайтларида кун давомида 10—15 марта пешобга тез-тез борарди. Сийганда ачишиб, куйишиб оғриқ билан пешобга чиқарди. Баъзан сийдик тугилиб, қовуқ шилиб, беҳузур бўлиб кучли оғриққа сабр бўлган. Даволаниш жараёнида сийдик йўлидан рак пардалари тушди. Оллоҳнинг каромати билан София опамиз ҳаётида мўъжиза юз бериб, ҳозир соғлиғи мустаҳкам бўлганидан хурсандлиги чексиз.

ва ҳам ўз организмидан тушган тўқимани кўрсатиб, бу янгиликни таъкидлади. Булар — кўрганларимиз, лекин ана шундай натижалар фото ва видеоёзувларга олиниб, асраб қўйилганига ҳам гувоҳ бўлдик.

Ушбу рисоладаги фотосуратда эътиборингизга ҳавола қилинаётган рак тўқималари Самарқанд вилояти Гўзалкент туманидаги Зормон қишлоғида яшовчи Дилдора Тўхтаевадан тушган. Мазкур тўқима шаффоф рангда бўлгани учун суратда хира кўринади (рангли иловага қаранг).

Рак тўқималарини малҳам ёрдамида тушириш чинакам мўъжиза эмасми?!

«70 КУН ДАВОЛАНГАНМАН»

Хурсаной АҲМЕДОВА (1948 йил Самарқанд вилояти, Оқдарё туманида таваллуд топган):

— Мен 1990 йил бетоб бўлиб, туман марказидаги шифокорларга мурожаат қилдим. Шифохонада ўн кун даволандим. Бир ой ўтиб касалим яна хуруж қилди. Яна шифокорларга мурожаат қилгандим, улар вилоят марказига йўлланма беришди. Марказ шифохонасида даволаниб чиқдим. Соғлигим бироз тикланди. Аммо орадан тўрт йил ўтиб касалим яна ўзини билдирди. Биз яна вилоят марказий шифохонасига мурожаат қилдик. Шифохона ходимлари менга юрак хасталиги тапхисини қўйиб даволашди. Соғлигим бирмунча яхшилангандай бўлди, аммо қувончли кунлар узоққа чўзилмади. Шу тарзда бир йил мобайнида ушбу шифохонага қатнаб юрдим, аммо соғлигим тобора ёмонлашиб борарди. Энди биз бошқа шифокорларга мурожаат қилишга қарор қилдик ва Самар-

рига мурожаат қилдик. Улар ҳам бирмунча ташхисларни қўйишди. Шифохонада даволаниб чиқдим, аммо бу муолажалар ҳеч қанақа наф бермади. Бир оёғим касалхонада бўлиб қолди. Дард келса қўшалоқ келади, деганлари рост эканми, мен соғайиш ўрнига кундан-кунга сўниб бораётган эдим. Ҳаммаси 1996 йил бошида бошланди, энди шифокорлар ҳам ҳеч қанақа ташхис қўймас эди. Мен тамоман тўшакка миҳланиб қолган эдим. Турмуш ўртоғимга: бўлди, энди мен тузалмайман, мени ҳеч қандай шифокор даволай олмайди, шифохонага бормайман, ўладиган бўлсам ўз уйимда ўлай, деб йиғлар эдим. Ҳаётдан тамоман умидим узилган, кўзимга дунё қоронғу бўлиб кўринар эди. Нега ташхис қўйишмаганини — воқеанинг тўғриси кийинроқ эшитганман: охири марта шифохонага борганимизда шифокорлар менга эшиттирмасдан турмуш ўртоғимга сиз бошқа шифокорларга мурожаат қилиб сарсон бўлманг, турмуш ўртоғингиз тузалмайдиган касал, яъни рак бўлган, сапоқли кунлари қолибди, деб айтишган экан.

Ўша кунларнинг бирида турмуш ўртоғимнинг жияни келиб, «Ингажон, сиз умидсизликка тушманг, Каттақўрғон шаҳрида бир шифокор бор экан. Манзилини олдим, ўша шифохонага олиб борамиз», деди. Шифохонада парҳез қилиб, малҳам билан даволанар экансиз, албатта, тузалиб кетасиз, деб мени кўндирди. Ўшанда баҳор фаслининг март ойи эди. Мени машина орқа ўриндиғига ётқизиб Каттақўрғонга олиб келишди. Ўрнимдан тура олмас эдим. Шу боис, шифокор Бердиқул Жўрақулович текшириб кўриб: «Холажон, сиз тушкунликка тушманг, мен

Бунинг учун сиз сабр-тоқатли, иродали бўлишингиз керак», деб айтди. Бердиқулжоннинг шу гапларидан бошлаб ҳаётга умидим уйғонди. Шифохонада қолиб даволанишни бошладим. Мен ўрнимдан туrolмас эдим, шу боис, Бердиқулжон ҳар куни ўзи олдимга келиб малҳам ичкизар, аҳволимни сўраб турар эди. Кунлар ўтган сари мен ўзимни енгил ҳис қилиб борар эдим. Ўн беш кун деганда оёққа турдим бир ой деганда мендан ўзимга ноъмалум бўлган пардалар туша бошлади. Бердиқулжонга кўрсатган эдим, холажон сизнинг ҳаётингизда мўъжиза рўй берди, мана шу сизни қийнаб ётган номаълум касаллик бўлади. Сиз бу дарддан қутулдингиз, булар рақ пардалари бўлади, деб айтганида мен ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Даволанишим етмиш кун давом этди. Бир ой кучли парҳез тутиб, гиёҳлардан ичиб уйда турдим. Бир ойдан кейин қайтиб шифохонада 30 кун даволаниб, ўша кунлар мобайнида соғлиғим батамом тикланган эди. Бердиқулжон: холажон насиб бўлса сиз юзга кирасиз, деган эди.

Мана ушбу воқеага ўн икки йил бўлди, ҳамон соғлиғим жуда яхши. Ўтган ўн икки йил давомида ушбу тиббий марказда оила аъзоларимизнинг кўпчилиги даволаниб, шифо топди. Оила аъзоларимиз номидан Бердиқул Эргашевга узоқ умр, бахт-саодат, келгуси ишларида улкан зафарлар тилаймиз.

«НАҲОТКИ СИЗ ЎША БЎЛСАНГИЗ»

Ойниса САЙДУЛЛАЕВнинг эътирофи (1963 йилда туғилган):

— 2008 йилнинг март ойида ҳолсизланиб, мадорсиз бўлиб қолдим. Нуқул қусгим келарди, кўзим хи-

генагит оулансан, деди. Анализ топширдим — «отрицательный» чиқди. Бошқа инфекцион касалхонага бордим. У ерда ҳам ҳеч нарса чиқмади, лекин жигарим 2 сантиметр каттарган — шишган экан. «Эссенциале» дорисини ёзиб беришди. Икки пачка олиб ича бошладим. Лекин кун сайин аҳволим ёмонлашарди. Текширтгирдим — жигарим энди 3,5 сантиметргача шишибди. Бу аҳвол икки ой давом этди. Наманганлик табибни эшитиб, у ерга бордим — дамлаб ичиш учун гиёҳлар берди. Парҳез сақлаш керак — мева-чевалар ейини мумкин эмас экан. Икки ой парҳез сақладим, ўзгарип бўлмади. 25 июлдан 15 ноябргача ҳароратим 37,2дан пастга тушгани йўқ. 1 августда яна УЗИга бордим. Қисқаси жигаримда, ўт халтамда рак бор экан, юзимга қараб икки ойлик умрингиз бор, дейишди.

Онкологияга бордим — нур билан даволамоқчи бўлишди. Йўқ, тақдиримда борини кўрарман, дедим. Кун сайин аҳволим ёмонлашарди. Бир дақиқа ором олиб ётолмасдим. Жигарим шишиб, овриқларга бардош беролмай қолдим. Охири «Морфел» олишга ҳам рози бўлдим. Яна УЗИга тушдим. Докторлар: «Рак жигарни қонлаган, операция қиламиз, тузалиб кетасиз», дейишди. Ноилож рози бўлдим. Операция 22 октябрга белгиланди. Лекин худонинг хоҳиши билан «Эргаш ота»ни эшитиб қолдим. Бунга Анвар ака сабабчи бўлди. Бироқ, умид қилишга ҳам ҳолим қолмаган эди, негаки, Наманганга бориб табибнинг айтганини қилиб, наф кўрмаган эдим. Лекин бу докторни замонавий тиббиётда ўқиган, яхши бўласан, дея мажбурлаб олиб келишди. Бердиқул ака аҳволимни кўриб, олиб қолдилар. Малҳам ича бошладим. Еттинчи кундан илк мартаба рак пардалари тушган бўлса, ўн кунгача ҳароратим баланд бўлиб, азоб чекдим, яна рак пардалари

лар қайта бошлади. 24 кун ичида яна кўп тошлар ҳам тушди. Ўттизинчи кун аҳволим яхшиланиб, биринчи мартаба уйқум келди, ҳолсизлик ўрнини тетиклик эгаллади, танамда қувват пайдо бўлди. Ҳаётга, янашга умид, иштиёқ уйғонди. 29 ноябрда шифохонадан чиқдим.

Бироз фурсат уйда парҳез сақладим, кейин Онкологик диспансерга бориб, улардан ультра товушларнинг қоғозларини беришларини сўрадим. Беришмади. Самарқандда УЗИда ишлайдиган, жуда кўпчилик танийдиган мутахассис бор. Шу кишига жигаримни текширтдим. У киши мени танирди, жигаримни кўриб, ишонмасдан, сизлар эгизакмисизлар, деб сўрадилар. Мен, табиийки, йўқ дедим. Наҳотки, сиз ўша бемор бўлсангиз дея, у ҳайратини яширмади.

«БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС...»

Хурматой УМИДОВА (Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Гувалак қишлоғидан. 1951 йили туғилган):

— Чап оёвимда, умуртқамда без, юқори қон босими, юрак санчиши дардларидан азият чекардим. Етти-саккиз қадам юриб, ўтириб қолардим. Безлар санчиб оғрирди. Тик юролмасдим. Шифо излаб кўплаб жойларга мурожаат қилганман. Хусусан, вилоят кардиологиясида, терапия бўлимларида бир неча бор даволанганман. Шунингдек, вилоят онкологиясида ҳам умуртқа бези — рак ташхиси билан бир кун ётганман. Кейин уйга кетиб қолганман. Бир-икки кун ўтгач телевидение орқали Бердикул Эргашевни кўриб қолиб, бу ёққа шошилганман.



лар тўпланиб қотиб қолган экан, холестерин миқдори ҳам жуда ошиб кетган. Даволанишнинг илк кунлари бироз қийин кечди. Бешинчи малҳамдан кейин оқсаб-оқсаб бўлса-да, дам олмасдан 50—60 қадам юра бошладим. Кўплаб тузлар, холестерин тошлари тушди. Тўққизинчи малҳамдан кейин бемалол юра бошладим. Қон босимим тушиб, юрак санчмай қўйганидан кейин ўн саккиз кун деганда уйга жавоб сўрадим. Шифокор олти ойда қайта келишимни тайинлади. Барча безлар сўрилди, фақат чап тиззамда битта кичкинагина без қолди. Худо хоҳласа унинг ҳам кетишига ишониб қолдим.

Дарвоқе, тузалиб қайтгач, онколог врачга учрашдим. Текшириб, безлар йўқолганини кўргач, бўлиши мумкин эмас, қандай қилиб шу аҳволга келдингиз, деб сўради. Бор гапни айтдим. Хуллас, шифокоримизнинг бирига ўн берсин.

«МЕН ҚАЙТАДАН ТУҒИЛДИМ»

Шоҳида ОДИЛОВА(бухоролик):

— Мендан олдин бу ерга онам келиб кетган эдилар. Онамда йўқ хасталикнинг ўзи йўқ эди. Совуқ сув ичсалар юз-кўзлари шишиб кетарди. Бир кун соғ бўлсалар, тўрт кун касал эдилар. Шу ерга келиб бир йил ичида тўрт марта даволандилар. Охирги келганларида 30 кун малҳам ичдилар. Вужудлари беадоқ оғриқлардан қутулгани боис уйга борганларида «мен қайтадан туғилдим», деб айтганлари қулоғим остида турибди. Ўзимнинг касаллигимни ҳам оғир дейишганда, тўғри шу ерга келдим. 14-кун мендан рақ пардаси тушди.

Барака СОБИРОВА (Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги Косагорон қишлоғидан, 1962 йили туғилган):



— Оёғимнинг сон қисмида без пайдо бўлди. Безнинг катталиги нимкосадай эди. Онкологияга бордим. Олиб ташланмаса бўлмайди, дейишди. Операция пуллари, анализлар ҳаммасини айтишди. Касалхонадан уйга келгунча ўлмай туриб ўлиб бўлдим. Қайним шу касалдан икки ярим йил олдин ўлган эди, лекин уни Москваларгача олиб боришган эди, нафи бўлмаганди. Шунинг учун агар мен рак бўлсам ҳеч нарса қилиб ўтирманглар, дея тақдирга тан бера бошладим. Даволаниш учун ҳеч қаерга боргим йўқ эди. Бир кун бўлсаям болаларимнинг олдида ўтирай, дея шундай қилдим.

Бир куни мени кўргани келган Рўзигул опам «Мен «Эргаш ота»да 36 кун даволаниб, ўгимдаги тошимдан ва бошқа касалликларимдан қутулиб келдим, сенга ўхшаган касаллар ҳам даволаниб кетишяпти», деди. Бердиқулжоннинг қабулида бўлганимда, у мени кўриб, дардимни эшитиб: «Опа, сизга бу гапни ким айтди, бу ерда даволаниб тузалиб кетишингиз аниқ», деди. Ўлган кўнглим шу гапларданоқ тирилди, яшапга умид уйғонди. 18 та малҳам ичдим. 15-куни танамда қаттиқ оғриқ бўлди. Шу пайтгача ҳар куни неча мартадан ушлаб кўрадиган шишни сийпалаб ҳам қўймаган экан-

ганда дўхтирга ҳамма ёғим қақшаб оғриганлигини айтдим, энди яхши бўлмасам керак, дедим. Дўхтир: «Она хурсанд бўлинг. Сизга малҳам энди таъсир қилибди», деди. Шу кун иш ишга ушлаб кўрсам нимкосадай нарса пиёлача даражада кичрайибди. Кетадиган кунимда чигитдай катталиқда қолди. Дўхтир мени болаларим бағрига қайтарди. Она учун бундан катта бахт борми?! Яна бир бахт бор — бу фарзандларининг соғлиғи. Гап шундаки, ўғлим Очилов Камолiddин (1982 йилда туғилган) йигирма ёшда ҳам кўриниши, бўйи 12—13 яшар боладек эди. Инурез деган касаллиги йигирма ёшида ҳам уни тарк этмаганди. Тунда пешобини тутиб тура олмасди. Йигитлик ёшига хос бўлмаган белгилар билан қолган эди негадир. Дўхтирларга олиб бордик. Улар авлодингизда пакана одам ўтгандир-да, деган жавоб қилишди. Чунки у соғлом кўринар, меҳнатдан чарчамас, қишлоқнинг чайир боласи эди. «Эргаш ота»га олиб борсам-чи, деган хаёл келди бошимга. Чунки бу ерда барча касалликлар тузалиб кетганлигини кўрдим-да. Бердиқул ака уни кўриб, ичида гиж-гиж гижжа бор, деди. У билан бирга ўзим ҳам иккинчи бора ётиб, 15 кун даволандик. Олти ой ичида овозлари майинликдан эркакларнинг дўриллаган овозига ўхшаб, мўйловлари сабаза уриб, бўйлари ҳам ўсиб, яғринлари ҳам кенгаяётганлигини юрак-юракдан ҳис қилар эдим. Олти ой ўтгач яна «Эргаш ота»га келдик. Паспортини очиб дўхтир солиштирди. Шу йигит сенмисан, деди. Унинг паспортидаги сурати худди 12 яшар болаларникидек эди-да. Ҳозир у забардаст йигит бўлиб кетди. Уйлантирдим. Худо хоҳласа, ҳадемай неvara кўрамыз. Дўхтир дунё тургунча турсинлар.

Муҳаббат УСМОНОВА (1975 йил 17 ноябрда туғилган. Тошкент вилояти, Бекобод туманидан):

— Мени «Эргаш ота» шифохонасига дуои илтижоларим етаклаб келди, деб ўйлайман. Чунки 2003 йилгача менинг чеккан азобларим, қилган ноалаларим ёлғиз Оллоҳга ва ўзимга аён. Бу дарднинг бошланиши шундай бўлди: 2002—2003 йиллар бир неча кунлаб ҳайз кўриб юрар эдим, лекин бунга эътибор бермадим ва оғир касалликка йўлиқишимга ўзим сабабчи бўлдим. 2003 йилнинг охириги ойларида ҳайз кўришим кўнайдди. Шунда даволаниш учун аёллар шифокорига мурожаат қилиб, менга спирал қўйишларини айтдим. Шифокор эътиборсизлик қилиб, ичимдаги бир ойлик ҳомиламнинг устига спирал қўйибди, ярим жон бўлиб қолдим. Шу аснода уч кун лоҳас бўлиб юрдим, сув аралаш қон кетди. Тўртинчи куни «тез ёрдам» чақиртириб, шифокорлар кўригидан ўтганда ҳаммаси маълум бўлди. Кейин «аборт» қилиб ташлашди, лекин дардим баттар кучайди. Ҳайз кўришим тўхтамади, оғриқларим кучайиб борарди, назаримда, мени ер тортиб кетар эди. Шифокорлар УЗИга тушишимни маслаҳат беришди. УЗИ қоғозига «хронический эндометрит, хр. аднексит, миома матки», деб ёзиб беришди. Мен бу нарсанинг нималигига тушунмадим. Ҳалиги абортдан кейин тиф текканлиги сабабли «миома» деганлари ўсиб кетар экан. 15 кун ичида миома уч ойлик боладай бўлиб кетибди. Қон кўп кетар эди. Шу сабабли менга гармонлар қилинди. Ҳар хил укол-дориларнинг фойдаси бўлмади. Шифокорлар турмуш ўртовимга: «Аёлингизнинг маткасини олиб ташлаймиз», дейишди. Лекин у рози бўлмади. Чунки 3 та қизимиз бор, ўғил кўриш ниятида «Ноумид

лар. Бекобод туман шифохонасида 2003 йилнинг февралдан мартгача бир ой ётдим, бўлмади. Турмуш ўртовим бу ердаги операцияга қўнмай, Тошкентдаги 2-туфрукхонага даволаниш учун олиб келдилар. Бу ерда профессор Д. Фахриддинова «маткам»ни қолдириб, миомани олиб, ундаги томирларни «лазер» билан куйдиришни айтди. Операциядан икки ярим соатда чиқдим. Устига-устак вариколарим борлиги сабабли эртаси куни юролмай қолдим. Майда капилярларим ёрилганини, кейинчалик «тромб» ёрилишини айтишди. Уч кундан сўнг хирурглар варикози бор оёғимни операция қилишди. 40 дақиқада операциядан чиқдим. Оллоҳга шукрлар қилиб уйимга 2004 йилнинг апрель ойида болаларимнинг бағрига келдим. Лекин бир ойдан кейин яна аввалги аҳволга тушдим. Профессор опанинг айтганларига риоя қила олмадим. Улар қўёшда юрманг, газга яқин борманг, телевизор кўрманг, лампочка тагида ўтирманг, дегандилар. Шароитим тўғри келмади, натижада 6 ҳафталик миома пайдо бўлди. Шу дард билан 4—5 йилдан бери азоб чекмоқдаман. Мен олмаган гармон дори-ю уколлар қолмади. Охириги марта Бекобод шаҳридаги шифохонага ётдим. У ерда гемоглобинимни кўтариб, «маткам»ни олиб ташлаймиз дейишди. Турмуш ўртовим ҳам рози бўлдилар. «Сен соғ бўлсанг бўлди», дедилар. Бироқ ўзим рози бўлмадим. Уларни умидсиз қилишдан қўрқдим. Кечалари ухламай Оллоҳга илтижо қилиб йиғлаб чиқардим. Илтижоларим самарасида 1 ой ичида 4 марта операциядан қайтдим. Операцияга 3—4 кун қолганда «Эргаш ота» шифохонасини эшитиб, бу ерга келдим. Бердиқул ака ўз қўллари билан берган малҳам сабаб шифо топдим. Саккизинчи малҳамни ичгандан кейин билирубин, холестерин тошлари тушди. Тўққизинчи малҳамда ўт йўлларимдаги тош-

ма билан энди бошланаётган рак тўқималари туша бошлади. Бу нарса бир ҳафта, 10 кунгача давом этди. Бундан ташқари, наркоз таъсирида йўқолган хотирам тикланди, 3-даражали буқоқ касалим, оёқларимдаги варикозларим қайта бошлади. Яна келиб, қолган хасталикларимга ҳам даво топишга умид уйғотди. Бердиқул акага дуоларим, ниятларим чексиз. Мен у кишидан умрбод қарздорман.

«ТУХУМДОНЛАРИДА КИСТОМАСИ БОР ЭДИ»

Улбозор АНДАҚУЛОВА (Жиззах вилояти Зарбдор тумани марказида яшайди):

— Ўн икки яшар Гўзал исмли қизим 2006 йили қаттиқ оғриб қолди. Туман касалхонасига бориб даволанди, нафи бўлмади. Вилоят диагностика марказида ҳам даволанди, сираям ўзгариш бўлмади. Орадан икки ярим ой ўтгач, касаллик авжига чиқди, ишгаҳасиям, юришга мадориям йўқ эди. Аппаратга туширган врач «ўнг тухумдоида кистома» ташхисини қўйди. Мутахассислар тезда операция қилиш лозимлигини, акс ҳолда у ёрилиб кетиши мумкинлигини таъкидлашди. Бизни олиб борган қайним операция қилдирмасликни, Тошкентга олиб бориш кераклигини айтди. Шунда врач «Тошкентга олиб борасизми, Москвагами, чет элгами, барибир, операциядан бошқа чора йўқ», деди. Ноумид шайтон. Барибир қишнинг қаҳратон кунлари бўлса-да, Тошкентга йўл олдик. Ўн икки кунлик текширув натижалари яна операцияга келиб тақалди. Ўша пайтдаги азобларимизни эсласам дилим эзилади. Ўз оиламиз ва қайнимнинг оила аъзолари оёққа тик турган. Майли бир миллион сўмга яқин кетган пулни айтмайин

қизимиз бир умр ногирон бўлиб қолади, деган савол тинч қўймасди ҳеч биримизни. Операцияга бир кун қолганда «Эргаш ота» шифохонасини эшитиб қолдик. Илгари қулоғимга чалинган, лекин бунчалик ривожланганлигини, самарали эканлигини билмаган эдим. Бу ерда Бердикул Жўрақуловичнинг меҳрли далдаси билан 23 кун ётиб даволандик. Уйга келиб илгари кўринган аппаратга яна тушдик. Натижасидан врач ҳам ҳайратда қолди: «Наҳотки, операциясиз шундай катта жароҳат битган бўлса...». Олти ой ўтиб, профилактика учун яна келдик. Қизим соғайиб кетди, азизлар!

«МИОМА КИЧРАЙИБ – СЎРИЛИБДИ»

Нодира ШУКУРОВА (Қарши шаҳридаги «Нодирабегим» боғча-мактаб интернати ўқитувчиси):

— Гинекологик касаллик — миома билан оғригандим, буйрагимда қум, туз йирилганди, ошқозон ости бези касаллигим, ўн икки бармоқли ичакда ярам бор эди, қон босимим юқори эди. Тошкентга бориб, «MDS servis»нинг аппаратларига тушиб аниқлашмиш. Врачлар жарроҳлик йўли билан даволаниши ёки доимий парҳезни тавсия қилишди. Касалхоналарда ҳам кўп ётганман. Бу жойни эшитиб келиб, биринчи марта 15 кун даволанганман. 11 кило озиб, енгилгина бўлиб, анча тузалиб, уйга қайтдим. Маълум вақт ўтиб яна аппаратга тушдим. Буйрагингда туз йўқ, дейишди, 12 бармоқли ичакдаги ярани топа олишмади, миома кичрайиб — сўрилибди. Шундан ихлосим ошди. Афсус уч ойдан кейин (доктор айтгандилар) кела олмадим. Уч йилдан кейин бўлса-да, мана яна келдим.

Еттинчи бўлим

**ТЕРИ-ТАНОСИЛ
КАСАЛЛИКЛАРИ**

ТЕРИ-ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ ШИФОКОРИ НИМА ДЕЙДИ?

Муҳаммад РИЗАЕВ (Сирдарё шахридан, тери-таносил касалликлари шифокори):

— Кимё йўли билан тайёрланган дорилар фойда бермайди демайман, лекин бу дорилар биттагина дард-ни даволанига мўлжалланган. Мен «Эргаш ота» шифохонасиши уч йилдан буён эшитиб келаман. Қабулимга келган 600га яқин турли касалларга чалинган беморларни синов мақсадида атайлаб шу шифохонага жўнатиб турдим. Уларнинг ҳар бири шифо топиб, бошқа касалликлардан ҳам даволангани учун қайтиб борганда раҳмат айтади. Ниҳоят энди, мана, ўзим ҳам келиб даволаняшман. Шифокорнинг барча дардларга бирданига даво чораларини қўллаши энг тўғри усул, деб ўйлайман.

«15 ЙИЛЛИК ДАРДИМГА ДАВО ТОПИЛДИ»

Моҳира ЁДГОРОВА (Қашқадарё вилояти, Қарши шахридан):

— Ўн беш йилдан буён бормаган жойим қолмаган: қизим Хусноранинг териси оқарганди. 2-синфда ўқиб юрганида бўйнининг орқасида яранинг ўрнидай келадиган оқ доғ пайдо бўлди. Аввалига этибор бермадик. Кейин кенгая бошлади. Тери касалликлари шифохонасига бордик. Улар нур беришди, лекин оқ доғлар танада кўпайиб кетди. Шифокорлар у ёқда турсин, биз бормаган табиблар ҳам қолмади. Ҳатто Бухородаги бир чўл жойда 40 кун ту-

сарсон-саргардон бўлди. «Эргаш ота»ни эшитиб, бу ерга келдик. Терининг оқаришига гижжалар сабаб бўлганини ҳам шу ерда англадик. Ҳозир қизим даволанишга учинчи марта келди. Аввалига 24 кунлаб даволанганди. Анчагина наф кўрди. Мана, қаранг, юзидаги оқлар кетди ҳисоб. Яна даволанса, тузалиб кетишига менда ишонч туғилди. Ахир, ўзим стоматолог врачман. Ўзимда ҳам ошқозон ости беши ишламай қолди (панкреатит дейилади), ўт қопим безовта қиларди. Малҳамни ичиб, уйдаги бадимга урган «аптека»дан қутулдим. Умуман дори ичганим йўқ. Бу ерга бир дард билан келиб, бошқа дардларингизга ҳам даво топар экансиз.

«ОҚ ДОҒЛАР КЕТИБ, ТЕРИМ ҚОРАЙМОҚДА»

Ҳамро ЗИКРИЁЕВА (1950 йили туғилган. Қашқадарё вилоят, Косон тумани, Регзор маҳалласи, Косон кўчасидаги 24-уйда истиқомат қилади):

— 2004 йили биринчи марта даволанишга келдим. Тошкентда, Самарақандда, Чортоқда бир неча бор даволанган эдим. Лекин шифо топмадим. Бу ерга биринчи бор келганимда ўт халтамдан кўшлаб тошлар, буйракдан тош ва қумлар тушди, ошқозоним оғрирди, аллергия касаллигим бор эди. Теримда оқ доғлар бор эди. Ҳозир 8 марта келишим. Ҳар уч-тўрт ойда келиб тураман. Теримам қорайиб кундан-кун оқ жойлари тузаяпти. Ўғлим, қизим, набираларим — ҳаммасини олиб келдим. Биз бу ерда оилавий даволанамиз.

Боймирза КЎЧАРОВ (Нуробод тумани):

— Мен ҳозир «Ўткан кунлар»даги Юсуфбек ҳожининг гапларини эсладим: бизнинг даргоҳдан ҳеч ким ноумид кетмайди. Мен бу ерга келиб кетган кўп кишилар билан мулоқотда бўлдим. Гувоҳ бўлдимки, ҳеч ким бу ердан ноумид қайтмаган. Ҳамма дардига даво тошиб кетган. Мен ҳам жигар хасталиги билан даволаниб кетган ҳамкасб ўқитувчи дўстимнинг маслаҳати билан шу ерга келдим. Жигаримда санчиқ, ошқозонда оғриқ ҳамда гижжа-қуртлар бор эди. Шунинг таъсирида баданимда оқ доғлар пайдо бўла бошлаган эди. Мана бу ерга келиб, даволаниб, ўзимдаги ўзгаришларни кўриб кўзимдан ёш чиқиб кетди. Қанча-қанча мутахассислар тузатолмаган хасталикларни даволаяпти.

Саккизинчи бўлим

**БОШҚА
ҚАСАЛЛИКЛАРДАН
ШИФО ТОПГАНЛАР
ХУСУСИДА**

«КИСЛОРОД МАСКАСИДА ЯШАР ЭДИМ»

Элия Ханштейн (Олмония мамлакатидан):

— Биз Олмониянинг Ўзбекистондаги элчихонасида хизмат қиламиз. Бу шифо масканида бешинчи маротаба даволанишга келдик. Шунга қарамай ҳамон заҳарли ва зарарли моддалар (холестерин ва ҳоказо қуйқалар) чиқишда давом этмоқда. Илк марта келганимда дардим жуда оғир эди — кислород маскасида яшардим. Мана, уч йилдирки, ундан халос бўлганман. Бунинг учун Бердиқулга, унинг ходимларига раҳмат. Ўз соғлиғи билан шуғулланишга нима етсин. Энг муҳими, касалликнинг олдини олиш (инсон 150 йилгача умр кўриши мумкин, ахир)! Бунинг учун одам ичида тўпланадиган заҳарли моддаларни доимий равишда тозалаб туриши керак. Мен Олмонияда яшаганим ва кўп мамлакатлар тиббиётини билганим учун айта оламанки, бошқа жойда Бердиқул ишлатаётган муолажа усулини кўрмадим. Олмония дунё тиббиётида энг юқори ўринларда туришини мутахассислар кўп таъкидлашади. Лекин бу ердагидай бир жойнинг ўзида барча касалликларни бирйўла (комплекс) даволаш усули бизда йўқ, яъни биргина аъзодаги дардга, касалликка қарши курашилади. Бизда томография, УЗИ ва бошқа энг замонавий ускуналар жуда кўп. Лекин улар фақат аъзоларни кўрсатади, ҳисоб-китоблар қилиб, рақамларни беради, холос.

Комплекс даволаш бу — асаб системасини даволаш, қонни тозалаш, юрак, жигар, ўт қоғи, ошқозон ости бези, сийдик йўллари, буйрак, гинекологик аъзо-

ларни бирданига аниқлаш учун махсус ускуна яратиш мушкул. Шундай бўлса-да, биз Бердиқулга қимматбаҳо «УЗИ» ускунасини совға қилдик. Бироқ у бу ускунасиз ҳам тирнофингиз, тилингиз, қон томирингизни кўриб, тўғри ташхис қўя олади. Энг асосийси, барча хасталикларни бирйўла даволайди. Биз Олмониядан, ҳатто Австриядан ҳам таниш-билишларимизни чақириб даволатяпмиз. Улар ҳам ҳайратда қолишди.

ЭЛЛИК ҚАДАМ ЮРИБ, ЎТИРИБ ОЛАДИМ, ҚОН БОСИМИ 200/120 ЭДИ»

Багаудин БОГАТИРЁВ (Россия давлатининг Саратов шаҳридан, 1948 йилда туғилган):

— Мен ва турмуш ўртоғим — Зейнаб иккимиз ҳам сўнгги беш йилда бир неча хил касалликлар сабаб кўп азият чекдик. Қон томирлар тўлган, стенокардия, бош оғриқ, қон босими 200/120, оёқлар оғрир, эллик қадам юриб,



дардга чидай олмасдан ўтириб олардим... Кўплаб врачларга мурожаатлар, ичилган дориларни айтсам... Масалан, охириги марта бундан бир ярим йил аввал Саратов шаҳрида донгдор Темирйўлчилар касалхонасида янги ускунаю аппаратлар ёрдамида текширтириб, ташхис қўйдириб, 15 кун даволандим. Кейин дорилар қабулини давом эттиришни тайинлаб уйга жавоб беришди. Ҳар куни жами 18 хил таблетка

ди. Яна касалхонага қайта ётдик.

Фалакнинг гардишини қарангки, ўғлим Иляс ҳажга борганда, асли ўзбек Исмоил деган ишбилармон билан суҳбатда бу ҳақда гап очилади. Шунда у: «Отанашни касалхонама-касалхона ташиб, уларни қийнамасдан Ўзбекистонга, Самарқандга, «Эргаш ота» тиббий марказига олиб бор, ҳамма касали бирваракайига шифо тонади», дебди.

Ўғлим ҳаждан келибоқ шу иш билан шуғулланди. Беш кундан кейин Ўзбекистон сари поездга ўтирдик. Уч кечаю уч кундуз йўл юриб манзилга етдик.

Қисқача айтадиган бўлсам, 2013 йилнинг июль-август ойларида 21 кун даволаниб, 16тадан малҳам ичдик.

Биринчи уч кунда кечалари ухлолмай, азобланиб чиқдим. Врачга айтсам сабр қилинг, дейди. Ишонсангиз тўртинчи кун эрталаб ён йигитликдаги хуш кайфият, енгил вужуд, чаққон ҳаракатга интиёқ билан уйғондим. Лекин бир ҳафтадан кейин оёқларим оғрий бошлади. Биринчи кун индамадим. Оғриқ чидаб бўлмас даражага чиққанда яна Бердиқул Жўрақуловичга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. «Оёқлардаги, умуртқа поғонасидаги тузлар чиқишга бошлади, хавотир олманг, ҳаммаси яхши бўлади», деб далда берди кулимсираб. Айтганидай бўлди ҳам. Мапа бир йилдан буён енгил кундайман. Қон босими туңди, юракнинг тез уриши (стенокордия) ҳам йўқолди. Ҳаётий қувватим ошди, жуда кўн юрсам ҳам оёқларим оғримайдиган бўлди. Ҳатто кечалари ҳам роҳатлашиб тинимсиз юраман. Бунинг қандай бахт эканини юролмай қолган инсонлар жуда яхши тунунади.

медицина адабиётларини ҳам. Малахов, Брегг усуллари бўйича ўз организмимни тозалаш йўлида анча ҳаракатлар қилганман. Лекин натижа ва самара бўйича улар Бердиқул Эргашевнинг усулига яқин ҳам йўлай олмайди.

Президентингиз Ислом Каримов олиб бораётган оқилона сиёсатни, шу жумладан, миллат генофондини соғломлаштириш бўйича амалга ошираётган ишларини кузатиб бораман. Келиб кўрдимки, юртингизда медицина ҳам ривожланибди. Хусусан, мен шифо топган тиббий масканда профилактика учун келган анчагина ёшларни кўрдим, суҳбатлашдим. Давлат раҳбарининг даъватлари бесамар кетмас экан. Улар ўз саломатликлари, соғлом насл қолдириш учун нақадар муҳим эканлигини тушуниб етганлар.

Ўзим ҳам турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишлаб кўрганман. Бир мақсад йўлида жамоани аввало шакллантириш, қолаверса, бирлаштириш бу жуда ҳам катта иқтидорни, масъулиятни талаб этади. Бердиқул Эргашевнинг шундай жамоа ташкил этгани ҳаётий жасорат ҳисобланади. Бу марказдаги ҳар бир ходимнинг нигоҳларида, сўзларида, амалларида бизнинг касалхоналарда кам учрайдиган меҳрни кўрдим.

Зейнаб БОГАТИРЁВА(хотини):

— Россия касалхоналарида ҳам яхши мутахассислар йўқ эмас, лекин самимий қалб қаҳат. Жамоадаги бу вазият бош шифокорнинг имони мустаҳкамлигидан далолат беради. Бу ердаги илиқ муҳит сабаб ҳозир мана 2014 йилнинг май ойи яна давола-

хоҳласа, эрим билан жами уч маротаба узлуксиз даволанишга аҳд қилганмиз.

Багаудин БОГАТИРЁВ:

— Дарвоқе, биринчи гал ўн кило озиб, ранглар тиниқлашиб, яшариб борганимизда бизни Саратов темирйўл бекатида кутишга чиққан ўғлимиз ҳайратдан ёқасини ушлаб қолди. Қариндошу танишларимизда ҳам бу ҳолат такрорланди. Уларга Ўзбекистонда шундай тиббий маскан, унинг заҳматкаш шифокори, бетакрор шифо усули борлигини гапириб бердик. Бунинг учун Бердиқул Жўрақуловичга каттадан-катта ташаккур айтамиз. Сиз шундай шифокорингиз борлигидан фахрлансангиз арзийди.

«БЕДАВО ДАРДНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ ЭКАН!»

Хурсаной ТОҲИРОВА, Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳридан:

— Ҳамшира бўлиб 23 йил ишлаганман. 2 нафар фарзандим бор. Қизим Гулчирой Хусановани 2010 йилда турмушга бердим. Бир йил ўтиб ўғил фарзанд кўрди. Чақалоқ 4 кг 400 грамм тувилди.

Қизимни касаллигини айтишни бошляпману ўшакунни эсласам...

Кўзимнинг оку қораси, Оллоҳ тухфа этган нуридийдам фарзандли бўлганда кувончим ичимга сифмасди. Чунки уни ёлғизликда катта қилгандим. Онаси ҳам, боласи ҳам соғлом эди. Афсус кувончим узоққа чўзилмади. Набирам 11 ойлик бўлганда қизим иситмалай бошлади. Тезлик билан поликлиникага бориб анализ топширдик. У ерда буйраги шамоллаган деган ташхис қўйишди. Беш кунлик антибиотиклар

анализ топширдик, энди ревматизм дейишди. Яна 5 кунлик антибиотиклар олдик. Иситма яна чиқа бошлади. Менга қайнонаси телефон қилди. Қизимни олиб Андижон вилоят клиникасига Нела Убековага учрадик. Доцент зудлик билан умумий қон ва сийдик топширишни ёзиб берди.

Анализ жавоби чиқди. Не кўз билан кўрайки қонда шамоллаш СОЭ 49 эди. Лобарантга нега бунақа десам, жигар, талоқда ўзгариш бор, деди. Ахир менинг қизим ёшликда соғлом катта бўлган, инфекцион касал бўлмаган десам, шифокорингизга учранг, деди. Шифокорнинг ёнига кирдим. Анализ билан мени Гематология бўлимига олиб кирди. У ерда менинг қизимни оқ қон касал бўлганини айтишди. Кўз олдидим қоронғилашди. Наҳотки... Ишонгим келмапти. Адашган бўлманг, нуридийдам нега бунақа касал бўлади? Дардим ичимда, лекин қизимга анализ қозонини кўрсатмадим, чунки у ҳам ҳамшира эди. Зудлик билан Тошкент шаҳар Гематология бўлимига олиб бордим. У ерда илиқдан анализ олишди оқ қон таначалари 83 фоиз экан. Тезлик билан химиятерапия қилиш кераклигини айтишди. Рози бўлмадим. Ёлғиз аёл бошимни қаерга уришни билмасдим. Хоҳламасам ҳам химияга мажбур бўлдим. Яхшиям жигарларим, ака-ука, опа-сингилларим, яқинларим ва оиласи бор экан. Катта маблағ кетар экан дори-дармонларга, лекин гўзал қизимнинг соғлиғи олдиди кетган пул кўзимга кўринмасди. Биринчи химиятерапиядан сўнг бласт қолмади. Лекин икки ярим йил химия олиши кераклигини айтишди. Бизнинг қурбимиз зўрға 10 ойга етди. Бу вақт мобайнида кўрма-

санчилмаган жой қолмади. Охири ўзиям чидолмади. Сочлари тўкилиб, гармонлардан шишиб кетган эди. Сарсон бўлиб дорихоналардан ҳали дори, ҳали плазма излардим. Ахийри химия ва дори-дармонларга организм тўйиб реакция бера бошлади. Нима қилишимни билмасдим. Қизим шўрлик «Жон онажон бу ерлардан кетайлик, ортиқ чидай олмайман», дея зорланарди. Нега унақа дейсан, Яхёбек ўғлим учун яхши бўлишга, яшашга ҳаракат қил, деб ялинардим. Тунлари Оллохдан сўрардим, «Эй Раббим, қизимга ўзинг ёрдам бер, шифо бергин».

Қаердан нажот чиқаркин, деб ўзимни ҳар қаёққа урардим. Маҳалламиздаги кўшнилари «Эргаши ота» хусусий тиббий маркази борлигини айтишди. Оллоҳга таваккал қилиб 2013 йил май ойида Самарқандга йўл олдик. У ерга етиб бордигу, лекин ваҳимада эдим: шифокор қизимни қабул қилмасачи. Ахир унинг аҳволи овир эди-да. Шифокор Бердиқул Жўрақулович бизни илиқ кутиб олди. Йиғлаб юбордим. «Илтимос доктор, мен ҳам 23 йил халқ хизматида ишладим. Бор умидим сиздан. Қизимга шифо излаб келдим, ёрдам беринг. Қасалхонада даволатгани пулим ҳам, мадорим ҳам қолмади». «Ноумид бўлманг шифо берувчи Оллоҳдан сўраб, ҳаракат қиламиз. Биз сабабчилармиз холос», дедилар.

Малҳам ичишни бошлаган қизим аста-секин қувватга кириб, сочлари ўса бошлади. Тобора гўзаллашиб борарди. Шу тариқа ҳар 3 ойда 5 марта келдик. Ҳозир 5-келишимиз. Иликдан қайта анализ топширдик. Анализ натижаси яхши, қони 108. Бедаво дарднинг ўзи йўқ экан. Ҳар бир дарднинг шифоси

кон топаркан. Менинг «Эргаш ота» тиббий маркази Бош шифокори Бердикул Жўрақуловичга миннатдорчилигим чексиз. Чунки қизимнинг ҳаётга қайтишига сабабчи бўлди. Шу ерда ишлаётган ходимларга ҳам раҳмат айтиб қоламан.

Бизга яхшилик қилган барча инсонлар ва шифокорни умрбод дуо қилиб ўтаман. Оллоҳ икки дунё саодатидан баҳраманд этсин.

ОИЛАВИЙ ДАВОЛАНИШ МУМКИНМИ?

Кўпчилик ана шундай савол билан мурожаат қилади.

— Биз оилавий даволандик, - дейди ушбу маскандан шифо топиб кетган юртдошларимиздан бири **Бозорбой ТАГАНОВ** (Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл шаҳридан. 1955 йилда туғилган). — Бу биринчи навбатда оилавий соғломликни таъминлайди. «Эргаш ота»нинг бетақроп даволаш усули бор. Қолаверса, маблағнинг иқтисод қилинишига олиб келади. Дейлик, улардан бирининг қаеридир хаста.



Уни ҳар гал марказий шифохоналар врачларига олиб бориш, дорилар сотиб олиш ва ҳоказо чиқимларнинг барчаси оила иқтисодига салбий таъсир кўрсатади. Оилавий келсангиз бир машинада йўлқира ҳам арзонлашади, даволаниш пайтида уй шароитидан фарқли ўлароқ бир-бирингизга эътибор беришингиз осон бўлади. Бундан бошқа афзалликлари ҳам борки, уларни мазкур сиҳатгоҳда даволанган ҳар бир киши ўз ҳаётида синаб кўради. Мен бу даргоҳни жуфти ҳалолимни даволатиш учун югур-югур қилиб юрган пайтда топганман.

Рафиқам Рейима Қозоқовани (1954 йилда туғилган) бронх - нафас йўлидаги аллергия, танада тошма, қон босими, бўғин оғриқлари касалликлари билан ҳар йили Россия, Болгария ва юртимиздаги тўртта санаторияга олиб бордим. Ўша сиҳатгоҳларда аҳволи бироз енгилашса-да, уйга боргач эски ҳолга тушиб қоларди. Тошкентдаги Аллергия маркази мутахассислари тавсияси билан унинг ёстиқ, кўрна-тўшакларини синтефон қилдик, икки йиллаб узлуксиз дори ичишни таклиф этинди, айтганларини бажардик, натижадан эса дарак бўлмади...

Бир куни Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги «Нагорний» санаторийсига бориб, «Эргаш ота»ни эшитиб қолдик. Биз Тошкентга, ундан нариларга мана шу Каттакўрғонни босиб ўтиб кетаверибмизу эътибор бермабмиз. Врач Бердиқулжонга учрашганимизда, бизга руҳ берди.

2012 йил июнь ойидан муолажани бошладик, олтинчи малҳамдан кейин рафиқамнинг йўтали чидаб бўлмас даражада кучайди. Врач сабр қилиш кераклигини айтди. Икки соатдан кейин кўнгли айниб, қайт

қилиш натижасида шилимшиқ клейга ўхшаган нарсалар тушди. Шундан сўнг йўтал бирдан тўхтади, аҳволи энгиллашиб, дунёга бошқача кўз билан қарай бошлаганини айта бошлади. Мана бугунги кунгача тўрт маротаба профилактика учун келдик. Аҳволи яхши, вази ҳам энгиллашиб, 106 кг.дан 90 кг.га тушди. Ҳаракатлари энгил. Баданидаги тошмалар умуман йўқолди. Қон босими аввалгидай безовта қилмайди. Худо хоҳласа, ҳаж зиёратига тайёргарлик кўряпти.

Ўзимнинг ҳам касалим энгил эмасди. Ҳатто, бу дунё билан видолашиш даражасида тушкунликка тушган дамларим ҳам кўн бўлган. Бундан олти йил аввал, яъни 2006 йилда Тошкентдаги Ботаника санаторийсида қонимни текширтирганимда гемоглобин миқдори камлиги сабабли юракка кислород етишмаслиги хасталиги таъхисини қўйинди. Одамларнинг маслаҳати билан Россиянинг Калининград (Болтиқбўйида) шаҳрида 2009 йил август ойида бир ой муолажа олдим, 2012 йил июлда ҳам бир ой давомида рафиқам билан биргаликда даволандик. Натижа яхши бўлмади.

Сентябрь ойида «Эргаш ота»да хотинимни даволаш пайтида ўзим ҳам худога таваккал қилиб, малҳам ича бошладим. Саккизинчи куни эрталаб ич овриги билан уйғондим. Ҳожатга тувакка ўтирсам, ичимдан 200 гр.га яқин шилимшиқ бир нарсалар тушди. Уни видеотаёвирларга туширдим. Врачга ҳам кўрсатиб, нималигини сўраганимда жигарингизни қоплаган тўқималар тушибди, энди янгидан ҳаёт бошлайсиз, деб айтди. Ишонқирамадим. Даволанишдан кейин парҳез сақлаб, 20 кундан кейин жисмо-

ний меҳнат қилиб кўрсам ўзимга ўзим ишонмай қолдим. Чунки, илгари бир-икки дақиқа ишласам, нафасим сиқилиб қоларди, энди эса жисмоний ҳаракатлардан чарчамайман. Юрак безовта қилмайди, нафас олишим ҳам яхши. Ўзим 58 ёшда бўлсам ҳам, 10—15 йилга ёшаргандайман.

Ўзим ва хотинимдаги ана шу ижобий натижаларни кўргач, бошқа оила аъзоларимизни ҳам безовта қилган касалликларни аниқлаб, уларни ҳам олиб келишга қарор қилдим. Албатта, биринчи навбатда ҳаммамиз кичкинтойларни ўйлаймиз. Шу боис икки набирам Зафарбек (11 ёш) ва Охунжон (8 ёш) футболчи бўламиз деб майдонга талпиниб, 5—10 дақиқага етмасдан ўнг биқинидан оғриқ тутиб, келиб ётиб олишарди. Қонлари кам, иштаҳалари ҳам йўқ эди. 2012 йил ноябрь ойида уларни ҳам олиб келдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, касаллик ёш танламас экан, олти малҳамдан кейин Зафарбекдан уч кун ичида 120та мош катталигидан бошлаб ловиядан йирикроқ ҳажмдаги биллирубин тошлари кетмакет тушди. Охунжондан эса ўрик данагидек ва помидор урувидек кўшлаб тошчалар тушди. Врач «даволанишдан кейинги парҳезни яхши сақласангиз, югуриб чарчамайдиган, дарвозаларга голлар урадиган йиғитлар бўласизлар», деганди, бугун худога шукрки, набираларим овқатдан қайтмайди, футбол ўйнаб толмайди. Уларнинг кечгача мактаб стадионида тўп суриб, чарчамаётганини кўриб, шу ерда даволатганим учун ўзимдан ҳам хурсанд бўлиб кетаман.

Булар бошланиши эди. Қалит касаллигига учраган 72 ёшли кўшним, 50 йиллик терапевт Жумадурди Таганов овқат эса мустақил ҳожатга чиқа

олмай, 4—5 кун деганда хуқна қилиб ошқазонини сунъий равишда бўшатарди. Бу жараён 3 йилдан буён давом этиб, текширтмаган аппаратуралари, учрамаган врачлари қолмаганди. Бу ерга келгач, врач уни устоз дея даволашга киришди. Етти кун деганда Жумадурди ова ўзи мустақил равишда ҳожатга чиқди. Бунинг нима эканлигини бошидан ўтказган яхши биледи. Ҳозир аҳволи яхши эканлигини менга айтиб туради.

Яқинда акамининг қизи Муҳаббат Сатторовани (1970 йилда туғилган) қаттиқ «приступ» билан эртага операция деган жойида олиб келдим. Врачлар тезда операция қилмасак, ўт қони ёрилиши мумкин дейишган экаш. Тўғриси айтиш керак, «Орган ота»да даволанувчиларнинг кўпчилиги кўрди, тўрт кунлик узлуксиз овриқдан кейин бешинчи куни 30 дан зиёд катта-катта билирубин тошлар тушди. Кетин олдидан ҳар эҳтимолга қарши УЗИга тушганда, ўт қони бутунлай тозаланганини мутахассислар расман тасдиқлашди.

Ҳожи дўстим Маҳаммаджон Жуманиёзов ва Рўзимбой Бектемиров ҳам шу ерда даволанишди. Натижаси қувонарли. Булардан ташқари яна юзлаб танишлару, уларнинг қариндошларини ҳам олиб келганман. Уларнинг бирортасидан ҳам шикоят эшитганим йўқ.

Бу ерга икки марта келсангиз ўзингиз ички аъзоларингиздаги ҳар хил ўзгаришларни сезадиган, ҳис қиладиган бўлиб қоласиз. Бошқалардаги хасталикларни ҳам кўриб, уни ўзингизча нима қийнаётганини тахмин қила бошлайсиз. Чунки «Орган ота»да хасталиклар «гулдастаси» бир йўла баргараф этилади.

Айни пайтда тўртинчи келишимизда эр-хотин яна бир неча оила аъзоларимизни, хусусан, катта қизим Зумрад Таганова (1977 йилда туғилган), унинг Юлдуз исмли 14 ёшли катта қизи ҳамда жияним Дилдора Султонова (1982 йилда туғилган), опамнинг қизи Дилбар Сафониёзова (1962 йилда туғилган)ларни олиб келдик (суратда Бозорбой ака ва Рейима опа улар даврасида). Ўзимиз профилактика учун, уларни ҳам турли касалликлардан халос қилиш учун даволанаяпмиз. Бугун еттинчи кун — натижалар кўрина бошлади.

Шифо истаб қанча юртларни кездим, лекин ҳеч бирида шу ердагидек даво топмадим. Буни мен билман, худо билади. Врачимиздан минг бора миннатдорман.

«ТИШ ГИЖИРЛАТИШ ГИЖЖАНИКИ, ДЕЙИШГАНДИ»

Салим ОМОНОВ (Тошкент шаҳридан. 1970 йилда туғилган):

— Мактабнинг бошланғич синфида ўқий бошлаган ўқим Сарваржонни кечаси уйқотиб, ҳожатга олиб бормасак уйқуда тўнагини хўл қилиб қўярди-да, кейин хўлликдан безовта бўлиб бизни уйқотарди. Докторлар «Дринган» деган дорини маслаҳат беришди. Синаб кўрдик, фойдаси бўлмади. Кейин уйқусида тишини гижирлатадиган одат чиқарди. Бу гижжаники, дейишди одамлар. Шифокорларнинг маслаҳати билан уч кун кетма-кет ахлатидан намуна олиб лабораторияга топширдик. Таҳлиллар тоза чиқди. Бошланиши бўлса керак, дейишди.

Бу фурсатда «Эргаш ота»да гижжа хасталиги даволанаркан, деган хабарни эшитдик. Таътил пайтини

мўлжаллаб ўғлим билан бирга даволанишга келдик. Ўзим ҳам буйрагимдаги дардим сабаб бирга муолажа ола бошладик. Овқатсизликка унча ўрганмаган ўғлим икки литрлаб олма шарбати ича бошлади. Кеч пайт ётишда, уйдаги каби «будильник»ни тунги 12га мўлжаллаб қўяман. Икки кун тунда уни ҳожатга олиб чиқдим. Учинчи куни малҳам ўзимга ҳам яхшигина таъсир қилиб, бироз толиқибман чоғи, «будильник»нинг овозини эшитмай қолибман. Ярим тунда кичкина қўлнинг туртишидан уйғониб кетдим, қарсам, ўғлим: «Дада, ташқарига чиққим келяпти», дейди. Бу шунча йилдан буён биринчи марта айтилган ва мен кутган гап эди. Хурсанд бўлдим, лекин бир бўлгандир-да, деган хавотир ҳам йўқ эмасди. Эртаси куни синаш учун уйғотмадим. Тонда хабар олсам, ҳаммаси жойида, таги қушпа-қуруқ, ҳожатга ҳам чиқмаган. Даволаниш муддати тугагунча такрорланмади.

Тиш вижирлатиш масаласи нима бўлди, деб сўрасиз. Ахир биз шу мақсадда келгандик-ку. Тиш вижирлатиши ҳам ўтиб кетди. Бунга шифокоримиз Бердикул аканинг малҳами, гиёҳли ҳуқналари сабаб бўлганига имоним комил. Раҳмат, бордингизга шукур!

«ЙИҒЛАБ КЕЛГАН, КУЛИБ КЕТАР»

Рухсора ОЛЛОЁРОВА (Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридан):

— Биз, каттақўрғонлик Оллоёровалар ва марвилонлик Тўрахўжаевалар сулоласидан аксариятимиз шу даргоҳга келиб барчамиз даво топпимиз, хусусан, Одилжон ҳожи, Назирахон ҳожи она, Юлдузхон, Муно-



жатхон, Ҳосилжон Тўрахўжаевлар, ўзим билан бирга сингилларим Жамила, Комила Оллоёровалар, турмуш ўртоғим Жўрақул ака, ўғлим Нодиржон Ҳайдаровлар ошқозон яллиғланиши, ўт хасталикларидан форив бўлдиқ. Кимда тош бўлса, қутуляпти ёки бошқа ички дардларидан халос бўлаяпти, қушдай енгил тортиб, уй томон оиламиз бағрига учаяпмиз.

Йиғлаб келган, кулиб кетар,
Шижоатга тўлиб кетар,
Бош шифокор малҳамидан,
Дардга даво олиб кетар.

Ҳамширалар мисли баҳор,
Қўллаб юрсин Парвардигор,
То бор шундай шифохона,
Ер юзида қолмас бемор!

**«ЎНГ ҚЎЛИМ ЯХШИ ИШЛАМАСДИ,
БЎҒИНЛАРИМ, УМУРТҚАМ ОҒРИРДИ»**

Баҳодир ШҲЛАТОВ (Бухоро вилояти Бухоро туманидан. 1958 йилда туғилган):

— Мени касаллик бир йилдан буён безовта қила бошлади. Бўғинларим, умуртқа поғонаси оғрир, ўнг қўлим 40 фоизга ишлар, юқорига кўтарилмасди, овқат ея олмасдим, тинимсиз қалтирарди. Врачларга бир неча маротаба учрашдим. Асабдан дейишди. Кейин вилоят касалхонасининг Неврология бўлимида даволандим. Бирор ҳафта давомида дардим енгиллашди, лекин оғриқлар қолмади. Ўн кундан кейин эса яна

эски ҳолига қайтди. Яна бордим. Бир-икки ой дам олинг яна муолажани такрорлаймиз, дейишди.

Шу даврда қайнукамиз «Эргаш ота»ни маслаҳат бериб қолди. Тўғриси, сув билан даволайдиган бирор сиҳатгоҳни мўлжаллаётган эдим. Бу гапни эшитгач, таваккал қилиб шу ерга келдим. Бу 2004 йилнинг апрель оyi эди.

Еттинчи малҳамши ичиб, саккизинчи кунга ўтганда бир суткага яқин юқори ҳарорат билан юрдим. Врачдан сўрагандим, қўзғалиш бўлди, тузаласиз, деди. Эртаси куни ичимдан 20га яқин тош тушди. Саккиз кун жараёнида пешоб таҳлилидан ярим банка миқдорида туз, қум йиғилди. Ўнинчи кунга бориб, қўллар ҳам эркин ишлай бошлади, овриқлар эса кескин йўқолиб кетди.

Бердиқул Эргашевга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларига зафарлар тилаймиз!

«БИРДАН ЛАБЛАРИМ, ЮЗЛАРИМ, БАДАНИМ ҚАВАРИБ, ШИШИБ КЕТАРДИ»

Улман ҚЎЛДОШЕВА (Самарқанд вилояти Ишгитхон туманидаги Қайчили қишлоғидан. 1962 йилда туғилган):

— Касалим овир эди. Ногаҳонда бирдан лабларим, юзларим, баданим қавариб шишиб кетарди. Бизда эшканлаб кетди, дейишади. Эрталаб шишса, кечга ўзидан қайтарди. Касалимни қариялар «тишлатма», деб аташди.

Учрамаган врач-аллерголог қолмади. Самарқанд алергия маркази мутахассислари алергия танихисини кўйиб, бир курс дори ва уколлар ёзиб беришди. Дори-

лар истеъмоли даврида ҳам касалим такрорланаверди.

Шунда синглим мени «Эргаш ота»га олиб бормоқчи бўлди. Баъзилар «Ўзини ҳурмат қилмаган одам шу жойга боради», дея мени қайтаришди ҳам. Синглим барибир мажбурлаб Бердиқул аканинг қабулига олиб кирди.

Даволанишнинг тўртинчи куни бу ерда ҳам эшканлаб кетдим. «Баттар бўлдим», деб ўйладим. Докторга айтдим ҳам, лекин у энди яхши бўласиз, деди. Тўлиқ курсни ўтаб бўлганимдан кейин бутун вужудим покланиб, ўзимни жуда яхши ҳис этдим. Йиллаб мени безовта қилган мудҳиш касалликнинг сабаби топилди. Бу эса йиллар давомида ички муҳитимни қамраб олган гижжа хасталиги экан. Шифокоримиз тўғри гапирган экан, шундан кейин бу касаллик қайтарилмади.

Хулосам шу бўлдики, ўзини ҳурмат қилмаган инсон эмас, нафсини яхши кўрган одам бу сиҳаттоҳқа келишдан кўрқар экан....

«ЎНГ ТОМОНИМ ИШЛАМАЙ ҚОЛГАНДИ»

Исрофил ҲАСАНОВ (Бухоро вилояти Шофиркон туманида яшайди. 1959 йилда туғилган):

— Маълумотим олий, ветеринария врачиман. 2012 йили июнь ойида оғир мусибат билан инсулт дарадига учраб, қон босимим 280/140 ҳолида туман тез тиббий ёрдам клиникасида уч кун реанимацияда ётдим, кейин яна 10 кун давомида умумий хонада даволандим. Орадан бироз фурсат ўтиб Бухородаги хусусий клиникаларда ҳам профилактик муолажалар олишга ҳаракат қилдим, лекин қон босимим 170/120 дан пастга тушмади. Ўнг томоним ишламай

қолганди, ҳаётдан умидсиз, руҳан тушқунлик бор эди менда. Дориларни мунтазам ичиб юрдим.

Мен «Эргаш ота» сиҳатгоҳини аввалдан билардим. Медицинадан хабардорлигим сабабли, ўзим мантиқан ўйлаб, 2012 йил 26 декабрдан келиб даволана бошладим. Чунки бу даргоҳда инсоннинг организи, хусусан, ички органлар, қон томирлари тозаланади. Инсульт натижасида қотиб қолган ортиқча чиқиндилардан халос бўламан дея 24 кунлик муолажалардан кейин ўзимни анча яхши ҳис эта бошладим, қон босимим ҳам меъёрга тушди.

Ички ишончим ортганлиги сабабли 2013 йил 13 апрелдан 11 майгача яна даволандим. Бўйрак, ўт меъёрида ишлай бошлади. Сийдик миқдори камайиб кетганди, у ҳам яхшиланди. Ҳаракатларим анча тикланди, руҳий тушқунлик чекинди, энг асосийси, яшашга қизиқиш пайдо бўлди. Севган ишимга, фаол ҳаётга қайтдим. Ҳозир одамлар яна уйимга келиб, «дўхтир, молим касал бўлиб қолди, кўриб қўйинг», дея мурожаат қила бошлашди. Бориб, кўриб, маслаҳатларимни бериб, яна халққа хизматимни давом эттираётганимдан беҳад хурсандман.

Энди олти ойдан кейин яна «Эргаш ота»га бормоқчиман.

Шу ўринда марказ ҳақида икки оғиз фикр айтмоқчиман. Бу даргоҳ халқ табобати билан замонавий медицина ютуқларини жамлаб, ўзига хос муолажа усулига эга дунёда ягона марказдир. Бундаги усунлик касалликлар профилактикаси ва даволашнинг янги усулидир. Мен врачимиз ва унинг аҳил жамоасига муваффақиятлар тилайман.

«КАСАЛЛИКЛАР «ГУЛДАСТАСИ» МЕНДА ЭДИ»

**Муҳаббат МУҚИМОВА (Навоий вилоятининг
Учқудуқ шаҳридан):**

— Мен тўққиз фарзанднинг онасиман. Турмуш ўртоғим дунёдан ўтганлари учун оталик ҳам зиммамда. Мен бу касалликка 84-йили дучор бўлдим. Хўжайиним бирдан паралич бўлиб қолгандан кейин, биринчидан, «давления» деган бало ёпишди менга. Унинг орқасидан стенокардиянинг 1-, кейин 2-, 3-, 4-даражалари қўйилгач, ҳар қаерларда беш йил давомида ётиб даволандим. Хўжайиним тузалиб, тиклангандан кейин мени Москва кардиомаркази клиникасига ётқизди. Қайтиб келгач эса, яна хуруж давом этаверди. Кейинчалик томирларим шамоллаб бронхиал астма, деган бедаво касалликка йўлиқдим. Қуруқ жойга бориш керак, бошқа жойга кўчиш керак, дегандан кейин биз Навоий вилоятининг Учқудуқ шаҳрига кўчдик. Аммо у ерда яна юзта касал қўшилди.

1997 йили бу кишини овозларини эшитиб келдим. Ҳақиқатан, у пайтлар умуман шароит оғир эди. «Келинг, онахон хизмат», дедилар. Томиримни кўриб, «ўх-хў, касаллик букет бўлибди-ку», дедилар. Менинг сабртоқатим кучли дўхтир, дедим. «Майли онахон, мен ҳозир янги жой қурапман. 6 ойдан кейин келсангиз касалингизни тузатаман», дедилар. Лекин ўзбекчилик дегандай турли баҳоналар билан келолмадим. 1999 йили ўрнимдан туролмай қолдим. Қон босимим 270га чиқиб кетди. Мени «насилка»да олиб келишди. 57 кун даволандим. Осма уколларни литр-литр қуйишади, ўзгариш йўқ. Қандай олиб келган бўлсалар, шундай олиб кетдилар.

Москвадан келган 40 йиллик стажи бор фан доктори хўжайинимга энди тузалмаслигимни айтибди. Келинимга мени «Эргаш ота»га олиб боринглар, дедим. «Скорий» билан келдик. Дўхтир шундай қарадилар-да, мен ололмаيمان, дедилар. «Сизга бир гап бўлса мен жавоб бераман», дедилар. Йиғлаб-сиқтаганимдан кейин қабул қилдилар. 15 кун «пастельний режим»да ётдим. 42 кун малҳам ичганман. Совлигим бутунлай яхшиланди. Қолган умрим фойдага қолди. Неча йил умр кўрсам, Бердиқулжоннинг шарофати деб биламан.

«ОН – КВАЛИФИЦИРОВАННЫЙ ВРАЧ»

Раиса Ивановна ШЕХОВЦОВА (родилась в Кировоградской области, Украина):

— С 1980 года живу в Узбекистане, в городе Зарафшан. В 2001 году по совету добрых людей я приехала лечиться в клинику «Эргаш ота» с диагнозом гастродуоденит, холецистит, миома и камень в правой почке. Этот диагноз поставили врачи г. Зарафшана, а подтвердили этот диагноз в диагностическом центре в столице. Лечилась в стационаре и амбулаторно, улучшения были кратковременны. После лечения мальхамом я избавилась от миомы, вышел камень с почки.

Когда я после лечения решила показаться своим врачам, гинеколог Балябина долго искала мою миому, потом отправила на «УЗИ». Тогда я ей сказала, что и лечилась в Каттакургане в клинике «Эргаш ота». Она развела руками и сказала: «Зная ваш диагноз, я совсем не ожидала. Это просто чудо, которому придется верить». Уролог после «УЗИ» тоже очень удивился, потому что слышал об этой клинике, но не верил, а теперь поверил, ведь он меня готовил к операции. Параллельно

с этими болезнями я пролечила желудочно-кишечный тракт. После лечения в клинике, чувствовала себя хорошо лет пять. Вместе со мной на лечение приехали моя внучка и сын. У внучки были белые пятна по телу, врачи назначили разные мази, мы все делали по назначению врачей, но безрезультатно. Только после лечения в клинике «Эргаш ота», пятна полностью исчезли. Сейчас ей 16 лет, от этой болезни не осталось и следа. У сына был лямблиоз и проблемы с позвоночником, он в больнице лежал по три раза в год. Я его возила в Ташкент, в диагностический центр, после рентгеновского обследования ему поставили диагноз «Смещение позвонков» и если не лечить, то в будущем будет межпозвоночная грыжа. Назначали сыну курсы лечения, уколы, лечебную гимнастику, болезнь отступала на короткое время. Только после лечения в клинике «Эргаш ота» он избавился от лямблей и восстановил позвоночник. Прошло уже семь лет и за это время сын ни разу не лежал в больнице.

Сейчас я приехала лечить атеросклероз и артроз тазобедренных суставов, а заодно почищу желудочно-кишечный тракт. Я уверена, что избавлюсь и от этих болезней. Потому что нас лечит врач Бердикул Журакулович, а он врач от Бога.

«МНЕ НЕ НАДО НИКАКИХ САНАТОРИЙ, Я ЗДЕСЬ ОТДЫХАЮ»

Юлдуз АКАШОВА (жительница Сырдарьинской области):

— Хочу выразить слова благодарности почетному профессору и всему медицинскому персоналу. Я приехала сюда с огромным желанием вылечиться от

своего недуга. Как оказалось, здесь редко бывают больные с диагнозом «Депрессионный синдром». Врач психиатрической больницы в городе Ташкенте, где я лечилась, говорила, что буду всю жизнь пить лекарства, если перестану их пить, то буду болеть. После прохождения курса лечения в клинике «Эргаш ота», вот уже два года, как я не принимаю лекарства. Нормально силю. Все это благодаря огромной заботе доктора. Вся наша семья лечится только здесь. В этой клинике избавились от своих болезней мои родители, а сама я приезжаю сюда в каждые 6 месяцев. Мне не надо никаких санаторий, я здесь отдыхаю. У меня долго не было детей. После того, как я пролечилась здесь, у меня родился сын. Будучи беременной на седьмом месяце, с большим животом я продолжала лечиться. Все удивлялись, как же я могу голодать в таком положении, но как показал опыт, мой ребёнок благодаря усилиям квалифицированного доктора, родился здоровым и очень умным.

«ОҚҚОН КАСАЛЛИГИНИНГ БОШЛАНИШИ ЭДИ...»

Маҳфуза АҲМЕДОВА (1979 йилда туғилган. Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги Нозимахоним кўчасида истиқомат қилади):

— 1999 йили турмушга чиқдим. Ҳомиладор ҳам бўлдим, 41 ҳафталик бўлди, деб туғруқхонага олиб кетишди. Қоним кам экан, қуйишди. Лекин бола қорнимда нобуд бўлди, туғдириб олишди. Кейин Гинекология ва акушер-



лик институтида рўйхатга туриб даволандим. Қоним текширилганда «ЦМВ», «Герпес», «Уреоплазма», «Токсоплазма» вируслари чиқди. Узоқ даволандим. Шундан кейин кўп ухлайдиган, салга чарчайдиган, беҳаракат бўлиб қолдим. Шу ҳолимда яна ҳомиладор бўлдим. Гинекология институтида врачлар ёрдамида туғиб олдим. Болам жуда нимжон экан, салга шамоллайверди, дисбактериоз бўлиб қолди. Шифолар фойда бермагач, 7 ойлигида у ҳам нобуд бўлди.

2006 йили Тошкентдаги «Самсунг-фарма»га ишга кирдим, бир йил ўтар-ўтмас қаттиқ грипп бўлиб қолдим. Ишласам, чарчаб қолавердим. Орада уч кун фақат овқат емай, зардоб қусиб поликлиникага чиқдим. Қон таҳлили гемоглобининг 60, жуда паст дея Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтига юборишди. У ерда қоним текширилиб, «Аутоиммунний гемолитическая анемия (АИГА)» таъхиси қўйилди. Ўшанда қон таркибида гемоглобин 35га тушиб кетган экаи. Шу боис, ўн тўрт кун ётиб чиқдим. Кучли дорилар буюришди, лекин гемоглобиним 80га чиқди холос, меъёри эса 120—130 экан. Шундай бўлса-да, олти ойгача яхши юрдим, кейин яна касалим қайталади. 2007 йил 20 апрелдан 5 майгача даволандим, қон қуйишди, лекин гемоглобин бор-йўғи 64га чиқди. Шу йили 20 сентябрдан бошлаб ўн кун давомида уйда гармон дорилар қабул қилдим. Кўп ўтмай аҳволим яна ёмонлашгач, Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтида қонимни қайта текширишди.

Касалхонага келмасимдан олдин аҳволим оғирлашаверди, бир қадам юрсам ҳам чарчайман, узоқ

вақт аччиқ сафро қайт қилиб, кўзларим сан-сарик бўлиб кетди. Ич келиш бутунлай тўхтади. Шу ҳоликки ярим ой давом этди. Оғир ҳолатимда химия (кам доза) беришди. (200мг вв № 3, Дексаметазон (гармон) гемадез 400,0 мл в/в № 10, глюкоза 5% 500,0, аскарбиновая кислота 5% в/в №12).

Касалхонада 14 кун даволангач, яна қоним текширилди. Гемоглобин 82га чиқди. Бу касаллик бир ярим йил ичида 3 марта қайталади. Қондаги гемоглобин яна камайиб 60га тушаверди. Яна қон қўйишди. Гемоглобин 80га чиқди. Қора талоқ, жигар, ўт қопи текширилганда калькулёзний холицистит, хронический гепатит, дсб ташиxis қўйишди. Почкам шамоллаган, ўтда тош, буқовим, гижжам борлиги ҳам таҳлиллар натижасида маълум бўлди. Дардлар кундан-кунга кўнайса кўнаярдики, даволанишга ҳам, дардлар билан курашишга ҳам ҳолим қолмай, дунё кўзимга қоронғи кўриниб, яшашдан мақсадимни йўқотиб, аянчли ҳолга тушиб қолдим.

2008 йилнинг 31 ноябрь куни Беруний номидаги маҳалламиз раиси Бадриддин ака Расулов «Эргаш ота» ҳақида хабар етказдилар. Оғир аҳволда эдик. Ўзлари машина топиб, йўлқира тўлаб, ойим иккаламизни Каттақўрғонга, Бердиқул аканинг хузурига етказдилар. У киши ҳам бизни яхши кутиб олдилар. Жигардаги, ўт қопидаги ўзгаришларни, Тошкентдаги врачлар қўйган оқ қон касалининг бошлангани эканлигини, лекин худо хоҳласа яхши бўлиб кетишимни айтиб, ишонтирдилар. Иккинчи малҳамдасёқ жигардан рак пардаси тушди. Ойим хурсанд бўлган.

ларидан Бадриддин акага телефон қилиб, раҳмат айтибдилар. Еттинчи малҳамда холестерин тошлар туша бошлади. Ичим дори заҳарларига шу даражада тўлиб кетибдики, ҳатто 25-куниям оқиш сарғиш тикилмалар чиқишда давом этиб турди. Юзим тиниқлашиб, сариқлари ҳам кетди. Кўзимнинг таги ва тилим ҳам қизара бошлади. Қувват кира бошлади. Бердиқул ака яна келишимизни тайинлаб, жавоб бердилар.

Мафтуҳа ҚОДИРОВА (беморнинг онаси):

— Мен ҳам қизим билан бирга эдим. Бир ойча парҳезни сақлаб, кейин аввалги врачларга учрадик. Гематология институтида қон анализини кўриб ҳайратда қолишди. Негаки, гемоглобин 130га чиққан эди. «Эргаш ота»ни эшитганмиз, у ердан очликка чидолмай қанчаси қочиб келган, борманглар», деган баъзи врачларга кирдим. УЗДга ҳам атайлаб кирдим. «Қора талоқ, жигар нормада», деди. Фақат ўт



қопида икки-учта майда тошчалар қолганини айтди. Бердиқулжонга бир ойларда бориб кўришиб келди. У киши ҳам ўзгариш яхши томонга эканлигини айтиб, олти ойдан кейин келишини тайинлабди. 2008 йилнинг иккинчи майида бориб, яна ўн беш кун даволанди. Энди яшил тошлар тушди.

Маҳфуза АҲМЕДОВА:

— Биласизми, дардлар кўплигидан хаёлим парিশон бўлиб қолган экан. Даволангач, хотирам яхшиланди. Негадир одамлардан қочардим, улар билан гаплашишга ийманардим, соғайгач эса бу тортинишлар чекинди. Тушкунликлар, ғам-ташвиш кетди, фикрлай бошладим, дунёқарашим кенгайди. Энг асосийси, ҳаётга қизиқишим ортди. Орзу қилмай қўйган эканман. Янги орзулар билан яшайман. Шулардан бирини амалга ошириш учун тикувчиликнинг «Парда ва партьер курси»да таҳсил оляпман. Уйда ойим билан цех очдик. Газеталарда эълонлар бериб буюртма бўйича ишляпмиз.

Мафтуҳа ҚОДИРОВА:

— Ҳа, Бердиқулжоннинг малҳами фақат қизимнинг ҳаётига эмас, менинг ҳам ҳаётимга ижобий таъсир кўрсатди. Тикувчиман, сўнгги пайтларда шу ишимни бажаролмай қолгандим. Карахт юрардим. «Сахар»им ҳам кўтарилган эди. Ўт қопим «приступ» бериб турарди. Ҳозир ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. Қизимга қўшилиб тикишимни давом эттираяпман. Шунча одамларни ҳаётга — оиласига, касбу корига қайтараётган шифокоримиз барака топсин!

Ҳалигача ҳаяжондаман, Бердиқулжон яқин кишимизга айланиб қолдилар. Биринчи гал борганимизда имтиёзли, яъни бепул даволадилар. Худога шукр қиламан шу одамга учратганига. Ишонинглар, қизим сабабли жуда кўп врачу ҳамшираларга рўпара келганман. Тошкентдаги баъзи шифокорлар беморларга бўлган ўзбекона муносабатни шу «Эргаш ота» шифо-хонаси жамоасидан ўргансалар яхши бўларди.

«БАРЧА КАСАЛЛИКЛАРГА ДАВО ЭКАН»

Омонхон САИДОВ (Самарқанд вилояти, Тайлоқ туманидан, 1943 йилда туғилган):



— Мен бундан 30 йиллар аввал бўйрақда тош хасталиги билан оғриганман. Уни даволаш учун нафақат юртимиз шифокорлари, ҳатто, Россия давлати пойтахти — Москва шаҳридаги тажрибали шифокорлар ҳам уринишган.

Ўша пайтда Бердиқулжон тиббиёт институтида ўқиркан, шекилли. Лекин вақти келиб,

ўғлим ҳам шу хасталикка учрагач, бу касалликдан шу ерда халос бўлиб, оиламиз ва қариндош уруғларимиз учун мазкур тиббиёт масканини кашф этдик.

Бундан уч йил аввал йигирма қадам юриб, оёқларим карахт бўлиб, юра олмай, ўтириб қоладиган ҳолга тушиб қолдим. Бу умуртқа поғонасидаги ўзгаришлардан бўлса керак, дея тегишли замонавий аппаратлардан ўтиб, шу йўналишдаги тиббий муассасаларда даволаниб юрдим. Натижа эса қисқа муддатли бўлади, яъни кўп ўтмай яна эски ҳолатга келиб қолардим.

Шу орада пешоб келиши ҳам камая бошлади, бир гал тўхтаб ҳам қолди. Самарқанд, Тошкентдаги таниқли шифокорлар буни простата безининг катта-

лашиши, сийдик йўлини тўсишга сабаб қилиб кўрсатишди. Давоси расмий тиббиётда жарроҳлик йўли эканлигини, дори-дармонлар вақтинчалигини айтиб, «операция»га розилик беришимни сўрашди. Қишлоқимизда простата безини олдирган қарияларимиз аҳволини ҳисобга олиб, бу ҳақда оиламизда маслаҳатлашиб, «операция» ҳам даво йўли, лекин «Эргаш ота» тиббий марказида бир даволаниб кўришга қарор қилдим.

Тан олишим керак, турмуш ўртовим ва қизим билан бирга биринчи келишимда бир ой даволаниб, 24 та малҳам ичдим. Қовуқдаги оғриқлар кетиб, пешоб келиши ҳам яхшиланди. Шу билан бирга оёғимнинг карахт бўлиши тўхтади, йигирма қадам юриб ўтириб оладиган одам, тўхтовсиз дам олмай юрадиган бўлдим. Бердиқулжон бир ҳафталарда менда ўзгариш сизди шекилли, ҳассамни ҳам олиб қўйиб, «шифохонамиз музейига совға қиласиз», деди. Аввалига иккиландим, ўзимда ишонч сезиб ҳассасиз юрадиган бўлдим.

Хулосам шуки, шифокорнинг малҳами, нафақат буйрак, простата беги хасталиқларига, балки барча касалликларга даво экан.

«ЕТТИ ВРАЧ ҲАМКАСБЛАР «ЭРГАШ ОТА»ГА ДОИМ БИРГА КЕЛАМИЗ»

**Зулфия ИСКАНДАРОВА (Хоразм вилояти,
Урганч шаҳридан):**

— Мен медицина соҳасида 34 йилдан буён фаолият кўрсатаман. Ўзимнинг касаллигим сабабини ёмон экология ва нотўғри турмуш тарзидан деб биламан.

«Эргаш ота» тиббий марказига бешинчи бора келиб даволанишим. Бу шифо масканини топгунимга қадар сиҳатгоҳларда даволанар эдимۇ натижаси вақтинча бўлар эди. Чунки врачлар касалликнинг сабабини эмас, балки унинг аломатларини даволашарди.

Бердиқул Жўрақуловичнинг даволаш услуби: тананинг ўзи ўзини даволай олишига ишонади ва яратган гиёҳли малҳами ҳаётбахш қувват беради, даволайди. Бердиқул акани мен буюк шифокор, табиат доктори, минглаб беморларга шифо бераётган замонамизнинг Ибн Синоси деб тан оламан.

Буни мен ўз ҳаётим мисолида кўрдим. 2010 йил иккинчи бора ётиб даволанганимда 9-малҳамдан кейин мендан рак тўқимаси тушди. Йиллар давомида қабул қилинган дори-дармонлар, нотўғри овқатланиш натижасида танамда шлак ва хилтлар кўпайиб жигарни ишдан чиқарган экан. «Эргаш ота»да даволаниш даврида билирубин, холестерин тошлари, буйракдан қум, туз тушганига ўзим гувоҳман. Шундан буён аҳволим жуда яхши.

Аввало, бўғимларимдаги оғриқлар кетди, қон босимим юқори, юрагимда оғриқ бор эди — улар бар тараф этилди. Ўт йўлидаги димланиш ҳам йўқолди. Булар Бердиқул аканинг далдаси, малҳами, йўлга қўйилган гиёҳли ҳуқналар асосидаги ижобий натижалардир.

Бердиқул ака фақат танамизни эмас, руҳиятимизни, қалбимизни ҳам тозалаб, тўғри яшашга, касаллик билан курашишга организмда кучли ҳимоя механизмлари борлигига астойдил ишонтиради.

Биз, врачлар ўз ишларимизда кунига 15—20 нафар беморни даволаймиз, холос. Бердиқул Жўрақулович эса кун билан тик оёқда бир неча юзлаб беморларни кўриқдан ўтказиб, шифобахш малҳамини ичириб, яна кунига 100—150 нафар янги келган беморларни қабул қилади. Бунинг учун кишига илоҳий куч керак, деб ўйлайман.

Билишимча, дунёнинг ҳеч бир хусусий тиббий клиникасида бош врачнинг ўзи минглаб беморни ўзи кўриқдан ўтказиб, даволамаса керак.

Биз, 6—7 нафар хоразмлик врачлар ҳар гал бирга келиб даволаниб кетамиз. Ана шу даво топиб кетаётган ҳамкасблар номидан Шифокоримизга таъзим қиламан, клиника бундан ҳам ривожлансин дейман, ўзига эса метиндек қувват, мустаҳкам соғлиқ тилайман.

«БУҚОҚ(ЗОБ)ДАН ШИФО ТОНДИМ»

Хайринисо ЭРГАШЕВА (Самарқанд вилояти Ингитхон тумани, Уйғони қишлоvidан, 1970 йилда туғилган):

— 1993 йилда қизим Камолага ҳомиладор пайтим поликлиникага бордим. Врач сизда буқоқ борга ўхшайди. Самарқандга боринг, мутахассисга учранг, деди. Боришга оғриндим. Фарзандим дунёга келгач, икки-уч ой ўтгач мадорим қуриб, иштаҳам йўқолди. Оиламгаям, боламгаям бефарқ бўлиб, руҳий тушкунликда қолдим. Самарқандга ички безлар диспансерига бориб текширтирганимда, ҳақиқатан ҳам иккинчи даражали ташқи буқоқ (зоб) ташхисини қўйишди. Операцияга розилик

сўрашди. Ҳамма рози бўлди, лекин йўқ, деб туриб олдим. «Эргаш ота»да ётиб, даволанаман деганимда, буқоқни ҳам очлик билан даволаш мумкинми-кан, дея кинояли гап ташлашди врачлар.

Мен эса «Эргаш ота»ни танладим. Бу ерда ўн кун даволангач, аҳволим энгиллашиб, иштаҳаларим яхшиланди. Кўзимга уйда қолган олти ойлик чақалогим кўринди. Уни соғиниб, муолажани чала ташлаб кетиб қолдим.

1995 йилда худойим ўғил фарзанд ато этди. Икки ёшга тўлганда яна аввалгидек тобим қочди. Хасталик белгилари ҳам ўша эски касалимники эди. Малҳамни чала ичиш яхши эмаслигини англаб етгандим. Шу боис келиб 26та малҳамни сабр билан қабул қилдим. Шундан кейин соғайиб кетдим. 2000 йили яна бир ўғил фарзанд кўрдим. Энди бирор жойим оғриси-оғримаса икки йилда бир марта профилактика учун келиб, даволаниб кетаман.

Бош шифокордан бошлаб, оддий ходимларгача, барча-барчасидан хурсандман. Қалб сўзларим қуйидаги сатрларимда битилган:

**«Эргаш ота» хусусий
тиббий маркази ходимларига**

Қадиммас шу замонда,
Каттақўрғон томонда.
Бордир сўлим сиҳаттоҳ,
Доим бўлсин омонда.

Гиёҳлари шифоли,
Ичсанг тананг яйрайди.
Ҳамширалар иболи,
Офарингга яйрайди.

Аҳрорбек ўнг қўл «вазир»,
Кўплаб олқишга арзир.
Камолаю Наргиза
Хизматга шай беназир.

Етакчи қиз Саодат,
Танлагани табобат.
Чаққон қизларга раҳмат,
Ҳамма жой тоза, обод.

Нилуфар, Лола мадад,
Танда тошлар эрийди.
Гулчехралар парвона,
Кўнглингизга қарайди.

Зухридин, Робияга,
Айтамиз минг ташаккур.
Шербекжон, Манзураинг,
Юзидан ёғилар нур.

Илк ишчилар сафида,
Маърифатхон фидокор.
Ҳар ишда, ҳар юмушда,
Тартиб-интизом ҳамкор.

Муроджон, Олимжонга,
Қанча уста, қанча иш.
Касбига жони қурбон,
Шу ҳам эжанми ташвиш.

Эпчил ошпаз Садоқат,
Сабр-тоқат ёр дейди.
Шанба, бозор кунлари,
Парҳез овқат бор дейди.

Хайрлашиб Мунира,
Асал совға узатар.
Дейди — мунтазам ичинг,
Бор иллатни тузатар.

Минг дардга даво малҳам,
Мақтовга ожиз тил ҳам.
Олтин вақтни бой берсанг.
Қайтаролмайди пул ҳам.

Савобли бу ишларнинг,
Соябони зўр ҳаким.
Бир шеър ёзиб мақташга,
Бордир менинг ҳам ҳаққим.

Борлигингизга шукур,
Оллоҳ ўзи қўлласин.
Дард берган ҳам ўзидир,
Давосин ҳам йўлласин.

Тўққизинчи бўлим

**ЯНА ШИФОХОНА ВА
УНДАГИ ТАРТИБОТ
ХУСУСИДА**

ЮРТБОШИМИЗ ТАШАББУСИ ОДАМЛАРНИ ЎЗ СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАШГА ДАЪВАТ ЭТДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган лицензия асосида фаолият юритаётган шифохона 200 ўринга мўлжалланган. Унда даволаниш учун рўйхатда турганларнинг сўнгисига икки-уч ойдан кейин навбат етиб келади. Погиронлар учун имтиёзлар бор. Талаба ва мактаб ўқувчиларига маълумотномалар тақдим этилади. Уларга касаллик тарихидан кўчирмалар ҳам берилади.

Иқтисод тили билан айтганда, Б.Эргашев томонидан муассаса ташкил этилгач, 32 нафардан зиёд ёш мутахассис иш билан таъминланди. Минглаб беморларни даволаб, ўз касбига, юмушига қайтарди.

Шифохонадаги ҳар бир мутахассис ўз ишини билиб бажаради ва улар жамоа бўлиб ишлаганига меҳр



қўйинган. Ҳамширалар Манзура Қаршиева, Саодат Асадова, Мунира Ҳусанова, Дилафрўз Жиянова, ходимлардан Аҳрор Раҳмонов, Обид Қўзиёв, Шербек Товмуродов, Мурод Нуруллаев, Жасур Толипов, Элёр Эшпўлатов,

Шохруҳ Ишалиев, фаррошлар Дилафрӯз Норбекова, Ойниса Бобоқулова, Дилафрӯз Эсанова, Жамила Суюнова, Лола Орзиқулова, оператор Бегзод Аннақуловнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

— Юртбошимиз томонидан миллат соғлигини ўйлаб амалга ошираётган ишлар самараси ўлароқ халқимиз онгида ўзгариш ясади. Бугунги кунда касалликнинг олдини олиш, яъни профилактика учун келаётган кишилар сонининг кўпайгани фикримизга яққол далил бўла олади. Бу аҳолининг тиббий онги ошаётганлигидан, одамлар ўз саломатликлари ҳақида жиддий ўйлай бошлаганларидан далолатдир, — дейди бош шифокор Бердиқул Эргашев.

ШИФОКОР ҚАБУЛИ БЕПУЛ

ёхуд сабр фалсафаси

Кўпгина хусусий поликлиникаларда тиббий маслаҳат бериш ҳам пуллик. Баъзилар бундан оғринини ҳам бор гап. Бироқ «Эргаш ота»да барча маслаҳатлар бепул. Бердиқул Эргашев ҳар куни камида 100 нафар, айрим кунлари 200 нафаргача дардмандни хайрия йўлида қабул қилади, маслаҳатлар беради.

Юқоридаги мулоҳазалардан ҳам кўриниб турибдики, бу шифо масканида даволанман дегувчилар жуда кўп. Шу боис барчага бир хил тартиб жорий этилган. Куннинг аввалидан қабулга ёзила-



сиз. Шу тартибда тушдан сўнг соат 14.00 даш навбатга ёзиланларнинг қабули тугаювчиқа қадар, яъни соат тунги 22ми ёки 24ми — бош шифокор шу ерда бўлади.

Баъзи беморлар ўз дардини аниқлаб, шу захотиёқ «жой топиб беришни ундан талаб қилишади (хамма-нинг жони ўзига азиз). Бироқ шифохонада мавжуд имконият ҳамда Б.Эргашевнинг худо берган бир кунлик умри етишмаслиги боис, даволаниш учун ойлаб навбат куттишга тўғри келади. Қолаверса, бу муддатда ўз соғлигингизни яхшилаш, муолажаларга тайёрланиш учун маслаҳатлар, касалингизга мос гиёҳлар берилади. Гиёҳларни тайёрлаб, истеъмол қилиш, ички аъзоларни ўзига хос тарзда ўрганиш, яъни ўзига эътибор бера биллиш ҳам кишида сабр, бардошни тарбиялайди, энг асосийси, айтилган муддатда даволаниш учун жисмингизни тайёрлайди.

Қолаверса, шифохонада кўп бора эшитиладиган мақол ҳам сабр ҳақида: «Сабр қилсанг, тоғлар эгар бошини, сабрсизлар дардга эгар бошини».

ДАВОЛАНИШ МУДДАТИ

Бу ҳақда бош врач шундай дейди:

— Биринчи навбатда касалликнинг оғир-енгиллигига қараймиз. Касалликнинг ўткир шаклими ёки сурункали шаклими — шуларни инобатга олиб, беморнинг ёшини назарда тутиб даволаш муддати ўзига хос тарзда белгиланади. Шунингдек, даволаниш муддати касалликнинг турига ҳам боғлиқ. Масалан, ўт-тош касаллиги, буйрак-тош касаллиги, қум ёки туз касаллиги деймизми, бу уларнинг тарқиб, миқдори, катта-кичиклигига ҳам боғлиқ. Энди, асосан, даволаш муддати 18-24 кунгача давом этади.

Тўғри, 20 йил давомида биз жуда оғир касалликлар-

ни даволаганмиз. Ҳатто тўрт марта сариқ касал бўлиб, даволоччи врач: «Энди бўлмайди, тайёргарликларингизни кўраверинглар», деган беморларни ҳам 80 кунлаб, ҳаттоки 120 талаб малҳам ҳисобига дардан халос этганмиз. Гломерулонефрит (гипертоническая отточная форма) — бу жуда оғир касаллик. Шундай касалларни ҳам 60—70 кунлаб даволаганмиз. Ҳатто, Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидаги Д.Сафаров жаммоа хўжалигидан Муроджон деган 15 яшар бола лейкоз (оққон) касаллиги (верльгофа касаллиги ҳам дейилади) билан қарийб 80 кун ётди. Албатта, бу касалликнинг давоси йўқ дейилса-да, Оллоҳнинг каромати билан мўъжиза рўй бериб, даволаганмиз. Орадан 19 йил ўтибдики, ярағатнинг марҳамати билан у оила қуриб, уч нафар фарзандга оталик қилмоқда. Соғлигиндан ҳеч қандай шикайти йўқ, юқориди тилга олинган муҳрин касалликка умуман уйрамагандек.

Ёки 1,5 яшар Рустамжонни она сўтидан ажратмаган ҳолда олиб келинди.

60 кун қошиқда малҳам бериб соғайтирдик. Йиллар ўтибдики, бу йилгича ақлий ва жисмоний жиҳатдан фақат яхши натижалар кўрагаётгани ҳақида хабарлар олиб турамыз. Айни пайтда у спорт соҳасининг қаратё йўналишида қора белбоғ соҳиб.

XX асрдаги беморлар билан XXI аср беморлари ўртасида фарқ бор. Аввал-




лари жуда оғир хасталарни ҳам қабул қилар, дардига малҳам бўлардик. XXI асрда Юртбошимиз бошчилигида қўлланилаётган хайрли тадбирлар натижасида касалликнинг олдини олган афзал эканлигини халқимиз англай бошлади. Бизда даволанаётганлар малҳамларимиз, гиёҳларимизнинг сирли кучини ҳис этишиб, касалликни оғирлаштирмасдан келишиб, соғлигини мустақамлашаётир. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда даволаниш муддати 15 кундан 24 кунгача давом этмоқда.

МАЛҲАМДАН ЎЗГА МУОЛАЖАЛАР ҲАМ БОР

Ёхуд «Зўр ҳақим» ҳақида эшитганмисиз?




Шифохонада физиотерапия хизматлари, мануал терапия, уқалаш муолажалари ҳам қўлланилади. Гастроэнтеролог, гинеколог, стоматолог шифокорларнинг маслаҳатидан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Хорижнинг замонавий ускуналари келтирилган. Масалан, велотренажёр бўғинларда йивилган тузлардан халос бўлишга, оёқ қон томирларида қон айланишини яхшилашга хизмат қилади. Электромассаж — белдаги туз-



Электромассаж — белдаги туз-

ларни, бел ва думгазада ортиқча ёғ қатламларини йўқотишга ёрдам беради. Қорин бўшлиғини массаж қилади. Суякларни тортувчи, тўғрилашга хизмат қиладиган ускуна умуртқа диски, грижа, бел овриғи, курак ости тузларини бартараф қилишда қўл келади. Амплипульс шамоллашга, тузларга қарши яхши фойда беради.



Корея давлатидан «Nuga best» деб аталадиган замонавий даволаш мосламасини бу ерда «Зўр ҳаким» дея таржима қилишибди. Бир аппаратда уч хил даволаш ускунаси мавжуд. Улардан бири массаж каравоти бўлиб, у умуртқа поғонасини чўзиш, нуқтали уқалаш, қиздириш, инфрақизил нурлар ёрдамида физиотерапия, наст частотали миостимуляция, ионотерапия орқали умуртқа поғонасидаги касалликларни, хусусан, диск чурраси, остеохондроз хасталиклари, шу билан бирга асаб чарчаши, периферик нерв системаси (радикулитлар), су-

рункали жисмоний толиқишлар, гинекологик-урологик касалликларни даволашда жуда яхши натижалар беради. Айниқса, малҳам натижасида тозаланаётган тузларнинг умуртқа бўинларидан тезроқ тозаланишига кўмак беради.




Аппаратга тегишли яна бир мослама — нефритли қўл проектор (биз уни «телефон» деб атадик) мавжудки, унинг шамоллаган барча тана аъзоларига фойдаси каттадир. Қўл проекторининг ички қисмига ёритиб ва иситиб турувчи 5 нефритли плафон ўрнатилган. Температураси 40—70° гача бўлган қўл проектори танадаги оғриқли, шишган ва қон йиғилиб қолган жойларни сўрдириб, яранинг битишига ёрдам беради. Айниқса, уни жигар ва қорин қисмига қўйиш тавсия қилинади, юз ва бўйин қисмидаги оғриқларни ҳам уқалаш йўли билан баратраф этиш мумкин.

«Nuga best»нинг учинчи даволаш мосламаси паст частотали камар-миостимулятор — массаж каравотига ўрнатилган бўлиб, ундаги тоқлар суяк мушакларини ҳаракатга келтириб, ёр қатламларини йўқотади, ичак ва мимфа тизимини яхшилайдди, ичаклар ва ўт ажратувчи йўллارни яхшилаш учун қорин қисмида

фойдаланиш лозим.


Бундан ташқари, марказда, камар шолча ёки югурадиган шолча, қорин бўшлиғини ҳаракатга келтирувчи аппарат, куч талаб қилувчи аппарат, электр сувли ванна, магнитли терапия, ультратовуш аппарати каби ускуналар ҳам борки, уларнинг ҳар бири ўзига хос даволаш хусусиятларига эга.



ХАЛҚ УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Миллат солиғи ҳақида доим қайғуриб келаётган муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан тиббиёт муассасаларини энг замонавий техник ускуналар билан таъминлаш бўйича уларга имкониятлар яратиб берилмоқда. Бугунги кунда аниқ ташхис қўйиш бўйича дунё тиббиётида катта янгиланишлар содир бўлмоқда, янги-янги техникалар яратилмоқда. Масалан, МРТ (магнитно-резонансная томография) деб аталадиган қимматбаҳо техникани олайлик. У орқали бош миёдаги ўзгаришлар, касалликлар, умуртқа поғонасидаги қўплаб хасталикларни ва бундан ташқари бошқа аъзолардаги қатор хасталикларни аниқлаш, ташхисни жуда аниқ қўйиш мумкин. Бундай ускуналарнинг аксарияти пойтахтда, айрим вилоят марказларида mavjud бўлиб, бу аҳолига бироз ноқулайлик туздиради. Шу боис «Орган ота» тиббий марказида Самарқанд шаҳар Микрокредитбанкдан кредит олиниб, Жанубий Кореядан mavkur ус-





куна келтирилиб ўрнатилди. Каттақўрғон тумани Самарқанд ва Навоий вилоятлари оралиғида истиқомат қилувчи аҳоли учун яқин тумандир. Шу билан бирга нафақат юртимиздан, балки хориж давлатларидан даволанишга келаётган мижозлар учун ҳам яна бир қулайликдир.

Марказга келтирилган Япониянинг «Тошиба» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган «Aplio 500» УТТ рангли аппарати ёрдамида эса қўшимча диагностика тариқасида жигар, буйрак, юрак, ошқозон ости



бези ва бошқа барча ички аъзолардаги жараёнлар аниқ ланиб, касалликларга таъхис қўйилади.

ЯНА ҚАНДАЙ ИМКОНИАТЛАР МАВЖУД?

Шифохонада беморлар учун дўконлар ҳам ишлаб турибди. Унда кундалик эҳтиёжлар учун керак бўладиган нарсалар етарлича топилади. Барча хоналарда телевизорлар бор.

«Яқшанбани қандай ўтказаман», деган муаммога ўрин қолмайди. Шифохона маъмурияти талабларга биноан қадамжоларга сафарлар уюштиради. Дардингизга шифо топиш баҳонасида зиёрат қилишга ҳам имконият мавжуд.

— Беморларимиз даволаниш баҳонасида Самарқанддаги Имом ал-Бухорий, Регистон, Гўри Амир мажмуаларини, Дониёр пайғамбар мақбарасини, Бухородаги Баҳодуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилишни кўп сўрайдилар, дейди бу савобли ишда бош қон бўладиган Мирза Эргашев.



Қадамжоларга янги сафар олдидан

**АБУ АЛИ ИБН СИНО:
«ҚАНЧА КЎП ЕСАНГ, ОЧЛИК ҲИССИ ШУНЧА
ОШИБ БОРАВЕРАДИ»**

Ҳовлини айланиб сайр этиб юрган беморлар шифона деворларидаги ёзувларни бирма-бир ўқиб, мағзини чақишади. Шундай ёзувлардан бирида: «Ҳамма нарсанинг меъёри яхши», дейилган. Албатта, жисмонан кўп ишлаб ёки машқ қилиб толиққанингизда, кўп ўқиб, асабларингиз чарчаганида дам оласиз. Лекин овқатнинг меъёридан ортиқ истеъмол қилингани кейинроқ билинади, яъни безовта бўлганида киши «ошиб кетибди», деб қўяди.

Таом ҳақида алоҳида тўхталганимизнинг сабаби бор, албатта. Муолажа тутагандан кейин 24 кун парҳез қилишга тўғри келади. Буни сиз билан хайрлашаётганда бош шифокорнинг ўзи батафсил тушунтиради. Бироқ бу, парҳездан кейин овқатни меъёрига қарамай ейиш мумкин, деган фикрни англамайди. Қисқаси бу ҳақда Б.Эргашевнинг қуйидаги тавсиясига амал қилган маъқул:

— Инсон доимо ҳаракатда бўлади. Шунинг учун маълум миқдорда овқатланиб туриши керак. Аксарият ҳолларда одамлар тескари ўйлайди, яъни масалан, «кўрдингми ош, кўтарма бош», деган гапни олайлик. Нималарни истеъмол қиламиз, қанча еймиз — гап шунда. Шу боис, сиз таъкидлаган ёзувларимизнинг орасида «Рухни, онгни даволамасдан туриб, танани даволаб бўлмайди», деган нақл ҳам битилган. Буюк ҳаким Ибн Сино ошқозон — бу қозон, қанча кўп есанг, очлик ҳисси шунча ошиб бораверади, деганлар. Шу маънода, ҳар бир кишининг қалби, юраги, виждонига ҳавола — қанча кам овқат ейилса шунча яхши. Бу ўринда Ибн Сино-



нинг яна бир фикрларини келтириш жоиз, деб ўйлайман. У зот: «Тўқ инсон очликдан ўлиши мумкин», деганлар. Ичакларимиз 9 метрдан 12 метргача бўлса-да, асосий сўрувчи («форсункалар») қисми тўлиб қолса, овқат организмга мутлақо сингмайди, ҳазм бўлмайди. Демак, организм овқатдан озиқ ололмайди. Оқибатда одам хасталикка учраб, ҳаётини хавф остига қўйиши мумкин.

ЯХШИЛИК ҲАЁТ МОҲИЯТИДИР

Олмониялик Элия Ханштейннинг «Бердиқулни авайланглар, агар асролмасангиз Олмонияга олиб кетамиз», деган ярим ҳазил, ярим чин гапи бизни ўйга толдирди. Суриштирдик. Аниқлашимизча, илк йилларда унга айрим расмий идораларнинг баъзи раҳбарлари томонидан турли-туман қаршилиқлар ҳам бўлган экан. Лекин 1998 йили Ўзбекистон Президентининг соғлиқни сақлаш тизими, айниқса, хусусий тиббий масканларни ривожлантириш бўйича чиқарган фармони айни муддао бўлибдики, буни Б.Эргашев ҳар икки гапида шукроналик билан таъкидлайди.

Одий бир ўзбек оиласида фарзанди ўз салоҳияти билан, қолаверса, бобоси Эргаш отанинг халқона табобатини ўз илми билан бойитиб, шундай натижаларга



эришаётган экан, унга фақат кўмак бериш лозим, деб ўйлаймиз. Донишмандларнинг: «Агар ёрдам беролмасанг, халақит ҳам берма», деган ўгити бу ўринда ҳақиқатдир.

Дарвоқе, бу даргоҳга келганлар унга ҳар хил нигоҳ билан қарашни мумкин. Бири дарё бўйидаги сўлим жойда жойлашган, салобатли, замонавий биноларни кўриб, унга

сарфланган маблағларни чамалаб, унинг соҳибида пул, бойлик кўп, дея ўйлайди. Бошқа биров бу шифохонадан мадад олиб, саломатлик орттирайин, дейди.

Сиз ўзингизни соғ-саломат ҳис қилаётган бўлсангиз-да, ана шу иккинчи қарашга мойиллик билдинг — шифо топасиз. Биринчисини эса ўйламанг, шу ўй барибир хаёлингизга келаверса, билингки, ичингизда ҳасад бор. У билан курашинг, дунёдан, хусусан, шу ҳақимнинг эрталабдан ярим тунгача сиз каби инсонларга ҳам сўзи, ҳам ўз малҳами билан дармон бўлаётганидан ЯХШИЛИК изланг. Худодан эса шифо истанг... Шунда ҳам ҳасадингиз шифога талпиниб келаётган беморларни пул сифатида ҳисоблайверса, оддий мантиқни ишга солинг. Шифокор сизга умрини бағишламаяптими? Бу пулларга у Худо берган ва одамларни даволашга сарфлаётган УМРини қайта сотиб ололмайди-ку!

Ўз ҳаётини одамлар оғирини енгил қилиш учун сарфлаш эса яхшиликнинг асlidir. Яхшилик эса инсон ҳаётининг моҳиятидир.

БЕМОРНИНГ КЎЗЛАРИ

*Халқ табобати зуккоши,
фахрий профессор
Бердиқул Эргашевга*

Беморнинг кўзлари нажот истайди,
Сўлвин чехрасида сўнгсиз уқубат,
Шифокор азобда, минг бир азобда,
Наҳотки бу сафар енгилса Ҳаёт?

Тангридан ўзига йўриқ тилайди,
Беморга сўрайди сабру қаноат,
Кезади хонада ўртаниб ёлғиз,
Бутун вужудида унсиз бир фарёд.

Кошкийди ҳар табиб сиздай бўлсайди,
Четлаб ўтмасайди имон кўнригин,
Дардлар чекинарди, тўка олмасди,
Беморнинг, ҳаттоки, битта кипригин.

Ишонинг, ҳеч бир дард буза олмасди
Одамнинг сиҳату соғлиқларини,
Даволаб юборса бўларди, балки,
Хаста дунёмизнинг оғриқларини.

**Ўта МУҲАММАД,
Иштихон тумани,
Қорахони қишлоғидан**

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Муаллифдан

Ушбу рисола хизмат сафарига чиққан журналистнинг одатий уч кунлик кечинмалари эмас, балки буйрагидаги, ўт қопидаги тош балосидан, «гепатит В», ошқозон ости беши, ўн икки бармоқли ичак яраси ва яна қатор касалликлар «гулдастаси»дан халос бўлиш жараёнида кўзлари билан кўрган, қулоғи билан эшитган таассуротларидир.

Дарвоқе, буйрагим ва қовуғимда тош борлигини «преступ»нинг чидаб бўлмас даражадаги оғриқларидан кейин «MDS-Service» тиббий марказининг ўша пайтдаги энг ноёб ускуналари орқали текширишлар натижасида билдим. Тошни операция йўли билан олиб ташлаш кераклиги тўғрисидаги клиника ваъчи хулосасидан (09.07.2004. соат 10.49) сўнг Тошкентнинг яна бир қанча таниқли нефрологу урологларига учрадим. Касалхоналардаги такрор муолажалардан ва сувлари машхур санаторийлардаги «тош қувиш» жараёнларидан сўнг ҳам аҳволим яхшиланмади.

Шундай кунларнинг бирида журналист акамиз, «Олтин қалам» миллий мукофоти совриндори Норқобил Жалил шу жойни маслаҳат бериб, ўзи билан олиб келди.

Икки мартаба даволаниш тафсилотларини такрорлаб ўтирмайман, зеро, китобда ўз фикрлари билан қатнашган аксар шифо топганларнинг ички аъзоларидан тушган «мўъжиза»лар менда ҳам бўлган. Иккинчи даволанишдан сўнг юқорида менга ташхис қўйган тиббий марказнинг малакали ваъчига ва мутахассислари-

га мурожаат қилдим. Аввалги қоғозларимни кўрсатдим. «Яхшилаб текшириб кўринглар, қаеримдадир тош бўлиши керак», дедим. Роса текширишди, буйракда озроқ туз топишди, лекин тош йўқ дейишди (09.04.2006. соат 14.15). Дарҳақиқат, тошнинг ўрни ҳам сезилмай қолганди. Буйракдаги туз муаммоси эса навбатдаги муолажада ҳал бўлди.

Буйракдаги хасталик, жигар гепатози — меъёрдан юқори қон босимини келтириб чиқарганди. Машхур кардиологларнинг маслаҳати билан «Энам», «Энап» ва ҳоказо қиммат-қирон дориларнинг мунтазам «мухлиси» бўлганман. «Мухлислик» шундаки, айтилган дориларни узлуксиз (эрталаб битта, кечқурун битта таблетка) истеъмол қилишни тўхтатсам аҳволим ёмонлашарди. Уйимда каттагина «дорихона» пайдо бўлди, кейин билсам жигарим ҳам «аптека»га айланган экан. Қон босимидан қутулиш учун, нафақат, кардиология ва нефрология марказларида даволанганман, ҳатто, илгани жойимни ҳам ўзгартирганман...


Жонкуяр шифокор Бердикул Эргашев фикрлари ва шифо топганлар иқдорларидан англагандирсизки, камина касалликнинг асосларини эмас, ўша аъзоларни вақтинча асраш учун кимёвий дориларни мунтазам қабул қилиб, вужудимни азобда, асабларимни кўрқувда сиқлаган эканман.

Жорий 2014 йил, яъни мазкур китобнинг ушбу тўлдирилган нашри ёзилаётган пайтда камина, адашмасам, мазкур шифо марказига тўққизинчи бора келдим. Баъзи пайтларда буни эшитган илк мартаба келган беморлар ҳафсалалари пир бўлиб «Ҳали ҳам тузалмадингизми», дея савол беришади. Жавобим эса аниқ: МЕН СОҒЛОММАН, ЛЕКИН АВВАЛГИДЕК КАСАЛ БЎЛИШНИ ИС-ТА-МАЙ-МАН!!!»

ШИФОКОР ТАВСИЯЛАРИ

Қабулдан сўнг...

Қабул, одатда, куннинг иккинчи ярмида ўтказилади. Юқорида таъкидланганидек, қабул ва тиббий маслаҳатлар бепул. Агар сиз бизнинг беморимиз бўлсангиз, албатта, келадиган кунингизни белгилаб, йўланма берамиз ва унга қадар уй шароитида даволаниб турасиз. Бунинг учун касалингизга мос равишда сизга шифобахш гиёҳлар берилади. Улардан фойдаланиш ва даволаниш жараёнида парҳез сақлаш тартиблари ҳам сизга тақдим этилади. Барча тавсияларни белгиланганидек бажарсангиз, аввало, дардларингиз енгиллашади, шунингдек, шифохонамизга келиб тезроқ соғайишингизга кафолат бор.



Шифохонамизда даволаняпсиз...

Шифохонамизда даволаниш муддатингиз етиб келди, жойлашдингиз. Даволаниш жараёни беморнинг қон томирларига асосан (*Aa Radialis*), тирноқ ости қон

томирларига, беморнинг ташқи кўринишига, шунингдек беморнинг шикоятларига қараб ташхис қўйилгандан сўнг, беморларни шарқона услубда гиёҳлар, ноёб малҳамлар, шарбатлар, мануал терапия ва беозор омиллар билан даволаш бошланади. Шундан сўнг сургувчи гиёҳлар ва ҳуқна(клизма) орқали ичаклар тозаланади. Ҳар бир беморни ҳар куни шахсан ўзим қабул қилишимни ва бу жараёнда кетадиган вақтни ҳисобга олсангиз ўрнатилган ва кўп йиллардан буён синовдан ўтган тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилишингиз даркор.

Малҳам ичдингиз...



Таъкидланганидек, малҳамни ўз қўлимдан олиб, ўз назоратимда истеъмол қиласиз. Қабулдан чиқиншингиз биланоқ ҳамшира қизлар қўлингизга «грелка» тутқазишади. Уни олиб тезда хонагизга бориб, «грелка»ни суратдагидек ўнг қовурғангиз остига қўйиб, тинч ва хотиржам, қимирламасдан бир ярим соат ётишингиз талаб этилади. Ҳозир ривожланган даврда яшаймиз. Ким-

дир шу фурсатдан фойдаланиб, ором ўрнига ётган ҳолича бутун қариндош-уруғ, дўсту ёрларига тинимсиз кўнғироқ қилиб ҳол сўраб чиқмоқчи бўлса, адашади.



Лирик чекиниш ёхуд қозон тозалашни биласизми?

Қозонни тозалаш жараёнидан бохабарсиз, деб ўйлаймиз. Қозон ифлосланиб қорайганлиги сабабли ўтда куйдирилади, қизий бошлагач, кейин тутаб ёна бошлайди. Натижада қозондаги барча доғлар кулга айланиб тушиб кетади, қозон эса аввалги ҳолига қайтади. Шу каби шифохонамизда даволаниш даврида бемор танасида мавжуд бўлган ҳамма захарли модда ва улар сабабли пайдо бўлган касалликлар бу муолажа туфайли эриб ҳазм бўлади. Қолдиқлари — «кули», яъни газлар ўнқадан, қонда эриган моддалари сийдик билан, ичакда қонда сўрилмай қолганлари ҳуқна орқали чиқиб кетади. Натижада бемор танаси покланади.

Ҳуқна...

Бир ярим соат ўтгач, албатта, шифохона ҳуқнахонасига боришингиз керак бўлади. Ундан холос бўлиш учун битта тувак олиб қўйишни унутманг. Малҳам таъсирини қандай ўтказаетганини ўз кўзингиз билан кўришингиз ва сиз умуман кутмаган-кўрмаган нарсалар тушганда ҳуқначилар назоратидан ўтказишни унутманг. Дарвоқе, даволанишни бошлаганингизга уч кун бўлганда эрталаб шифобахш гиёҳлардан тайёрланган микроклизма қабул қилишингиз мумкин бўлади.

Фақат олма шарбати, бошқаси эмас!

Муолажа вақтида кунига 2—3 литр ёки бундан ҳам кўпроқ миқдорда олма шарбати ичиш тавсия этилади. Чунки олма шарбати таркибида хлорогинат кислота, қанд моддалари, пиктен моддалар, ошловчи ва бўёқ моддалар, аскарбинат кислота, витамин В₁, органик фосфор бирикмалари, эфир мойи, калий, темир, марга-

нец ва мис мавжуд бўлиб, юрак фаолиятини яхшилаш билан биргаликда қонни ҳам кўшайтиради.

Тажрибадан маълум бўлдики, юқоридаги талаб айтилса-да, тез кунда айримларнинг меъдасига тегади чоғи, «ўрик ва ҳоказо шарбатларни ҳам ичсак бўлмайдами», дея савол беришдан тинмайдилар. Олма шарбати темир моддаси ва бошқа танамиз учун зарур юқорида таъкидланган витаминларга бойдир. Бошқа шарбатнинг истеъмол қилиниши шифо топишингизга тўққинлик қилиши амалда исботланган.

Уйдаги парҳез...

Малҳам дардингизни олиб, сизни даволагач, иштаҳангиз очилиши табиий. Қолаверса, тансиқ таомларни кўнглингиз тусаши ҳам аниқ. Лекин уйингизга кетишингизга рухсат берилгач, овқатга бўлган «соғинч»ингизни дарҳол қондиришга киришманг. Акс ҳолда, аввало, ўзингизга зарар бўлади, қолаверса, шифокорнинг шунча тоат-ибодатини йўққа чиқаришингиз мумкин. Даволаниш жараёнида, аввало, нафсингиз сабаб кўп касалликларга чалинганингизни англайсиз, шунда нафс тарбияси билан қанчалар кўпроқ шуғуллансангиз келажакингиз учун шунча фойдадир. Кетар чоғингиз сизга 21 кундан 24 кунгача парҳез тутиш тавсия қилинади. Кўпчилик оила бекалари парҳез таом деганда товуқ шўрваю маставани тушунадилар, холос. Ҳар куни шу икки таом истеъмол қилинавергач, улар ҳам меъдага тегади. Шу боис, қуйида тавсия этилаётган таомналар овқатингизни ранг-баранг қилади.

Парҳез давомида ёғли, хамирли, шўр, аччиқ, нўхатли ва мошли таомлар истеъмол қилиш, спиртли ичимликлар, нос, сигареталар чекиш мутлақо ман этилади. Оғир ишлар ва оғир юк кўтариш

мумкин эмас. Шунингдек, қайнатма овқатларингизда ҳам қўй, от, чўчқа, ўрдак гўштларидан фойдаланманг. Парҳезнинг иккинчи ҳафтасида қайнатиб, димлаб пиширилган гуруч, гречка, перловка сингари овқатларни истеъмол қилишга рухсат берилади.

Унутманг! Дастлабки уч кун фақат суюқ парҳез таом НОНСИЗ ичилади. Уч кундан кейин ҳам кўп миқдорда нонни суюқ овқатингизга бўктириб ейишдан чекланинг. Ҳар нарсанинг ози ширин бўлади, дейди доно халқимиз.

ПАРҲЕЗЛИ СУЮҚ ТАОМЛАР

Чопма (қийма) шўрва

Керакли масаллиқлар: 200 грамм мол гўшти, бир бош пиёз, икки дона сабзи, икки дона шолғом, бир қошиқча зира, укроп (шивит), туз.

Тайёрлаш усули: совуқ сувда ювилган 200 грамм мол гўшти гўштмайдалагичдан ўтказилади ёки гўшттахтада чопилади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча қутилади ва сув юзига ажралиб чиққан кўпиклар, албатта, олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз, сабзи ва шолғом тўғраб солинади. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет равишда солиниб, гишгунича паст оловда қайнатилади. Қулинг ўргилсин чопма шўрва тайёр, ёқимли иштаҳа!

Товуқ шўрва

Керакли масаллиқлар: 200 грамм товуқ гўшти, бир бош пиёз, икки дона сабзи, икки дона шолғом, бир қошиқча зира, укроп (шивит), туз.

Тайёрлаш усули: совуқ сувда ювилган товуқ гўшти кичик бўлақларга бўлинади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб

чиққунча кутилади ва сув юзига ажралиб чиққан кўпиклар олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз, сабзи ва шолғом тўғраб солинади. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет равишда солиниб, пишгунича паст оловда қайнатилади.

Балиқ шўрва

Керакли масаллиқлар: 200 грамм балиқ гўшти, бир дона лавлаги, бир бовдан кўкатлар — петрушка, укроп, кўк пиёз, шунингдек, бир чой қошиқ ўсимлик ёғи, туз.

Тайёрлаш усули: лавлагини пўчоғи билан 40 дақиқа қайнатинг, сўнг совитинг. Балиқни бўлакларга бўлинг ва сабзавотлар билан бирга қайнатинг. Лавлагининг пўстини тозалаб, кубик шаклида тўвранг ва шўрвага солинг. Петрушка ва кўк пиёзни тозалаб, майда тўғраб шўрвага қўшинг. Шўрва пишгач, туз ва ўсимлик ёғи қўшиб дастурхонга тортиш мумкин.

Қайнатма шўрва

Керакли масаллиқлар: 200 грамм суякли (қовурғага ўхшаш иликсиз суяк бўлсин) мол гўшти, бир бош пиёз, икки дона сабзи, икки дона шолғом, бир қошиқча зира, укроп (шивит), туз.

Тайёрлаш усули: совуқ сувда ювилган 200 грамм мол гўшти пичоқда кичик бўлакларга бўлинади. Қозонга керагича сув қўйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзига ажралиб чиққан кўпиклар олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз, сабзи ва шолғом тўғраб солинади. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет равишда солиниб, пишгунича паст оловда қайнатилади.

Карам шўрва

Керакли масаллиқлар: 500 грамм карам, 200 грамм мол гўшти, бир бош пиёз, икки дона сабзи, икки дона шолғом, бир қошиқча зира, укроп (шивит), туз.

Тайёрлаш усули: совуқ сувда ювилган мол гўшти гўштмайдалагичдан ўтказилади ёки гўшттахтада чопилади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзасида ажралиб чиққан кўниклар, албатта, олиб ташланади. Шундан сўнг карам билан бирга пиёз, сабзи ва шолғом майдалаб тўғраб солинади. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет равишда солиниб, пишгунича паст оловда қайнатилади.

Шолғом шўрва

Керакли масаллиқлар: 300 грамм шолғом, 200 грамм мол гўшти, бир бош пиёз, икки дона сабзи, бир қошиқча зира, укроп (шивит), туз.

Тайёрлаш усули: совуқ сувда ювилган мол гўшти гўштмайдалагичдан ўтказилади ёки гўшттахтада чопилади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзасида ажралиб чиққан кўниклар, албатта, олиб ташланади. Шундан сўнг шолғом билан бирга пиёз, сабзи майдалаб тўғраб солинади. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет равишда солиниб, пишгунича паст оловда қайнатилади.

Лавлаги шўрва

Керакли масаллиқлар: 500 грамм димлаб ёки қайнатиб пиширилган лавлаги, 200 грамм мол гўшти, бир бош пиёз, икки дона сабзи, бир қошиқча зира, укроп (шивит), туз.

Тайёрлаш усули: совуқ сувда ювилган мол гўшти гўштмайдалагичдан ўтказилади ёки гўшттахтада чопилади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзасида ажралиб чиққан кўпиклар, албатта, олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз, сабзи ва шолғом майдалаб тўғраб солинади. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет равишда солиниб, паст оловда қайнатилади. Гўшт, сабзи ва шолғом пишай деганда майдалаб, тайёрлаб қўйилган лавлаги солинади ва овқат пишгунича паст оловда қайнатилади.

Маства

Керакли масаллиқлар: бир пиёла гуруч, 200 грамм лаҳм мол гўшти, бир бош пиёз, икки дона сабзи, бир қошиқча зира, укроп (шивит), туз.

Тайёрлаш усули: совуқ сувда ювилган 200 грамм мол гўшти пичоқда кичик бўлакчаларга бўлинади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзасига ажралиб чиққан кўпиклар олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз, сабзи тўғраб солинади. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет равишда солиниб, гўшт пишгунича паст оловда қайнатилади. Ниҳоят бир пиёла гуруч ювиб солингач, паст оловда қайнатиш овқат пишгунича давом эттирилади.

Оқ маства

Керакли масаллиқлар: 200 грамм мол гўшти, бир пиёла гуруч, бир бош пиёз, бир қошиқ ўсимлик ёғи, ярим қошиқча зира, укроп (шивит), туз, бир пиёла сузма (чакки).

Тайёрлаш усули: совуқ сувда ювилган гўшт гўштмайдалагичдан ўтказилади ёки гўшттахтада чопи-

лади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча қутилади ва сув юзасига ажралиб чиққан кўпиклар олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз ва ўсимлик мойи солинади. Укроп, зира ва туз кетма-кет солиниб, бир оз қайнагач, гуруч ювиб солинади, сўнг пишгунича паст оловда қайнатилади. Пишган оқ мастава оловдан олиниб бироз совигунча ёғсиз сузма(чакки) эзиб суюлтирилади ва маставага қўшиб яхшилаб аралаштириб, сузилади.

Шолғомли мастава

Керакли масаллиқлар: икки дона шолғом, икки дона сабзи, 200 грамм мол гўшти, бир пиёла гуруч, бир бош пиёз, бир қошиқ ўсимлик ёғи, ярим қошиқча зира, укроп(шивит), туз.

Тайёрлаш усули: совуқ сувда ювилган гўшт гўштмайдалагичдан ўтказилади ёки гўшттахтада чопилади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча қутилади ва сув юзасига ажралиб чиққан кўпиклар олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз, сабзи ва шолғом нўхатдек қилиб тўғраб солинади. Бир ош қошиқ ўсимлик мойи солиш мумкин. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет солиниб, гўшт пишгунча қайнагач, гуруч ювиб солинади, сўнг пишгунича паст оловда қайнатилади.

Парҳезнинг иккинчи ҳафтасидан тушлик даврида қуюқ таомларга рухсат берилади.

ҚУЮҚ ТАОМЛАР

Димланган гуруч

Керакли масаллиқлар: ярим кило гуруч, туз, зира, ярим литр сув.

Тайёрлаш усули: гуруч ювилиб, қозонга солинади. Устидан сув қуйилади. Қайнаб чиққач, икки-уч

қошиқ ўсимлик ёғи солинади. Кейин туз, зира сепилиб, паст оловда димлаб қўйилади.

Парҳез палов

Керакли масаллиқлар: 200 грамм мол гўшти, тўрт-беш дона сабзи, икки пиёла гуруч, бир бош пиёз, икки-уч ош қошиқ ўсимлик ёғи, ярим қошиқча зира, туз, аччиқ қалампир қўшилмаган бир қошиқ томат.

Тайёрлаш усули: совуқ сувда ювилган мол гўшти пичоқда кичик бўлакчаларга бўлинади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзасига ажралиб чиққан кўпиклар олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз, сабзи, паловга тўғралгани каби тўғраб, солинади. Ўсимлик ёғи ва томат солиш мумкин. Зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет солиниб, гўшт ва сабзи пишгунича қайнатилади. Сўнг гуруч ювиб солинади ва паловга солинадиган миқдордан кўпроқ сув қуйиб, ўртача оловда суви тортилгунича қайнатилади. Суви тортилгач, бироз зирани эзиб, гуручлар устига баравар сочасиз-да, гуручларни аралаштириб, қозон қошқоғини ёпиб, жуда паст оловда 30 дақиқа димлайсиз. Агар сувини оби-тобида солган бўлсангиз, қулинг ўргилсин, мулойимгина, ош-қозонга қаттиқ ботмайдиган парҳез палов тайёр бўлди деяверинг. Ош бўлсин!

Димланган қовоқ

Керакли масаллиқлар: ошқовоқ, зира.

Тайёрлаш усули: ошқовоқ кесилиб, уруғидан тозалангач, бўлакланиб, манти қозон қасқонларига пўстлоғи билан териб чиқилади, устидан таъбга яраша зира сепилади ва пишгунича димланади.

Димланган лавлаги

Керакли масаллиқлар: лавлаги, зира.

Тайёрлаш усули: лавлаги тозалангач, паррак-паррак кесилиб, манти қозон қасқонларига териб чиқилади, устидан таъбга яраша зира сепилади ва пишгунича димланади.

Димланган шолғом

Керакли масаллиқлар: шолғом, зира.

Тайёрлаш усули: шолғом тозалангач, паррак-паррак кесилиб, манти қозон қасқонларига териб чиқилади, устидан таъбга яраша зира сепилади ва пишгунича димланади.

Шарбатлар

Парҳез давомида ичишга рухсат берилган шарбатлар: олма, сабзи, бодринг, тарвуз ва ўрик шарбатлари бир кунда 250 дан 400 граммгача.

ПАРҲЕЗ ДАВРИ ТУГАГАЧ...

Соғайиш учун сиз босиб ўтган йўл сизга ҳаётнинг, ундаги лаззатларнинг қадрига, моҳиятига етишга ўргатди, десак муболаға бўлмайди. Шу боис парҳездан кейин ҳам тановул қиладиган овқатларингиз ҳақида ўйлаб кўрсангиз фақат соғлигингиз учун фойдали бўлади. Қуйида уларнинг асосийларига тўхталиб ўтамыз.

1. Рафинация қилинган шакар организмга ҳеч нарса бермайди. Уни кўп истеъмол қилиш турли касалликларни келтириб чиқаради. Табиий озуқага нисбатан иштаҳани йўқотади. Унинг ўрнига табиий асал истеъмол қилинг. Асалнинг шифобахшлиги ҳақида эшитмаган бўлсангиз, марҳамат ўқиб олинг.

Асал — ҳаёт шарбати

Ширинликлар султони ҳисобланувчи асални одамзод ўзининг илк давридан бошлаб истеъмол қилиб келади. Қадим замонларда ўтган олим ва фозил кишиларнинг асарларида асалнинг шифобахш хосиятлари баён этилган эди. Машҳур юнонистонлик олим Пифагор: анча узоқ умр кўрганимнинг боиси муттасил асал истеъмол қилиб турганимдандир, деб таъкидлаган эди. Қадимий юнон файласуф донишманди Демокрит юз йилдан ошдиқ яшаб, «узоқ умр кўриш учун ични асал билан таъминлаш, сиртдан мойли муолажа қилиш зарур», деган хулосага келган. Таниқли румо табиби Жолинуc ҳақим эса асални жуда қўп хасталиклар давоси сифатида тавсия этган эди.

Тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино (980—1037) асалнинг хосиятларини санаб ўтган: асал мижозни тозалайди, томир йўлини равон қилади, хўллик ва газак шимдирувчи қуввати бор. У хўлликни ва газакни баданининг чуқур ерларидан тортади, гўштини сасиш ва бузилишдан сақлайди, чиркли чуқур яраларни тозалайди. Асал кўз хиралигини кетказади. Асални танглай билан эзиб суриш ва ғарғара қилиш бўғмадан халос этишга ёрдам беради, бодомча безларининг озорланишига қаршилик қилади. Асал суви меъдани кучайтиради, иштаҳага барака бериб, ҳазми яхшилайди. Асал аччиқтош билан муштаракликда темиратки азиятидан халос этади. Ибн Сино таъкидлаганидек, ёш навқиронликни сақлаш учун асал истеъмол қилиш лозим. Унинг тавсиясига қараганда, айниқса, ёши 45 дан улуғ бўлган кишилар асалдан тез-тез истеъмол қилиб туришлари керак.

Сиҳат-саломатликни яхши сақлаш учун ҳар куни наҳорга асални сув билан аралаштириб ичиш лозим.

Бунда ёмғир сувидан фойдаланиш янада яхши. Асал кўкрак ва плеврани яхши тозалайди, ундан талоқ хасталикларини даволашда фойдаланилади, асал ел ҳосил бўлишини тўхтатади, буйрак ва қовуқда мавжуд бўладиган тошларни эритишга ёрдам беради, зўриқиб сийишда энгиллик беради, аъзоларда пайдо бўлувчи зарарли нарсаларни тозалайди.

Асал сув билан ичилса, жинсий қувватни оширади, сийдик ажралишини яхшилайди, ичак ва қовуқда мавжуд бўлувчи яраларнинг тузалиши ва тозаланишига ёрдам беради. Асални сув билан ичиш чанқоқни қондирувчи амал ҳисобланади. Булардан ташқари, асал бедармонликда, силла қуришида ва сил касалликларида қувват бағишлайдиган табиий даводир. Бунинг учун асални сабзи шарбати ёки сут билан кунига 60 — 100 граммдан истеъмол қилиш лозим кўрилади. Асал тановул этилганда ўн икки бармоқли ичак ярасига малҳамлик қилади, ошқозон-ичак йўли фаолиятини яхшилайди.

Асал юракка қувват бағишловчи омил сифатида ҳам қадрланади. Аниқ маълумотларга қараганда, муттасил оз-оздан асал истеъмол қилиб туриш юрак фаолиятини яхшилайди, одамнинг умумий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади, гемоглабин салмоғини оширади, юрак-қон томир тонусини кўтариб туради.

Асал буйрак касалликларини даволашда ҳам беозор омил ҳисобланади. Чунки, асал таркибида жуда оз миқдорда оқсил бўлиши билан бирга, унда ортиқча тузлар бўлмайди.

Қадимги табиблар асалнинг серхосиятлилигидан ўринли фойдаланганлар. Жумладан, асал ёнғоқ мағзи, майизни чирбанд қилган ҳолда қувватбахш омил сифатида истеъмол қилишни тавсия этар эдилар.

Асал қон ҳосил қилувчи аъзоларнинг фаолиятини кучайтиради, жигар касалликларига малҳамлик қилади.

Маълумотларга қараганда, 1—2 ой мобайнида суткасига ўргача 70 граммдан асл асал истеъмол қилиб туриладиган бўлса, у овир юрак хасталикларига даво бўлиб, бемор аҳволини бирмунча яхшилайти, қон таркибини меъёрга келтиради.

Асл асал уйқу бағишлолчи беозор неъмат ҳисобланади, 1 ош қошиқ асл асални 1 стакан илиқ сувда эритиб, уйқу олдидан ичиладиган бўлса, уни тинимли чуқур уйқу қучовига олади.

Асал хафақон хасталигининг давоси ҳамдир. Чунки, унинг таркибида ацетилхолин моддаси мавжуд бўлиб, у қон босимини тушириш хусусиятига эга.

Асал гўдак болалар учун тўйимли неъмат ҳисобланади, айниқса, она сути камчилигида фойдали эканлиги билан ажралиб туради.

Асал изтиробли йўтал балосидан форив бўлишга ёрдам беради.

Кўҳна замонларда юнонлар асални «ёшликнинг шарбати» ҳисоблаб, ўша даврларда Олимпия ўйинлари иштирокчиларига ичиришни одат қилган эдилар.

Табобат илмининг улуғлари юқоридаги хусусиятларнинг барчасини бирлаштириб, асални ҳаёт шарбати дея эътироф этишган.

2. Оқ ундан тайёрланган нон маҳсулотларини камроқ истеъмол қилинг. Унда буғдойдаги фойдали элементлар йўқ. Нон, кондитер маҳсулотлари, музқаймоқ, пишлоқ, гўштли газаклар еманг, уларга кимёвий қўшимчалар қўшилади. Бўйни ўстирадиган, вазни оширадиган гармон стимуляторлар билан боқилган ҳайвон ва парранда гўштини истеъмол қилманг. Сув ёрдамида

қайта ишланган ёғ, ишлов берилган сут, қайта ишланган пишлоқ, эритилган пишлоқ ва шоколад маҳсулотларини истеъмол қилмасликни маслаҳат берамиз.

Тўғри овқатланиш орқали соғлиқни сақлаш мумкин:

— янги узилган мевалар, сабзавотлар, ёнғоқлар, писталар табиий озуқалардир;

— оқсил, бу асосан гўшт. Уни меъёрида қайнатинг. Кўп қайнаса оқсил бузилади. Сутли маҳсулотлар ҳам фойдалидир;

— сабзавотни кам сув билан паст ҳароратли оловда пиширинг;

— овқат тайёрлаш учун ўсимлик ёғидан фойдаланинг.

КАСАЛЛИККА ЧАЛИНМАСЛИК УЧУН...

Доно халқимиз айтганидек, касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган яхшидир. Шундай экан ушбу қоидаларга амал қилган инсон йиллар давомида касалликка чалинмаслиги табиий ҳолат:

* Сен ўз танангни ҳаётнинг буюк кўриниши сифатида ҳурмат қилишинг керак.

* Сен ҳар қандай нотабиий ва жонсиз озуқалардан, қўзғатувчи ичимликлардан воз кечишинг керак.

* Сен ўз танангни табиий, қайта ишланмаган, тирик озуқалар билан озиқлантиришинг керак.

* Сен ўз соғлиғинг учун йиллар давомида содиқ ва бегараз хизмат қилишинг керак.

* Сен ўз фаолият ва ҳордивингнинг тўғри мувозанати йўли билан танангни тиклаб олишинг керак.

* Сен ўз ҳужайра, тўқима ва қонингни тоза соф ҳаво ва қуёш нури билан тозалашинг керак.

* Сен тананг ёки ақлинг ўзини ёмон сезганда ҳар қандай овқатдан тийилишинг керак.

* Сен ўз ўй, сўз ва туйғуларингни тоза, осойишта ва юксак сақлашинг керак.

* Сен табиат қонунлари бўйича билимингни доимо ошириб боришинг, уни ҳаётинг шиорига айлантиришинг ва меҳнатингдан роҳатланишинг керак.

* Сен табиат қонунларига буйсунишинг керак.

* Саломатлик — сенинг ҳуқуқинг, бу ҳуқуқдан фойдалан!

ШИФОКОР ҲИКМАТЛАРИ

* Инсон йўлиққан энг катта фожиа — бу ҳиссий тушқунлик, ақлий тубанлик ва ташаббуснинг йўқлигидир. Буларнинг барчаси нотўғри овқатланишдан бошланади.

* Одамлар эрта ўлмайдилар, улар ўзларини ўзлари ўлдирадилар.

* Ҳозирги замон тамаддуни шароитида яшар эканмиз озиқ-овқатларни тозалаш ва пишириш улар таркибидаги ҳаётий муҳим унсурларни қисман ёки бутунлай барбод қилаётганини назарда тутмоқ лозим.

* Агарда истеъмол қилаётган таомларнинг таркибидаги масаллиқлар ўлик бўлса, пиширини жараёнида ундаги муҳим озуқавий элементлар камайган ёки умуман йўқолган бўлса, ошқозонингиз тўла ҳолида ҳам очдан ўлишингиз мумкин.

МУНДАРИЖА

Муқаддима. Касалликнинг олдини олган афзал!.....	3
Бердиқул Эргашев: Касалликлар қандай пайдо бўлади ва уларни қандай даволаган маъқул?.....	4
Марказда қандай хасталиклар даволанади?.....	15
Малҳамнинг сири нимада?.....	23
Жигар — лаборатория.....	25

Биринчи бўлим. ЖИГАР ХАСТАЛИКЛАРИ

«Уч-тўрт кунлик умри қолган дейишганди».....	28
«Сурункали гепатит ташхиси билан келдим».....	29
«Ташхис натижаси эхинококк эди».....	29
«Гепатит асоратлари қийнай бошлаганди».....	31
«Пулни ҳам тежайсиз, лекин асосийси натижа».....	32
В печени — каменный карьер.....	34
«Келганимда терим суягимга ёпишган эди».....	37
«Тошкентда, Самарқандда, Душанбеда мен учрамаган профессорлар қолмади».....	38
«Болам, тузалиб кетармикан, деб йиғлардим».....	40
«Саккизоёққа ўхшаган ўсимталар тушди».....	42
«Шифокорнинг гапларига ишонмагандим».....	44
Нуроталик Мавлуда опани излаб.....	46
<i>Мактуб.</i> Нажот қалъаси.....	49
Халоскор.....	55

Иккинчи бўлим. ИНСОН ОРГАНИЗМИДА УЧРАЙДИГАН НЕЧА ХИЛ «ТОШНИ» БИЛАСИЗ?

<i>Ёхуд ўт қопидаги муаммолар ҳақида</i>	
Қозовистонлик бемор Ўзбекистонда «тош балоси»дан қутулди.....	58
«Оғриқсиз ҳаётга қайтдик!».....	59
«Нега тош тушмади, дея сўраганимда...».....	61

«Ўт қопидан операциясиз тош тушириш усулини тиббиёт фанидаги янгилик деб биламан».....	62
«Шифокорга ихлосим янада ошди».....	64
«Мени сен чақиргансан, болам».....	65
«Оғриқдан тунлари ухлай олмасдим».....	66
«Мен дўхтирнинг дастлабки беморлариданман».....	67
«Очликнинг қадрига тўқлигингизда етинг!».....	68
Мактуб. Оллоҳнинг тошу тарозуси бор.....	71

Учинчи бўлим. ОШҚОЗОН ВА ИЧАКЛАРДАГИ ХАСТАЛИКЛАР

«Овқатланишдан деярли тўхтагандим».....	76
«Мутахассислар касаллик аломатларини топа олишмади».....	77
«Ўн икки бармоқли ичакдаги ярага даво излаб келдим»... 78	
«Дунё кўзимга чиройли кўрина бошлади».....	79
Малхам наполняет здоровьем и исцеляет.....	80
Мактуб. Ҳаётдан умидимни узгандим.....	82

Тўртинчи бўлим. БУЙРАҚДАГИ ТОШНИ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИСИЗ ТУШИРИШ МҲМКИНИМИ?

Ёхуд буйрақдаги қум, туздан ва бошқа хасталиклардан халос бўлиш йўллари ҳақида

«Битта қолган буйрагимда ҳам тош пайдо бўлганди».....	88
«Икки операциядан қутулиб қолдим».....	89
«Оғриқ сўзининг «О» ҳарфи ҳам қолмади».....	92
«Бахти тўкис аёл эканлигимни ҳис қилипман».....	94
«Юртимизда шундай ҳаким борлигидан фахрланаман!»... 95	
«Ҳассага таяниб келиб, усиз қайтдим».....	97
«Чап буйрагимдан ажралгандим».....	97
«Врачлар буйрагинг қурий бошлабди дейишганди».....	98
«Учинчи келишимда қора тош қуйқумлари тушди».....	100
«Оёқ-қўлларим шишиб, ётиб қолгандим».....	101
«Битта буйрагимни олиб ташлашганди».....	103
«Икки яшар болани уч марта операция қилишди».....	103

«Буйрагингда киста бор дейишганди».....	104
«Буйрагим оғриса-оғримаса ҳар йили бир марта келаман»...	105
«Ўн буйракни олиб ташласа, чанига овирлик қилмайдими?».....	106
«Иккинчи операцияга рози бўлмадим».....	106
«Буйракни олиб ташлаймиз, бошқача даволаб бўлмайди».....	107
«Энди яшагим келяпти».....	109
«Оддий гиёҳдан ўзгариш бўлди».....	110
«Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқми?».....	111
«Йигирма кунда шифо топиб, уйга қайтди».....	112
«Ўн иккита сигиримни соғиб, сутини кўтариб келяман!».....	114
«Бахтиёр кунларим учун раҳмат!».....	115
«Тузни тўкиб бўлмайди дейишганди».....	117

Бешинчи бўлим. ГИНЕКОЛОГИК

КАСАЛЛИКЛАРНИ ҲАМ ДАВОЛАШАДИ

Ёхуд тирноққа зорларнинг қувончлари ҳақида

«Тирноққа зор эдик».....	120
«Икки нафар ўғил, бир нафар қизнинг отасиман».....	121
«Ўғилли бўлдим!!!».....	122
«Аввал Шохжаҳон, кейин Аврангзоб туғилди».....	123
«Бир кам эллик ёшда биринчи фарзанд — ўғил кўрдим»... 124	
«Қизим операциядан, қариндошим фарзандсизликдан халос бўлди».....	126
«Бефарзанд эдик, ҳозир фарзандларим уч нафар!!!».....	127
«Климакс»ни ҳам даволашади».....	128

Олтинчи бўлим. РАКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, ҲАТТО ДАВОЛАШ МУМКИН

«Беморга имкон бериш керак».....	130
«Ичимдан тухум катталигида шилимшиқ без отилиб чиқди».....	130
«Ошқозон ости бези ортида без бор дейишди».....	133
«Болаларим олдига умид билан қатдим».....	134
«70 кун даволанганман».....	135
«Наҳотки сиз ўша бўлсангиз».....	137
«Бўлиши мумкин эмас...».....	139

«Мен қайтадан туғилдим».....	140
«Онанинг соғлиги бола учун бахт, боланинг соғлиги она учун бахт».....	141
«Беш йиллик миома ва тўқималар тушди».....	143
«Тухумдонларида кистомаси бор эди».....	145
«Миома кичрайиб — сўрилибди».....	146

Еттинчи бўлим. ТЕРИ-ТАНОСИЛ

КАСАЛЛИКЛАРИ

Тери-таносил касалликлари шифокори нима дейди?....	148
«15 йиллик дардимга даво топилди».....	148
«Оқ доғлар кетиб, терим қораймоқда».....	149
«Бу даргоҳдан ҳеч ким ноумид кетмайди».....	150

Саккизинчи бўлим. БОШҚА

КАСАЛЛИКЛАРДАН ШИФО

ТОПГАНЛАР ХУСУСИДА

«Кислород маскасида яшар эдим».....	152
«Эллик қадам юриб, ўтириб олардим, қон босими 200/120 эди».....	153
«Бедаво дарднинг ўзи йўқ экан!».....	156
Оилавий даволаниш мумкинми?.....	159
«Тиш вижирлатиш гижжаники, дейишганди».....	164
«Йиғлаб келган, кулиб кетар».....	165
«Ўнг қўлим яхши ишламасди, бўвинларим, умуртқам огрирди».....	166
«Бирдан лабларим, юзларим, баданим қавариб, шишиб кетарди».....	167
«Ўнг томоним ишламай қолганди».....	168
«Касалликлар «Гулдастаси» менда эди».....	170
«Он — квалифицированный врач».....	171
«Мне не надо никаких санаторий, я здесь отдыхаю».....	172
«Оққон касаллигининг бошланиши эди...».....	173
«Барча касалликларга даво экан».....	178
«Етти врач ҳамкасблар «Эргаш ота»га доим бирга келамиз».....	179
«Буқоқ (зоб)дан шифо топдим».....	181
«Эргаш ота» хусусий тиббий маркази ходимларига.....	182

**Тўққизинчи бўлим. ЯНА ШИФОХОНА
ВА УНДАГИ ТАРТИБОТ ХУСУСИДА**

Юртбошимиз ташаббуси одамларни ўз соғлиғини ўйлашга даъват этди.....	186
Шифокор қабули бепул.....	187
Даволаниш муддати.....	188
Малҳамдан ўзга муолижалар ҳам бор.....	190
Халқ учун яна бир қулайлик.....	193
Яна қандай имкониятлар мавжуд?.....	195
Абу Али ибн Сино: «Қанча кўп есанг, очлик ҳисси шунча ошиб бораверади».....	196
Яхшилик ҳаёт моҳиятидир.....	197
Беморнинг кўзлари.....	199
СЎНГСЎЗ ЎРНИДА	200
Иловалар	
Шифокор тавсиялари.....	202
Парҳез даври тутагач.....	212
Маслаҳатлар	
Қасалликка чалинмаслик учун.....	217
Шифокор ҳикматлари.....	218

Ҳалим САИД,
«Меҳнат шухрати» ордени,
«Олтин қалам» Миллий мукофоти соҳибдори

«ЭРГАШ ОТА» МЎЪЖИЗАСИ

Тўдирилган учинчи нашри

Б. Алиақулов ва Ҳ. Саидов олган
суратлардан фойдаланилди.

Мухаррир: Аҳмад Отабоси
Саҳифаловчи-дизайнер: Бегзод Йўлтемиров
Мусахҳиҳ: Мадина Мирзақобилова

Нашриёт лицензия рақами АIN№ 154, 14.08.09

2016 йил 7 июлда босинга рухсат этилди.

Қоғаз босими 84x108 1/32. "YoboniUZ" гарнитураси.

Оффсет босма. Оффсет қоғаз. 11,76 шарти босма тобоқ.

9,5 шарр тобови. Аҳди 25000 нусхада. 393 рақамли булуртма.

Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Маъбаа ва ахборот асвтичилигининг
Фахур Ғулом номдаги нашриёт-маъбаа ижодий уйда чол этилди.
100128 Тошкент. Либзак кўчаси, 86.

Тел.: (371) 241-25-24, 241-83-29, 241-48-62
Факс: (371) 241-82-69



ISBN 978-9943-03-904-9



9 789943 039049